

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
МАРКАЗИ**

БЕРКИНОВ Б.Б.

**ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Монография

ТОШКЕНТ – 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1-боб. ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЮРИТИШНИНГ ИЛМИЙ – МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Оилавий тадбиркорлик салоҳияти ва унинг мазмун–моҳияти.....	8
1.2. Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш зарурияти ва йўллари	19
1.3. Оилавий тадбиркорликни аҳоли бандлиги ва барқарор ривожланишдаги ролини ошириш.....	23
2-боб. ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЮРИТИШНИНГ ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАЛАРИ ВА УНДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	39
2.1. Чет эл мамлакатларида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш босқичлари.....	39
2.2. Оилавий бизнесни ташкил этиш учун шарт-шароитлар, уларнинг кучли ва заиф томонлари	48
2.3. Оилавий тадбиркорликнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланиш йўналишлари.....	64
3-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	73
3.1. Оилавий тадбиркорлик институтлари ва уларни тартибга солишни такомиллаштириш.....	73
3.2. Якка тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва уни қўллаб-қувватлаш йўналишлари.....	86
3.3. Ўзбекистонда хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ва салоҳиятини ошириш йўллари.....	96
4-боб. МАҲАЛЛА ҲУДУДИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ...	108
4.1. Маҳалла ҳудудида оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш омиллари ва йўналишлари.....	108
4.2. Маҳалла ҳудудида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кластер механизмини ривожлантириш.....	123

4.3. Маҳалла ҳудудида оилавий тадбиркорлик кичик кластерини ташкил этиш учун ишлаб чиқариш кооперацияси шаклларини асослаш.....	130
5-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ.....	144
5.1. Давлат-хусусий шериклик концепцияси ва унинг шакллари.....	144
5.2. Оиланинг ижтимоий-иқтисодий функциялари ва тадбиркорлик фаолияти.....	155
5.3. Оилани қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш муаммолари.....	163
Хулоса ва таклифлар.....	175
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	179

КИРИШ

Ҳаракатлар стратегиясида¹ Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича белгиланган устивор вазифалар қаторига оила тадбиркорлигини ривожлантириш алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожига ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ҳиссаси юқоридир. Шу билан бир вақтда оила фаровонлиги ва ҳаётининг сифат даражаси кўп жиҳатдан оилавий тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадга ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан оилавий тадбиркорликни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш салоҳиятини янада ошириш йўлларини асослаш долзарб масалалар қаторига киради.

Шу билан бир қаторда, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги ЎзР Президенти Қарорида “... ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини кластерлар ташкил этиш” вазифаси кўйилган [8].

Хорижий тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда жиддий муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси шундан далолат берадики, оила тадбиркорлигига қаратилган ташаббус нафақат бандликни таъминлашда, балки даромадларни текис тақсимлаш, шу билан бир қаторда ижтимоий–иктисодий ривожланишнинг барқарор омиллари сифатини оширишда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик бизнеснинг аксарият қисмини оилавий корхоналар ташкил қиласи. Оила тадбиркорликни ташкил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 ЎзР Конун хужжатлари тўплами 2017 й.б-сон, 70 модда.

этишнинг мазкур шаклининг ижтимоий ва иқтисодий устунликлари, унинг субъектлари фаолият кўрсатишининг юқори самарадорлигини, узоқ вақт давом этишини ва уларнинг жадал ривожланишини таъминлайди.

Европа давлатлари ялпи милий маҳсулотининг (ЯММ) 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оила бизнеси ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётидаги оилавий бизнес улуши 95 фоиздан кўпни ташкил қиласиди², уларга иқтисодиётдаги умумий бандларнинг 62 фоизи тўғри келади [93].

Кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда айнан оила тадбиркорлигини ташкил этиш соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаатларини ҳимояловчи ва оилавий корхоналарнинг фаолият кўрсатиши борасида тажриба алмашиш учун мунозара майдонларини ташкил этувчи маҳсус бирлашмалар фаолият юритади. Бу аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишни кенгайтириш, оилавий иш анъаналарини ривожлантириш ва оила тадбиркорлари сулоласини шакллантириш имконини беради. Бу билан оилавий тадбиркорлик нафақат жамиятда барқарор ижтимоий – иқтисодий вазиятни таъминлайди, балки келажакка йўналтирилган ижобий ишбилармонлик муҳитини шакллантиради.

Шуларни ҳисобга олганда ушбу монографияда Ўзбекистонда аҳоли бандлиги ва оилаларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг мухим омили сифатида оила тадбиркорлиги салоҳиятини янада оширишнинг илмий-услубий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот ишлари бажарилган.

Монографияда дастлаб чет эл ва мамлакатимизда оила тадбиркорлигини ташкил этиш, уни давлат томонидан тартибга солиш, рағбалантириш усуллари ва механизmlари қиёсий таҳлил қилинди. Оила тадбиркорлиги салоҳиятининг мазмун – моҳияти очиб берилди ва уни барқарор иқтисодий ривожланишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга жалб

² Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательство: анализ Российской практики // Российский внешнеэкономический вестник. Мировая экономика. №9, 2011. С. 17-20.

етиш йўллари таклиф этилди. Бу оила тадбиркорлигини ташкил қилишни янада такомиллаштириш билан бирга, узоқ истиқболни ҳисобга олганда оила аъзоларини ўзини-ўзи иш билан банд қилиш ҳамда оила салоҳиятини иқтисодий ўсишда қўшаётган ҳиссасини ошириб боришга йўл очиб беради. Шуларни ҳисобга олиб оиласий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишининг институционал нормалари ва механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Оиласий тадбиркорликни яна ривожлантириш ва унга қўллаб-қувватлаш тизимида мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш учун маҳалла фуқаролари йиғини (МФЙ) ҳудудида анкета сўровлари ўтказиш амалга оширилди ва унинг натижаларини умумлаштириш асосида оиласарни тадбиркорликга фаол жалб этишга тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Монографияда шунингдек, оиласий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда унинг салоҳиятини ошириш кўп жихатдан ушбу соҳада фаолият юритувчи оиласарни бир-бири билан кооперация принциплари асосида ишлаб чиқаришини ташкил этиш ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб тадқиқотда маҳалла ҳудудларида кластер механизмларини жорий этиш учун унинг таркиби, вазифалари, функциялари ҳамда амалий тадбирлари асосланди ҳамда кластер доирасида ишлаб чиқариш кооперацияси ташкил этиш йўллари таклиф этилди.

Оиласий тадбиркорликни мавжуд салоҳиятини ошириш, уларга яратилган шарт-шароитларга боғлиқdir. Шулардан келиб чиқиб, тадқиқотда оиласий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, солиқ имтиёзлари бериш ва улар ривожланишини рағбатлантиришнинг бошқа имкониятларидан кенг фойдаланиш йўллари ва механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Монографияда шунингдек, оилани ижтимоий-иктисодий қўллаб-қувватлаш ва уни мустаҳкамлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ташкил этишнинг концептуал асослари ва унинг шакллари асосланди ва

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида давлат-хусусий шерикликни ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий-институционал нормалари ҳамда тўпланган тажрибалар таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий натижалари такомиллашиб бораётган институционал муҳитда оиласидаги тадбиркорлик салоҳиятини иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссаларини янада ошириш Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган устувор вазифаларни самарали ҳал қилишга кўмаклашади.

Монография натижалари, хулоса ва таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 7.06.2018 йилдаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 февраль 2018 йил № 117-сонли “Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда ЎзР ВМнинг 2013 йил 26 марта № 229-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласиди.

1-боб. ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЮРИТИШНИНГ ИЛМИЙ – МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1.Оилавий тадбиркорлик салоҳияти ва унинг мазмун – моҳияти

Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунига мувофиқ оилавий тадбиркорлик – оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти ҳисобланади³.

Мазкур қонунда белгиланганидек, оилавий тадбиркорлик уни ташкил этувчи оила аъзоларининг ўз ихтиёри билан юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий – ҳукуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади. Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш шакллари қонунчилик ҳужжатларида белгиланганидек, якка тадбиркорлик, шунингдек, ҳунармандчилик ҳамда касаначилик (уй меҳнати) шакллари ҳисобланади.

Қонунда этироф этилганидек, оилавий корхона унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланиб товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар қўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрийлик асосида, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулқ, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектиdir.

Демак оилавий тадбиркорлик фаолияти Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ уч шаклда хўжалик фаолиятини юритади. Оилавий тадбиркорлик фаолияти ҳам бошқа иқтисодиёт субъектлари каби бозор шароитида муайян хавф – хатарларга боғлиқдир.

³ Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й. 17-сон, 188-модда, 2017 й. 1-сон, 1-модда.

Шу нүктай назардан қараганда оилавий тадбиркорлик (бизнес) фаолияти фақат аниқ бир мақсадга йўналтирилган хусусиятга эга бўлган тақдирдагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Бу оила тасарруфидаги зарур меҳнат ва молиявий ресурслар ҳажми ва улардан самарали фойдаланишни билиш орқали эришилиши лозим бўлган стратегик ва жорий мақсадлар тизимида ўз аксини топиши лозим. Шу билан бир вақтда оила ўз тадбиркорлик фаолиятининг муайян мақсад ва вазифаларини илгари сурган ҳолда, ички ва ташқи муҳитнинг мавжуд ёки прогноз қилинаётган ҳолатида уларга эришиш имкониятини таҳлил қилиб, ушбу мақсад ва вазифалар қанчалик аниқ эканлигини олдиндан баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Оила ўз ихтиёридаги ёки улар томонидан келгусида оилавий тадбиркорликга жалб этилиши мумкин бўлган молиявий ва ишлаб чиқариш ресурслари чекланган шароитда улардан оқилона фойдаланиш муаммоси юзага келади. Бунинг учун оилавий тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу йўналишда қабул қилинган бизнес – режада акс эттирилиш лозим бўлган топшириқларни уларни амалга ошириш борасидаги мавжуд имкониятлар билан мувофиқлаштириш зарур. Замонавий иқтисодиёт фанида бундай мувофиқлаштириш муаммосининг ҳал этилиши оилавий тадбиркорлик салоҳияти тушунчасини киритишга, шунингдек уни таркибини ташкил этувчи унсурларини асослашни талаб этади.

Таъкидлаш лозимки, бозор рақобати шароитида хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар салоҳияти улар фаолиятининг оптималь параметрларини белгилаш ва уларга эришиш механизмларининг мураккаблигини акс эттирувчи кўп қиррали тушунча ҳисобланади, бу уни талқин этишга нисбатан турли ёндашувларни қўллаш мумкинлигини белгилаб беради.

Ушбу назарий жиҳатларни ҳисобга олганда иқтисодиётда фаолият юритувчи субъект сифатида Оилавий тадбиркорлик салоҳияти тушунчасининг мазмун – моҳиятини тўғри англаш ҳамда унинг таркибини асослаш муҳим ҳисобланади.

Илмий манбаларда “салоҳият”, “ресурс салоҳияти” каби турли

тушунчаларнинг таърифлари мавжуд. Масалан, минтақа ёки аниқ бир худуд иқтисодиёти, тармоғи ёки корхонасининг ишлаб чиқариш салоҳияти турлича тавсифларга эга⁴. Р.Дякива таҳририда чоп этилган ишда, салоҳият қандайдир натижага эришиш, ниманидир амалга ошириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган мавжуд имкониятлар, ресурслар, заҳиралар ва воситаларга тенглаштирилади. Демак, ушбу тушунчани талқин этишда асосий эътибор муайян мақсадларга эришиш учун мавжуд имкониятлар ва ресурсларга қаратилган⁵. Шуларни ҳисобга олганда оиласвий тадбиркорлик салоҳиятини унинг белгилари орқали ўрганиш ҳозирги бозор рақобати шароитида оиласвий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва унинг барқарор иқтисодий ўсишга кўшаётган ҳиссасини оширишда долзарб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, «салоҳият» атамаси иқтисодий адабиётларда миқдорий баҳо сифатида кенг қўлланилади ва табиий, инвестициявий, интеллектуал, иқтисодий, ресурс, меҳнат салоҳияти сифатида иштирок этади.

Шуларни ҳисобга олиб, кейинги ўринларда оиласвий тадбиркорлик салоҳияти тушунчасини талқин этишга асос сифатида қарашиб мумкин бўлган хорижий олимлар илмий ишлари таҳлил қилинди.

Н.С.Краснокутская ўз ишида корхонада нафақат у ёки бу ресурсларнинг зарур ҳажми, балки тегишли билимлар, яъни ушбу ресурсларни бошқариш бўйича муайян ҳаракатларни амалга ошириш жараённида уларни сафарбар этиш қобилиятининг мавжудлиги муҳимлигини таъкидлайди⁶. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ушбу иш муаллифи корхона салоҳиятини унинг ресурслари ва билимлар тизимининг тадбиркорлик жараёнларни амалга ошириш орқали манфаатдор шахслар (томонлар) учун аниқ натижага эришиш имконияти сифатида талқин этишни таклиф қиласди. Корхона салоҳиятини талқин этишга нисбатан бундай ёндашувни қўллашда ресурслар ва уларни бошқариш

⁴ Рейзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 2-е изд., испр. – М: ИНФРА-М. 479 с.. 1999. https://dic.academic.ru/dic.nsf/econ_dict/11758.

⁵ Энциклопедия бизнесмена, экономиста, менеджера/ [под ред. Р.Дякива]. – Киев: Междунар. экон. фондация, ООО «Книгодрук», 2000. – 704 с.

⁶ Краснокутская Н.С. Потенциал предприятия: формирование и оценка / Н.С.Краснокутская. – Киев: Центр учеб. лит., 2005. с. 7-8.

қобилияти унинг асосий тавсифлари ҳисобланади. Шу билан бир вақтда корхонанинг ўзи нуқтаи назаридан муайян мақсадларга эришиш эса маълум даражада муаллиф эътиборидан четда қолган.

Катта Совет Энциклопедиясида келтирилган таърифга кўра, умумий кўринишда «салоҳият», нақд мавжуд бўлган, мақсадлар эришиш учун сафарбар этилиши, ишга туширилиши, фойдаланилиши мумкин бўлган воситалар, захиралар, манбалар йигиндинсини ўзида намоён этади. Баъзан «салоҳият» атамаси «имкониятлар» ёки «қобилият» сифатида талқин этилади, лекин ҳар бир муайян вақтда ушбу қобилиятни белгилаб берувчи воситалар йигиндинини кўрсатиш мумкин⁷. С.И.Ожеговнинг рус тили лугатида, К.А.Тимофеевнинг замонавий рус тили лугатида, А.М.Прохоровнинг Россия энциклопедия лугатида “салоҳият” ушбу нуқтадаги куч майдонларининг кенг синфини тавсифловчи катталик сифатида таърифланган⁸.

Минтақавий иқтисодиётни тадқиқ этиш соҳасидаги олим К.М.Миско салоҳиятга инсоннинг ўрганилаётган обьектдан самарали фойдаланишининг ички, яширинча имкониятларини билиш чегараси сифатида таъриф берган⁹. А.Н.Азрилиян ва бошқалар салоҳият дейилганда қандайдир соҳадаги мавжуд воситалар, имкониятлар йигиндинини тушунишни таклиф этишган¹⁰.

А.Н.Люкшиновнинг фикрига кўра, корхонанинг салоҳияти унинг маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) имкониятлари йигиндинини ўзида намоён этади¹¹. Ички ўзгарувчилардан ташқари, у умумий ташкилий раҳбарлик – бошқарув ходимларининг имкониятларини ҳам ўз ичига олади.

Т.Ф.Рябованинг талқин этишича: «Салоҳият – мамлакат аҳолиси турли тоифаларининг ҳар хил талабларини қондириш учун зарур бўлган юқори

⁷ Большая советская энциклопедия. – Т. 20. – М., 1977. С.428.

⁸ Ожегов С.И. Словарь русского языка: Около 53000 слов / СИ.Ожигов – 25-е изд. – М.: АЗЪ, 2001. – 763 с. Российский энциклопедический словарь: В 2 кн. Кн. 2: Н-Я./ под ред. А.М. Прохорова: - М.: Большая российская энциклопедия, 2000. – 1023 с.

⁹ Миско К.М. Ресурсный потенциал региона (теоретические и методологические аспекты исследования) / К.М.Миско. – М.: Наука, 1991.-94 с.

¹⁰ Большой экономический словарь / под. ред. А.Н.Азрилияна. – 2-е изд. доп. и прераб. – М.: Институт новой экономики, 1997. – 864 с.

¹¹ Люшкинов А.Н. Стратегический менеджмент на предприятиях АПК / А.Н.Люшкинов. – М.: Колос, 1999. – 367 с.

сифатли товарларнинг ишлаб чиқарилишини таъминлашга қодир бўлган мавжуд ишлаб чиқариш омиллари, интеллект, ишлаб чиқариш заҳиралари ва имкониятлари йиғиндиси»¹².

Ҳақиқатдан ҳам, салоҳият – мамлакат аҳолиси турли тоифаларининг ҳар хил талабларини қондириш манбаи, бироқ ишлаб чиқариш омиллари, ишлаб чиқариш заҳиралари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини табақалаш имкониятларини биргаликда кўриб чиқиш унчалик ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Бизнинг фикримизча, Т.Г.Храмцованинг «салоҳият»ни таърифлашга нисбатан ёндашуви эътиборга лойиқ. Унинг талқин этишича: «салоҳият – бу нафақат ресурслар миқдори, балки уларда мужассам этилган тизимни белгиланган йўналишда ривожлантириш имконияти ҳамdir. Механикада потенциал энергия кинетик энергияга айланганидек, иқтисодиётда салоҳиятнинг амалга оширилиши фаолият натижаларида ўз аксини топади»¹³.

Шундай қилиб, салоҳият дейилганда улардан фойдаланиш иқтисодий самарага эришиш имконини берадиган воситалар, заҳиралар, имкониятлар йиғиндисини тушуниш зарур.

Тадқиқотни яна бир муҳим жиҳати ресурслар дейилганда нимани тушуниш кераклигига аниқлик киритиб олиш ҳисобланади.

Иқтисодий нуқтаи назардан ресурслар жумласига ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида бевосита ёхуд билвосита тарзда иштирок этувчи алоҳида унсурлар йиғиндиси киради. Шунинг учун «ресурслар» тушунчасининг энг муҳим ўзига хос хусусияти ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқликдан иборат, яъни ресурслар фойдаланиш жараёнида ишлаб чиқариш омиллари шаклига киради.

Иқтисодий ресурслар – бу ишлаб чиқаришга, товарлар, хизматлар ва бошқа бойликларни яратиш жараёнига жалб этилиши мумкин бўлган табиий

¹² Большой коммерческий словарь / под ред. Т.Ф.Рябовой. – М.: Война и мир, 1996-399 с.

¹³ Храмцова Т.Г. Методология исследования социально-экономического потенциала потребительской кооперации: дис... д-ра экон. наук./ Т.Г.Храмцова Центросоюз Р.Ф; СиБУПК. – Новосибирск, 2002. – 374 с.

ва ижтимоий кучлар. Иқтисодиётда ресурслар тўртта гурухга бўлинади: табиий, моддий, меҳнат ва молиявий. Иқтисодиётда ажратиладиган иқтисодий ресурсларнинг барча турлари миқдор ва сифат нуқтаи назаридан чекланган. «Ресурсларнинг чекланганлиги» ёки «ноёблиги»нинг моҳияти яна шундан иборатки, бу уларнинг ўзига хос хусусиятидир.

«Ресурслар» тушунчасининг яна бир ўзига хос хусусияти – бу уларнинг такрор барпо бўла олиши (такрор ишлаб чиқариладиган ресурслар), яъни истеъмол қилинган қисмининг ўрнига тикланиш қобилияти. Такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурслар жумласига ер-сув, фойдали қазилмалар, ҳаво ва шу кабилар, яъни қайта тиклашнинг деярли иложи бўлмаган ресурслар киради. Масалан, С.Брю, К.Макконеллнинг фикрига кўра, ресурслар – бу ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти¹⁴.

Бизнинг фикримизча, «ресурслар» тушунчасининг мазмуни С.А.Бороненкованинг ишларида тўлиқроқ очиб берилган. У ресурсларни бошқарув обьектининг элементи сифатида қўриб чиқиб, уларни анъанавий тарзда таснифлаган: меҳнат воситалари; меҳнат буюмлари; меҳнат ресурслари; молиявий ресурслар¹⁵. И.Т.Балабанов корхона тасарруфидаги ресурслар жумласига техник, технологик, меҳнат, макон (худуд, бинолар, коммуникациялар), молиявий ресурслар ва имкониятларни киритади¹⁶. Шу билан бирга корхона таркибига бошқарув тизими ташкилий тузилмасининг ресурслари ҳам киритилади.

Шундай қилиб, «ресурслар» ва «салоҳият» атамалари ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, ресурслар иқтисодий фаолият субъектларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади, тадбиркорлик субъекти сифатида алоҳида корхонанинг, жамиятнинг салоҳияти эса фаолият субъектларидан ажралмайди. Яъни «салоҳият», моддий ва номоддий воситалардан ташқари, ходим, жамоа, корхона ва умуман жамиятнинг мавжуд воситалар ёки

¹⁴ К.Макконелл, С.Брю Экономикс. В 2 томах. Том 1. Таллин, 1993. с. 36-50.

¹⁵ Бороненкова С.А. Управленческий анализ / С.А.Бороненкова. – М.:Финансы и статистика, 2001. – 384 с.

¹⁶ Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента: учебное пособие / И.Т.Балабанов – 3-е изд., прераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 526 с.

ресурслардан самарали фойдаланиш қобилятини ўз ичига олади. Шунинг учун тадбиркорлик фаолияти салоҳиятини ошириш суръатлари билан асосий ва айланма капитал, ишчи кучи ва бошқа ресурсларни ўсиш суръатлари ўртасидаги нисбатни мунтазам ҳисобга олиш, назорат қилиш ҳамда мақбул ўлчамлар ва улушларда сақлаб туриш зарур.

Ушбу мақсадда ресурслар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимида у орқали тўпланган ресурслар ҳажмини, имкониятлардан фойдаланиш даражасини ва барпо этилган ижтимоий маҳсулот ҳажмини ҳисобга олиш мумкин бўлган иқтисодий категориядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. «*Ресурс салоҳияти*» ана шундай категория бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Илмий тадқиқотларда «ресурс салоҳияти» атамаси асосан иқтисодиёт субъектлари, йирик иқтисодий районлар ва умуман мамлакатга нисбатан кўлланилади. Лекин, товарлар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилишини таъминловчи корхоналар мазкур субъектлар ресурс салоҳиятининг асосий таркибий қисмларидан бири эканлиги боис, бизнингча, ушбу атамани тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Ю.Н.Клепиковнинг ёзишича, корхона салоҳиятининг ҳажми корхона тасарруф этиб турган ресурслар миқдори ва улардан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш имконини берувчи шароитлар билан белгиланади¹⁷. К.М.Миско, ресурс салоҳиятини ижтимоий эҳтиёжларни қондириш жараёнида ресурслардан фойдаланиш борасида амалга оширилган ва амалга оширилмаган имкониятларнинг умумий ҳажми сифатида кўриб чиқади¹⁸. М.А.Комаров ва унинг ҳаммуаллифлари ресурс салоҳиятига ресурслар тизими, моддий-ашёвий, энергетик, ахборот воситаларининг, шунингдек моддий неъматлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланувчи (ёки фойдаланиши мумкин бўлган) ходимларнинг ўзаро

¹⁷ Клепиков Ю.Н. Оценка уровня и стратегия улучшения использования экономического потенциала предприятия: автореф. дис... канд. экон. наук / Ю.Н.Клепиков – Белгород, 1999. – 23 с.

¹⁸ Миско К.М. Ресурсный потенциал региона (теоретические и методологические аспекты исследования) / К.М.Миско. – М.: Наука, 1991. – 94 с.

боғланган йиғиндиси сифатида таърифлайди¹⁹. Л.Г.Окорокованинг фикрига кўра, корхонанинг ресурс салоҳияти корхонанинг белгиланган вақтда энг юқори иқтисодий самарага эришиш имкониятини таъминловчи барча ресурслари йиғиндисини ўзида намоён этади²⁰.

Ўтказилган тадқиқот ва турли илмий қарашларни тизимлаштириш натижасида биз шундай хуносага келдикки, тадбиркорликнинг ресурс салоҳияти дейилгандан улардан фойдаланиш иқтисодий самарага эришиш имконини берадиган, ўзаро боғланган мавжуд турлари йиғиндисини тушуниш лозим.

Иқтисодий адабиётларда «ресурс салоҳияти» атамаси билан бир қаторда «иқтисодий салоҳият» тушунчаси кенг қўлланилади. Ресурсларни ўрганишнинг натурал-ашёвий жиҳати доирасида ушбу категорияларнинг фарқини ажратиш қийин. Аммо, ўлчов бирлигининг шаклига кўра ресурс салоҳияти ва иқтисодий салоҳият бир-бирига ўхшаш (моддий-ашёвий категорияларда, шартли натурал-ашёвий категорияларда, пул бирлиқларида, турли индексларда ёки алгебраик ифодаларда ифодаланган). Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, мазкур категорияларнинг ички мазмуни мутлақо хар хил.

Айрим муаллифлар, хусусан А.Г.Фонотовнинг фикрига кўра, «ресурс салоҳияти» категорияси иқтисодий салоҳиятга қараганда кенгроқ, бунда фарқ шундан иборатки, иқтисодий салоҳият узоқ муддатли истиқболни ҳисобга олмайди²¹. Бизнинг назаримизда, «иқтисодий салоҳият» тушунчаси ресурс салоҳиятидан кенгроқ, ресурс салоҳияти эса унинг таркибий қисми ҳисобланади, бундан ташқари, ресурс салоҳияти ўз таркибига ишлаб чиқариш-технологик, ташкилий ва иқтисодий алоқаларни киритмайди.

¹⁹ Ресурсный потенциал экономического роста / под ред. М.А.Комаров, А.Н.Романов. – М.: Путь России, 2002, - 567 с.

²⁰ Окоркова Л.Г. Ресурсный потенциал предприятий / Л.Г.Окоркова. – СПб.: С-ПбГТУ, 2001. – 293 с.

²¹ Фонотов А.Г. Ресурсный потенциал: поаниюование, управление / А.Г.Фонотов. – М.: Экономика, 1985. – 151 с.

Шундай қилиб, ресурс салоҳияти хўжалик юритувчи субъект иқтисодий салоҳиятининг асоси ҳисобланиб, корхонанинг салоҳият имкониятларини акс эттиради. Шу билан бирга иқтисодий салоҳият самарага эришилишда ўз ифодасини топган салоҳият имкониятларнинг амалга оширилишини ҳам назарда тутади. Ушбу фикрга асосланган ҳолда тадбиркорлик субъектининг иқтисодий салоҳияти – бу ресурс салоҳиятида ўз ифодасини топган салоҳият имкониятларни ва иқтисодий самарага эришиш учун уларнинг амалга оширилишини интеграл баҳоси деб қараш мумкин. Ўз навбатида, ташкилотнинг иқтисодий салоҳияти нафақат ресурсларнинг мавжудлиги билан, балки улардан фойдаланиш самарадорлиги билан ҳам тавсифланади.

Ушбу таҳлиллар ва фикр мулоҳазалар негизида оилавий тадбиркорлик салоҳиятини қўйидагича таърифлаш мумкин. Оилавий тадбиркорлик салоҳияти – бу оила аъзоларининг якка ёки бирлашган ҳолда даромад (фойда) олишда фойдаланиладиган мулкий ҳуқуқлар орқали тегишли бўлган ресурслар ҳамда номулкий ҳуқуқлар йиғиндисидир.

Ушбу таърифда оилавий тадбиркорлик асосини оила аъзолари ташкил этиши ва бу оиланинг демографик таркиби ва аъзоларининг ёши бўйича сони, оилавий тадбиркорлик шакли ҳамда унинг кўламини белгилаб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оила инсон капиталини асраш ва ривожлантириш каби масъулиятли функцияларни бажариб, бутун жамиятнинг ишчи кучларини тақрор ишлаб чиқаради. Шу нуқтаи назардан оила аъзолари нафақат оилавий тадбиркорлик билан, балким бошқа корхона ва ташкилотларда ишчи кучи ёки мутахассис сифатида иштирок этади. Бу оила аъзоларининг ёши, билими ҳамда малакасига қараб бўлинишига асос бўлиб хизмат қиласди. Шу нуқтаи назардан оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда юритиш оиланинг демографик ҳолатига боғлиқ бўлиб, уни оиланинг демографик салоҳияти деб аташ мумкин.

Оилавий тадбиркорлик аввал таъкидланганидек учта шаклда олиб борилади ва оила аъзолари меҳнатига асосланади. Якка тадбиркорлик оиланинг битта аъзоси томонидан олиб борилади. Унда оиланинг бошқа

аъзолари ёрдамчи сифатида иштирок этиши мумкин. Оилавий тадбиркорликнинг касаначилик шакли, оила аъзоларининг якка ёки бир гурухга бирлашиб амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш шакли ҳисобланади. Оилавий корхона оилавий тадбиркорлик иштирокчилари томонидан юритилади ва улар меҳнатига асосланади.

Шуларни ҳисобга олганда оилавий тадбиркорликни юритиш учун оила маълум бир меҳнат ресурсларига яъни меҳнат салоҳиятига эга бўлиши керак.

Ушбу салоҳиятни иккита сифат қўрсаткичи билан тавсифлаш ўринлидир. Биринчиси, оиласада тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлгандар бозор рақобати шароитида бизнесни ташкил этиш ва уни бошқариш юзасидан мукаммал билимга эга бўлишлари. Иккинчиси, тайёр маҳсулотни сотиш ва хом-ашё сотиб олиш юзасидан ички ҳамда ташқи бозорларнинг жорий ҳолати ва улар фаолияти тўғрисидаги маълумотни пухта билиши зарур.

Илмий манбалар ҳамда амалиёт тажрибаларидан шу нарса маълумки, хусусий тадбиркорликни инқирозга учраши аксарият ҳолларда тадбиркорларнинг бизнесни бошқариш тўғрисидаги билими ҳамда амалий тажрибалари этишмаслиги билан боғлиқ. Демак, оилавий тадбиркорликни ҳар қандай шаклини амалга ошириш нафақат оила аъзолари ҳоҳишига ёки молиявий заҳира мавжудлигига, балким бизнесни ташкил этиш ва уни бошқариш бўйича чуқур билимга эга бўлишни ҳам талаб этади. Бу оилавий тадбиркорликни юритишнинг муҳим шарти сифатида, оила аъзоларининг оила бизнесини бошқариш салоҳиятига эга бўлишни тақозо этади.

Юқорида таъкидланганидек, оилавий тадбиркорлик оиласага тегишли бўлган мол-мулк асосида ташкил этилади. Оилавий тадбиркорлик юритиш учун зарур бўлган асбоб–ускуналар, дастгоҳлар ва бошқа зарурий жиҳозлар мулк сифатида оиласага тегишли бўлиши керак. Уларни келишув асосида турли муддатларга ижарага олиб ҳам фойдаланиш мумкин. Демак, оилавий тадбиркорликнинг турли шаклларини юритиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва уни реализация қилиш оиланинг маълум ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларга эга бўлишини талаб этади. Шуларни

хисобга олганда оилавий тадбиркорликни юритиш учун ресурс салоҳияти мавжуд бўлиши лозим. Бунга оиланинг жорий даврда мавжуд бўлган ҳамда келгусида жалб этиладиган ресурслар йиғиндиси киради.

Оилавий тадбиркорликнинг юқорида кўриб ўтилган ишлаб чиқариш (хизмат қўрсатиш) имкониятларини белгилаб берувчи оиланинг демографик ҳолати ва ресурс омиллари (меҳнат, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқалар) ҳамда тадбиркорнинг бошқарув соҳасидаги билим даражасини ички салоҳиятлар йиғиндиси сифатида қараш мумкин. Шу билан бир қаторда оилавий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ва уни турли шаклларини истиқболда ривожланишига кенг имкониятлар берувчи ташқи даражадаги салоҳиятни ҳам киритиш мумкин. Ушбу даражадаги салоҳиятнинг таркибий қисмлари сифатида институционал-хуқуқий, инвестициявий ҳамда инновацион салоҳиятлар гуруҳларини ажратиш мумкин.

Оилавий тадбиркорликнинг ташқи даражадаги салоҳиятини белгиловчи омиллар ҳамда механизмлар мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик хужжатларида ўз ифодасини топган. Шу билан бир вақтда айрим қонунчилик нормалари оилавий тадбиркорликни ривожлантиришининг ҳозирги талабларига мос эмас. Ёки хорижий давлатлардаги каби унинг иқтисодиётдаги ролини интенсив йўл билан ошириб бориш имкониятлари чекланган. Масалан, оилавий корхона қонунга мувофиқ кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. Бу оилавий корхонанинг йирик корхоналар қаторига ўсиб чиқишини чеклаган ҳолда, уни кўламини кенгайишига тўсиқ ҳисобланади. Бундай чеклашлар оилавий корхонага инвестициялар жалб қилиш, инновациялар асосида кенгайтирилган, сифат жиҳатидан юқори даражадаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тўсиқ бўлади. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олганда қонунчилик хужжатларига шундай ҳуқуқий ва институционал нормалар киритиш лозимки, улар узоқ муддатда оилавий корхона ва унинг бошқа шаклларини узлуксиз ривожланиб боришига кафолат сифатида хизмат қилсин. Ушбу ҳолатларни оилавий тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг демографик, иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий нормалардаги салоҳияти

сифатида эътироф этиш мумкин. Шуларни ҳисобга олганда оилавий тадбиркорлик салоҳияти қўйидагилардан шаклланади:

- оиланинг демографик ҳолати;
- оиланинг меҳнат ресурслари;
- оиласа мулкий ҳуқуқлар орқали тегишли бўлган ишлаб чиқариш ресурслари;
- оилавий тадбиркорлик иштирокчиларининг билим даражаси;
- оилавий тадбиркорлик фаолиятининг қонунчилик – институционал нормалари ва шартлари.

Шундай қилиб, ҳар бир оила бозор рақобати шароитида тадбиркорлик фаолиятини самарали юритиши учун ўз мулкий ва молиявий салоҳиятига ҳамда номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши лозим. Ушбу фаолият оилани мустаҳкамлиги ва уни иқтисодий ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

1.2. Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш зарурияти ва йўллари

Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясида²² иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича белгиланган устивор вазифаларни амалга оширишда оила тадбиркорлигини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз оилаларини иқтисодий фаолияти, яъни ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш салоҳиятини янада ошириш зарурлигини тақозо этади.

Хорижий тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда жиддий муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси шундан далолат берадики, оила тадбиркорлигига қаратилган ташаббус нафақат

²² Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. “ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947 ЎР Қонун хужжатлари тўплами 2017 й.б-сон, 70 модда.

бандликни таъминлашда, балки даромадларни текис тақсимлаш, шу билан бир қаторда ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг барқарор омиллари сифатини оширишда тоборо қўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик бизнеснинг аксарият қисмини оилавий корхоналар ташкил қиласди. Оилавий тадбиркорликни ташкил этишнинг мазкур шаклиниг ижтимоий ва иқтисодий устунликлари, унинг субъектлари фаолият кўрсатишининг юқори самарадорлигини, узок вақт давом этишини ва уларнинг жадал ривожланишини таъминлайди.

Европа давлатлари ялпи миллий маҳсулотининг (ЯММ) 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оила бизнеси ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётидаги оилавий бизнес улуши 95 фоиздан кўпни ташкил қиласди²³.

Кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда айнан оила тадбиркорлигини ташкил этиш соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаатларини ҳимояловчи ва оилавий корхоналарнинг фаолият кўрсатиши борасида тажриба алмашиш учун мунозара майдонларини ташкил этувчи маҳсус бирлашмалар фаолият юритади. Бу аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишни кенгайтириш, оилавий иш анъаналарини ривожлантириш ва оила тадбиркорлари сулоласини шакллантириш имконини беради. Бу билан оилавий тадбиркорлик нафакат жамиятда барқарор ижтимоий – иқтисодий вазиятни таъминлайди, балки келажакка йўналтирилган ижобий ишбилармонлик муҳитини шакллантиради.

Шуларни ҳисобга олганда Ўзбекистонда аҳоли бандлиги ва оилаларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг муҳим омили сифатида оила тадбиркорлиги салоҳиятини янада оширишнинг илмий – услугбий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини амалга ошириш зарур.

Оила ва унинг фаолиятини турли йўналишдаги фан вакиллари –

²³ Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательство: анализ Российской практики // Российский внешнеэкономический вестник. Мировая экономика. №9, 2011. С. 17-20.

социологлар, демографлар, психологлар ҳамда иқтисодчилар ўрганишади. Оиланинг ижтимоий, демографик ҳамда психологолик ҳолатлари олимлар томонидан кенг ўрганилган бўлсада,^{24,25} унинг иқтисодий – молиявий функциялари ҳамда ривожланиш муаммолари тўғрисидаги тадқиқотлар етарли эмас. Айрим тадқиқотчилар ушбу йўналишда уй хўжалиги ёки дехқон хўжалиги фаолиятини ўрганишган^{26,27}.

Оиланинг иқтисодий фаолияти унинг аъзоларини ва умуман оиланинг моддий таъминоти вазифаларини ҳал этишга қаратилганлиги туфайли эътиборли ҳисобланади. Оила харажатлари, аъзоларни ишлаб топадиган даромадларига боғлиқ бўлиши, унинг иқтисодий фаолиятини юритиш, кенгайтириб бориш оиланинг фаровонлигига муҳим таъсир кўрсатади. Шу боис оила фаровонлиги ва унинг аъзоларининг ҳаёти сифати даражаси, оиланинг ижтимоий – иқтисодий ривожи оила аъзоларининг якка ёки ўзаро бирлашиб олиб борадиган иқтисодий фаолиятига, яъни тадбиркорлигига асосланади.

Оила тадбиркорлигини ривожлантириш ҳар томонлама унинг моддий – техник жиҳатдан ресурслар билан таъминланганлиги ҳамда давлат томонидан ушбу фаолият турлари билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратилганлиги даражасига боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликга эришиши, оиланинг тадбиркорлик фаолиятини ривожланишга шароит яратди. Натижада оила тадбиркорлиги таркиби ва улар йўналишлари кенгайди. Аҳолининг кичик тадбиркорлик фаолиятидан олаётган даромади, умумий даромаддаги улуси 47,1 фоиздан (2010 й.) 62,6 фоизгacha (2018 й.) ошди. Аммо бундай ҳолат хорижий давлатларда эришилган даражалардан анча паст ҳисобланади. Ушбу даражани таъминлаш учун босқичма- босқич оила тадбиркорлигини ишлаб чиқариш ва

²⁴ Убайдуллаева Р.А. Семья в Узбекистане. Тошкент, 2012. -185с.

²⁵ Назарова Х.М., Мамадалиева Х.Х. Ўзбекистоннинг демокрафик салоҳияти. Монография. – Т.: Фан, 2011.-173б.

²⁶ Ахмедов У.Қ. Қишлоқ жойларда уй хўжаликларининг ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiy”, 2014, 152 б.

²⁷ Хусанов Р.Ҳ., Қосимов М. Декон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари.- Т.: Чўлпон, 2000.-104б.

хизматлар кўрсатиши соҳалари салоҳиятини ошириш лозим бўлади. Бунинг учун бизнинг фикримизча, ўзаро боғлиқ қуидаги йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Чет эл ва мамлакатимизда оила тадбиркорлигини ташкил этиш, уни давлат томонидан тартибга солиш, рағбатлантириш усуллари ва механизmlарини қиёсий таҳлил қилиш лозим. Шу асосда Ўзбекистонда оила тадбиркорлиги салоҳиятини ошириш ва уни барқарор иқтисодий ривожланишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга жалб этиш йўллари ишлаб чиқилади. Бу оила тадбиркорлигини ташкил қилишни янада такомиллаштириш билан бирга, узоқ истиқболни ҳисобга олганда оила аъзоларини ўзини-ўзи иш билан банд қилиш ҳамда оила салоҳиятини иқтисодий ўсишда қўшаётган ҳиссасини ошириб боришга йўл очиб беради.

Оила тадбиркорлигини қайси йўналишда давом эттириш ёки ривожлантириш ғоят мураккаб вазифа ҳисобланади. Бунинг учун бизнес ғоя зарур ҳисобланади. Уни топиш ва амалга ошириш, ҳозирги ҳолатни баҳолаш билан боғлиқ ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб Ўзбекистонда шаклланган оила тадбиркорлигининг тармоқ ва ҳудудий таркиби, ушбу соҳада аҳоли бандлиги, ижтимоий – иқтисодий самарадорлиги баҳоланади. Шу орқали оила тадбиркорлигини кенгайтириш йўналишлари, уни барқарор ривожлантириш тамоиллари ва меъзонлари ишлаб чиқилди. Ушбу соҳа салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда оилавий корхоналарни узоқ вақт давомида барқарор фаолият юритиши учун муносиб ишбилармонлик мухитини яратиш механизmlари ишлаб чиқилади. Бунда хорижий тажрибаларни ҳам кенг ўрганиш талаб этилади.

Юқорида изоҳланган йўналишларни ҳисобга олиб Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни барқарор ривожланишини таъминлашнинг инновацион ғояларни ўз ичига олувчи стратегия ишлаб чиқилиши лозим. Унда оила тадбиркорлигини бошқариш сифатини ошириш, оила тадбиркорлари сулоласини шакллантириш, хизмат кўрсатиши инфратузилмалари функцияларини такомиллаштириш йўллари ва механизmlари асосланиши

керак. Ушбу босқичда оила тадбиркорлигининг салоҳиятини оширувчи омиллар ҳисобига миллий иқтисодиёт ривожи ҳамда оила аъзоларининг иш билан бандлигининг истиқболда ўзгариши прогноз қилинади. Шунингдек, оила тадбиркорлиги салоҳиятини ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қонунчилик хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ таклифлар асосланиши мумкин.

Хуроса:

- оила тадбиркорлигини босқичма-босқич ишлаб чиқариш ва ҳизматлар кўрсатиш салоҳиятини ошириш, оила аъзоларини ўзини-ўзи иш билан банд қилишни таъминлайди;
- оила тадбиркорлиги ривожланиб бориши, оиланинг маънавий мустаҳкам, унинг аъзоларини жисмонан соғлом ва бақувват, билимли бўлишини моддий томондан таъминлаб беради;
- оила тадбиркорлиги кўп қиррали ва барқарор ўсиб бориш тавсифига эга бўлиши ва бу мамлакат иқтисодий ривожида асосий роль ўйнаши зарур; -давлат томонидан ушбу соҳага этиборни кучайтириш, бошқа тармоқларда янги иш ўринларини очишга кўрсатилаётган босимни пасайтиришга олиб келади.

1.3. Оилавий тадбиркорликни аҳоли бандлиги ва барқарор ривожланишдаги ролини ошириш

Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислоҳотлар натижасида кўп тармоқли оилавий тадбиркорлик шакллантирилди. Бунда оилаларда хусусий мулкчиликни ривожлантиришга асосий устуворлик берилди. Аҳоли ўз ихтиёридаги ер ва бошқа ресурсларга эга бўлган ҳолда турли шаклдаги мулкни бошқариш ва унда даромад олиш имкониятига эга бўлмоқда. Таҳлилларга кўра, оилавий тадбиркорликнинг кичик бизнес шаклини аҳоли бандлиги ва иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтириш самарали йўл ҳисобланади.

Хозирги кунда аҳолини иш билан банд қилиш иқтисодиёт тармоқларида, айниқса, кичик бизнес соҳаларида ишга лаёқатли ёшларни фаол ишга жалб этиш зарур ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда 2018 йилда меҳнат ресурслари 2015 йилга нисбатан 2,3 фоизга ошган. Шу даврда иқтисодий фаол аҳоли 4,3 фоизга, бандларнинг ўртача сони 13058,3 минг кишидан 13520,3 минг кишига ошди. Иқтисодиётда бандлик даражаси эса 68,2 фоиздан (2015 й.) 69,5 фоизга (2018 й.) кўтарилди. Ишсизлик даражаси эса шу даврда 5,2 фоиздан 9 фоизга ошди (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йиллар				2018 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2015	2016	2017	2018	
Меҳнат ресурслари сони, минг киши	18276,1	18488,9	18666,3	18646,8	102,3
Иқтисодий фаол аҳоли, минг киши	13767,7	14022,4	14357,3	14892,3	104,8
Аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси, фоизда	7,1	72,5	73,5	75,4	3,8 ф.б.
Иқтисодиётда бандларнинг ўртача йиллик сони, минг киши	13058,3	13298,4	13520,3	13732,7	105,2
Бандлик даражаси, %	68,2	68,7	69,2	69,5	1,3 ф.б.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, саноат ва бошқа соҳа ишлаб чиқариш корхоналарининг нотекис жойлашуви сабабли мамлакат ҳудудлари иқтисодиёт тармоқларида бандлик турлича даражага эга. Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш билан бандларнинг асосий улуши қишлоқ хўжалиги (27,3%), саноат (13,5%), савдо (11,0%), қурилиш (9,5%) ва таълим (8,2%) соҳалари ҳиссасига тўғри келади. Иш билан банд аҳоли сони ҳудудлар ва иқтисодий фаолият турлари кесимида таҳлили кўрсатишича, меҳнат сифими паст бўлган қишлоқ

хўжалиги тармоғида иш билан бандлар улуши Жиззах (41,8%), Сирдарё (48%), Сурхондарё (36,9%), Хоразм (35,6%) ва Бухоро (30,2%) вилоятларида юқори.

Меҳнат сифими юқори бўлган саноат тармоғида иш билан банд аҳолининг улуши Навоий (26,9%), Тошкент вилояти (19,9%) ва Тошкент шаҳрида (19,1%) юқори. Бухоро (15,2%) ва Қашқадарё (13,9%) вилоятларида – қурилиш, Тошкент шаҳри (68,8%), Наманган (56,6), Самарқанд (52,2%) ва Андижон (52,0%) вилоятларида хизматлар соҳасида иш билан бандлар устунлик қиласди.

1.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари бўйича
бандларнинг тақсимланиши, минг киши**

Кўрсаткичлар	Йиллар					2017 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2009	2010	2015	2016	2017	
Жами	11328,1	11628,4	13058,3	13298,4	13520,3	119,4
шу жумладан фаолият турлари:						
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2889,8	3118,1	3601,7	3646,7	3671,3	127,0
саноат	1571,8	1605,7	1768,7	1802,4	1826,8	116,2
қурилиш	1000,0	1033,7	1222,3	1263,6	1290,0	129,0
савдо	1201,7	1235,6	1413,8	1452,4	1480,2	123,2
ташиб ва сақлаш	491,5	509,9	614,7	638,2	654,9	133,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	241,0	249,2	297,3	308,0	313,3	130,0
ахборот ва алоқа	51,7	53,1	61,7	63,6	64,3	124,4
молиявий ва суғурта фаолияти	67,2	69,9	69,8	66,5	72,0	107,1
таълим	1100,6	1102,0	1105,3	1105,6	1106,6	100,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	594,7	596,2	601,5	601,6	602,6	101,3
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	64,2	64,4	65,0	65,1	65,3	101,7
бошқа фаолият турлари	2053,9	1990,6	2236,5	2284,7	2373,0	115,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистонда қайта ишлиш саноати, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда хусусий секторда янги иш жойларини яратиш йўли билан ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлаш учун ҳақиқий

имкониятлар мавжуд (1.2-жадвал). Шу нүктаи назардан, банд аҳолини иқтисодиёт тармоқлари, шунингдек, кичик бизнес соҳалари бўйича тақсимлаш муҳим ижтимоий – иқтисодий аҳамиятга ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эса кўп тармоқли бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосини ташкил қилди. 2010-2018 йиллар мобайнида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 52,5%дан 59,4%гача, саноатдаги улуши эса мос равиша 19,6%дан 37,4%гача ошди (1.3-жадвал). Бу натижаларга эришишда асосан, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, шунингдек Ҳукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очилиши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва турли имтиёз ва преференциялар берилиши, улар фаолиятига аралашувнинг кескин қисқартирилиши асосий омил сифатида хизмат қилди.

1.3-жадвал.

Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланишининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

№	Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.	Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши, % да	52,5	54	54,6	55,8	56,1	56,5	56,9	63,6	59,4
2.	Кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги улуши, %: саноат қишлоқ хўжалиги қурилиш	19,6 97,8 52,3	21 97,8 69	22,2 98 70,7	28,1 98,1 71,9	31,9 98,3 70,3	40,6 98,2 68,4	45,0 98,2 70,7	41,2 98,1 66,2	37,4 98,1 66,6
3.	Кичик бизнеснинг экспортдаги улуши, %	13,6	18,8	15,8	26,2	26	27,0	28,5	22,0	26,5
4.	Бандликда кичик бизнеснинг улуши, %	74,3	74,8	75,7	76,7	77,2	77,9	78,1	78,0	76,3


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

1.3-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнеснинг тадбиркорлиқдаги улуши 59,4%ни ташкил қилди (2018 йилнинг январь-декабрида 63,6%). ЯИМ таркибида кичик

бизнес улушкининг бундай пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан изоҳланади.

Ҳозирги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат қўрсатувчи, балки ўз маҳсулот ва хизматларини жаҳон бозорларига экспорт қилувчи рақобатбардош иқтисодиёт секторига айланиб бормоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектларининг жами экспортдаги улуши 2010-2018 йиллар мобайнида 13,6% дан 26,5% гача ошиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2018 йилнинг январь-декабрь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорлиқдан олинган даромадларнинг улуши 62,6%ни ташкил этди (1.1-расм).



1.1-расм. Ҳудудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорлиқдан олинган даромадларнинг улуши, %

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорлиқдан олинган даромадлар Жиззах (73,2%), Бухоро (67,5%), Самарқанд (67,0%), Сурхондарё (66,5%), Хоразм (66,2%), Наманган (66,0%) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сонли Қонуни²⁸ қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон иқтисодий амалиётида аҳоли бандлигини таъминлашнинг бутунлай янги институционал шакли жорий этилди. Мазкур қонун билан оилавий корхонани ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, оилавий корхонанинг ҳамда унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг ижтимоий муҳофазаси, оилавий корхона фаолияти эркинлигининг кафолат нормалари белгилаб берилди.

Оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ва шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга янада қулай шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришнинг, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишнинг ва халқ хунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишининг энг самарали воситаларидан бири сифатида оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлда 216-сонли қарори²⁹ қабул қилинди.

Ушбу қарор билан “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Юқорида қайд этилган амалий чора-тадбирларни изчил амалга оширилиши натижасида қисқа муддат давомида, Ўзбекистонда корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига қўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами юридик шахслар сони (фермер ва

²⁸ “Халқ сўзи”, 2012 йил 27 апрель

²⁹ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 30-31-сон, 347-модда.

дехқон хўжаликларисиз) 339,0 мингтага етганини ёки 12,9% ошганлигини кўришимиз мумкин (1.4-жадвал).

1.4-жадвал

Барча тоифадаги хўжалик юритувчи субъектлар сони ва уларнинг ҳудудий жойлашуви

2019 йил 1 январ ҳолати

Ҳудуд	ЖАМИ		Хорижий капитал иктироқидаги корхоналар		Кичик тадбиркорлик субъектлари	
	минг бирликда	%да	бирликда	%да	минг бирлик да	%да
Жами	339,0	100,0	7560	100,0	262,9	100,0
Қоқақалпоғистон Республикаси	16,0	4,7	121	1,6	11,9	4,6
Вилоят:						
Андижон	28,9	8,5	222	2,9	22,6	8,6
Бухоро	19,1	5,6	156	2,1	14,8	5,6
Жizzах	15,0	4,4	121	1,6	11,2	4,2
Қашқадарё	21,6	6,4	85	1,1	16,2	6,2
Навоий	11,3	3,3	109	1,5	9,1	3,5
Наманган	22,9	6,6	138	1,8	17,0	6,4
Самарқанд	26,3	7,8	396	5,3	19,6	7,5
Сурхондарё	15,4	4,6	172	2,3	11,6	4,4
Сирдарё	11,1	3,3	109	1,4	8,3	3,2
Тошкент	35,4	10,4	851	11,3	25,4	9,6
Фарғона	29,5	8,7	281	3,7	23,3	8,9
Хоразм	15,8	4,7	71	0,9	11,8	4,5
Тошкент ш.	71,3	21,0	4728	62,5	60,0	22,8

Манба:ЎзР Давлат статистика қўмитаси, 2018 й.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, яъни 22,1%, савдо, 17,5% саноат, 9,0% қурилиш, 7,7% қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,2% яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,1% ташиш ва сақлаш, 2,2% ахборот ва алоқа соҳасида, 2,0% соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида ва 29,2% бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган (1.5-жадвал). Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Тошкент шаҳри (71,3 минг), Тошкент (35,4 минг), Самарқанд (26,3 минг), Фарғона (29,5 минг)

вилоятларига, энг камлари Сирдарё (11,1 минг), Навоий (11,3 минг) ҳамда Хоразм (15,8 минг) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади.

1.5-жадвал

**Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, минг бирлика
(фермер ва дэҳқон хўжаликларидан ташқари)**

01.01.2018 йил

	01.01.2018 й.		01.01.2019 й.	
	Умумий сони	жамига нисбатан %да	Умумий сони	жамига нисбатан %да
Жами	300,2	100	339,0	100
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	22,6	7,5	26,0	7,7
саноат	51,4	17,1	59,3	17,5
қурилиш	25,5	8,5	30,4	9,0
савдо	67,4	22,4	75,1	22,1
ташиш ва сақлаш	12,5	4,2	13,9	4,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	18,2	6,1	21,1	6,2
ахборот ва алоқа	6,8	2,3	7,4	2,2
соглиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6,0	2,0	6,9	2,0
бошқа турлар	89,8	29,9	98,9	29,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2018 йил давомида республикада 55011 та янги корхоналар ва ташкилотлар ташкил этилган. 2018 йилнинг январь - декабрь ойларида жами 16673 та корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тугатган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан - 9802 тага камайган (1.2-расм).

Албатта хўжалик юритувчи субъектларнинг бугунги кун талабларига мослашиши ва рақобатбардошлигини ошириш борасида юртимизда талайгина ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб, қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда корхоналарнинг бугунги кун бозорига мослашиш даражаси ортиб бормоқда. Мисол тариқасида 2016 йилда 27220 та, 2017 йилда 26475 та корхоналар ва ташкилотлар ўз фаолиятини якунлаган

бўлса, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ушбу кўрсаткич 16673 тани ташкил этган.




1.2-расм. Янги ташкил этилган ва тугатилган корхоналар ва ташкилотлар динамикаси, бирликда (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

Манба: ЎзРДавлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Агарда тугатилган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича қарайдиган бўлсак, 28,0 % ёки 4662 таси савдо, 18,0 % ёки 3006 таси саноат, 10,0 % ёки 1666 таси қурилиш, 9,8 % ёки 1627 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 7,1 % ёки 1184 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,5 % ёки 752 таси ташиш ва сақлаш, 2,6 % ёки 429 таси ахборот ва алоқа, 1,2 % ёки 197 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 18,8 % ёки 3150 таси бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

2018 йил якуни бўйича 48,9 мингдан ортиқ кичик корхоналар ва микрофирмалар (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) тадбиркорлик субъектлари янги ташкил этилган. Бу эса 2017 йилга қараганда 28,2 фоизга кўпдир. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари Тошкент шаҳрида (12011 та), Тошкент (5080 та), Самарқанд (4319 та) ва Фарғона вилоятларида (3780 та) энг кўп ташкил этилган. Уларнинг энг кам сони Сирдарё (1354 та), Навоий (1810 та) ҳамда Хоразм (2009 та) вилоятларида тўғри келади (1.3-расм).



1.3-расм. Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг худудлар кесимидали сони, бирликда (2019 йил 1 январь)

Манба: ЎзР ДСҚ маълумотлар асосида ҳисобланган.

Республикамида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 2019 йил 1 январь ҳолатига қўра 262,9 минг (фермер ва дехқон хўжаликлиридан ташқари) тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14,5 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 60,0 мингтаси (22,8%) Тошкент шаҳри, 25,4 мингтаси (9,6%) Тошкент, 23,3 мингтаси (8,9%) Фарғона ҳамда 22,6 мингтаси (8,6%) Андижон вилоятларида. Энг ками Сирдарё 8,3 мингта (3,2%), Навоий 9,1 мингта (3,5%),

Жиззах 11,2 мингта (4,2%), Хоразм вилоятларида 11,8 мингта (4,5%) ва Қарақалпоғистон Республикасида 12,0 мингта (4,6%)ни ташкил этган (1.6-жадвал).

1.6-жадвал

Худудлар кесимида фаолият қўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	<i>01.01.2018 йил ҳолатига</i>	<i>01.01.2019 йил ҳолатига</i>		
	<i>Жами (бирликда)</i>	<i>жамига нисбатан %да</i>	<i>Жами (бирликда)</i>	<i>жамига нисбатан %да</i>
Ўзбекистон Республикаси	229666	100	262930	100
Қарақалпоғистон Республикаси	10539	4,6	11985	4,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	20342	8,9	22560	8,6
Бухоро	12648	5,5	14805	5,6
Жиззах	9310	4,1	11197	4,2
Қашқадарё	14347	6,2	16218	6,2
Навоий	7569	3,3	9104	3,5
Наманган	15949	6,9	16975	6,4
Самарқанд	16005	7,0	19629	7,5
Сурхондарё	10409	4,5	11618	4,4
Сирдарё	7462	3,3	8318	3,2
Тошкент	21647	9,4	25410	9,6
Фарғона	20225	8,8	23304	8,9
Хоразм	10900	4,7	11815	4,5
Тошкент ш.	52314	22,8	59992	22,8

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият қўрсатаётган жами 262,9 мингта кичик корхона ва микрофирмаларнинг 70,5 мингтаси (26,8%) савдо, 56,2 мингтаси (21,4%) саноат, 29,0 мингтаси (11,0%) қурилиш, 24,0 мингтаси (9,1%) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 19,7 мингтаси (7,5%) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 13,1 мингтаси (5,0%) ташиш ва сақлаш, 6,7 мингтаси (2,6%) ахборот ва алоқа, 5,4 мингтаси (2,0 %) соғлиқни сақлаш ва


ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 38,4 мингтаси (14,6%) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (23,9%), саноат тармоғида (23,0%), қурилиш тармоғида (13,0%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (11,4%), яшаш ва овқатланишда (8,0%), ташиш ва сақлашда (4,3%) ташкил этилган. Энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

2018 йил январь-декабрь ойларида 48,9 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 28,2 % га кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Тошкент шахри (12071 та), Тошкент (5080 та), Самарқанд (4312 та) ва Фарғона (3780 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Энг кам Сирдарё (1354 та), Хоразм (2009 та) ҳамда Навоий (1810 та) вилоятларида ташкил этилган.

Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи савдода 11713 та, саноатда 11262 та, қурилишда 6360 та ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 5586 та ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатишда 1154 та, ахборот ва алоқада 1228 та ҳамда ташиш ва сақлашда 2107 та ташкил этилган (1.4-расм).



**1.4-расм. Янги ташкил этилган кичик корхона
ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони,
бирликда (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**

Манба: ЎзР ДСҚ маълумотлари

2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 79457,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 34,7%) ёки 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 110,2%ни ташкил қилди;
- 37504,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 34,9%) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 120,4%ни ташкил қилди;
- 31458,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,6 %) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 112,2%ни ташкил қилди;
- 81040,6 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 55,2%), 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 102,5%ни ташкил қилди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 86,3% ёки 113682,5 млрд. сўми (ўсиш суръати 3,0 %ни ташкил қилди) шакллантирилди;

- 3771,4 млн. АҚШ доллары (умумий экспорт ҳажмининг 26,5%) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2017 йилга нисбатан 1012,1 млн. АҚШ долларига ёки 36,7%га кўп;
- автомобил транспорти юк айланмасининг 5,6%га (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 79,6%) кўпайиши таъминланди;
- йўловчи айланмасининг эса 3,1 %га (умумий йўловчи айланмасининг 95,2%) кўпайиши таъминланди;

Кичик тадбиркорлик субъектларидан бўлган оилавий корхоналарга тўхталсак. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 16154 тани ташкил этиб, улардан 15507 таси ёки 96,0% фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртacha 32,7% га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралгандан уларнинг 37,5 % ёки 5800 таси саноат, 21,9 % ёки 3387 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 16,2 % ёки 2510 таси савдо, 11,2 % ёки 1740 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,2 % ёки 192 таси қурилиш, 1,1 % ёки 177 таси ташиш ва сақлаш, 1,1 % ёки 174 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,0 % ёки 160 таси ахборот ва алоқа ҳамда 8,8 % ёки 1367 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда (1.5-расм).

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг 2019 йил 1 январь ҳолатига энг кўпи саноат ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари, энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ахборот ва алоқа каби фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликка тегишли бўлган оилавий корхоналар сони ва уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ҳали нисбатан паст бўлишига қарамасдан, уларнинг ўсиб бориш

тенденцияси кузатылмоқда. Бу мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш орқали аҳоли бандлиги ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш имкониятлари кенг эканлигини кўрсатади.



1.5-расм.Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда

Манба: ЎзР ДСҚ маълумотлари.

Хулоса:

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ўз самарасини оилавий корхоналар туркумида ҳам кўрсатмоқда. Бу эса, иш билан бандлик ошиши, аҳоли даромадидаги янги манбаларнинг ишга туширилиши, ижтимоий зиддиятлар олди олинниши каби қатор вазифалар ҳал бўлишига имкониятларни кенгайтиради.
2. Оилавий корхоналар туркумининг барча жабҳалардаги қиёсий таҳлилига кўра, ушбу соҳани мавжуд салоҳиятидан ҳали паст даражада фойдаланилаётганини таъкидлаш лозим. Чунки уларнинг умумий корхоналар салмоғидаги улуши жуда паст даражада. Албатта, бу ерда қишлоқ жойлардаги фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ерларнинг улуши ҳисобга олинмаган.

Шунингдек, оила доирасида ташкил этилган хусусий корхоналар ҳам милий иқтисодиётга ўз улушини қўшиб келмоқда.

3. Оилалар кесимидағи тадбиркорлик салоҳиятининг янги погонага кўтарилиши амалий-инновацион ёндошувларни жорий этиш барча даҳлдор томонларнинг юксак масъулияти ҳисобланади.

2-боб. ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЮРИТИШНИНГ ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАЛАРИ ВА УНДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Чет эл мамлакатларида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш босқичлари

Жаҳонда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш илдизлари ўрта аср давридаги ҳунармандчилик ва касаначилик устахоналари ва монофактураларига бориб тақалади.

Жаҳондаги энг қадимий компаниялар – бу айнан оилавий компаниялар бўлиб, 578 йилда ташкил этилган «Конго Гуми» япон курилиш фирмаси шулар жумласидандир. Японияда Хоши оиласи (мехмонхона бизнеси), Италияда Маринелли оиласи (черков қўнғироқларини қутиш), Францияда де Гулэн оиласи (виночилик) мана 1000 йилдан ортиқ вақт мобайнида муваффақиятли ишлаб келмоқда³⁰.

Қадимий майдо савдо дўкончалари, дўконлар, устахоналардан Siemens, Adidas, Samsung Electronics каби кўплаб жаҳонга машҳур оилавий фирмалар ўсиб чиқкан. Масалан, кофе сотишга ихтисослашган машҳур «Далмайр» компанияси XVIII асрнинг бошида пайдо бўлган. Унинг ҳозирги эгаларининг аждодлари – Вольфганга Вилле ўн олти қироллик саройининг таъминотчилари бўлишган. Бироқ, ўтган аср 80-йилларининг ўрталарига келиб Вилле йирик инвестицияларни амалга ошириш мақсадида ўз улушкини «Нестле» концернига сотган. Битим ўзини оқлади: компания ўз кофесини бутун Германия бўйлаб сота бошлади ва айламасини кескин оширди (буғунги кунда айланмаси бир йилда қарийб 400 млн. еврода етади). «Далмайр» компанияси олий сифатли кофесининг асосий кўрсаткичи – бу донларнинг фақат Эфиопиянинг энг яхши плантацияларидан сотиб олинишидир.

Буғунги кунда оилавий компаниялар аксарият Европа мамлакатлари, АҚШ ва Лотин Америкаси мамлакатлари иқтисодиётининг асосини ташкил қилади. Масалан, Price water house маълумотларига кўра 2008 йилда оилавий

³⁰ Календжян С., Волков Д. Развитие семейного предпринимательства в России. М, 2006. - с.33.

корхоналар улуши Европа Иттифоқи мамлакатларида 50 фоиздан кўпни, АҚШда 95 фоизни ва Лотин Америкаси мамлакатларида 65 фоиздан 90 фоизгачани ташкил қилмоқда.

АҚШда, 2007 йилда тўпланган охирги маълумотларга кўра, 27,1 млн. та фирма мавжуд бўлиб, уларнинг 99,9 фоизи ходимларининг сони 500 нафардан кам бўлган кичик корхоналар тоифасига киради. Ушбу корхоналарнинг 78,6 фоизи ёлланма ходимларга эга эмас. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бунга мазкур компанияларнинг оилавий эканлиги яққол изоҳ бўлади.

Европада оилавий бизнесда ишловчиларнинг энг катта улуши билан Швеция ажралиб туради: барча меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 фоизидан кўпи шу давлатга тегишли.

Ҳозирги индустриал ва постиндустриал жамият шароитида кичик оилавий корхоналар ўрта ва йирик бизнес томонидан талаб этилмайдиган иқтисодий сегментларни эгаллаб олган. Бу:

майда улгуржи ва чакана савдо;

маиший хизмат қўрсатиш (кимёвий тозалаш, кир ювиш, ателье, сартарошхона, майда тикиш, майший техника, кийимлар ва пойабзал таъмиrlаш ва б.);

майда ресторон бизнеси;

аҳолига транспорт хизмати қўрсатиш (мебель, қурилиш материаллари ташиш, уйга ва фирмаларга тайёр овқатлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ва х.к.);

маданий-маиший ва хўжалик инвентарини ижарага бериш, уй-жой, дала ҳовлилар, гаражлар, хўжалик ва маданий-маиший иморатларни майда таъмиrlаш ва қуриш;

бухгалтерия ишлари ва аудит;

халқ ҳунармандчилиги;

фермерлик ва б.

Жаҳон тажрибасидан кўриб турганимиздек, оилавий бизнес савдо соҳасида ҳам, товарлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам муваффақиятли бўлиши

мумкин, у кўпинча жаҳон даражаларига етади ва жаҳоннинг энг кўп фойда кўриб ишловчи корхоналари рейтингига киради.

Масалан, Германиянинг энг йирик оилавий корхоналаридан бири – «Отто» ўз фаолиятини каталоглар бўйича товарларни жаҳоннинг исталган нуқтасига почта орқали етказиб бериш йўли билан сотишдан бошлаган. Бугунги кунда компанияда 75 минг нафардан ортиқ ходим ишлайди, йиллик фойда эса 15 млрд. доллардан ортиқ.

АШАН супермаркетлар тармоғи эса ривожланган француз оилавий бизнесига мисол бўлади. Фирма мулқдорлари – Мюлье оиласи компания акцияларининг 84 фоизига эгалик қиласи, компанияда 130 минг нафардан ортиқ ходим ишлайди, йиллик фойда эса 23 млрд. доллардан кўпни ташкил қиласи.

Оилавий бизнеснинг ривожланиш тажрибасини таҳлил қилиш оилавий корхоналарнинг иккита турини ажратиш имконини беради: биринчиси – бир оила аъзолари томонидан янгидан ташкил этилган, одатда, кичик корхоналар; иккинчиси – кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган ва мерос қилиб қолдириладиган йирик компаниялар.

Албатта, бизнеснинг ушбу турлари нафақат ўлчамлари бўйича, балки капитал таркиби ва унинг жойлаштирилиши, ташкилотни бошқариш тизими, ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва муҳим қарорларни қабул қилиш тартиби бўйича ҳам фарқ қиласи.

Шунинг учун замонавий иқтисодий адабиётларда оилавий бизнеснинг барча турлари шартли равишда икки гурухга бўлинади.

Биринчиси – тор маънодаги оилавий бизнес, яъни унда оила аъзолари ва яқин қариндошлар меҳнат қиласидиган фирма. Одатда, бу ходимларининг сони камдан-кам ҳолларда ўн нафардан ортиқ бўладиган кичик компаниялардир.

Шу билан бирга бу ерда унинг иккита турини ажратиш мумкин. Биринчиси – бир оила бизнеси бўлиб, унда умумий иш учун фақат яқин қариндошлар (эр, хотин, ўғил, ака, ота ва ҳ.к.) меҳнат қиласи. Бир қатор мамлакатларда, масалан, Канада ёки Америкада бундай фирмалар оилавий

компанияларнинг катта қисмини ташкил қиласди.

Масалан, АҚШда бундай кичик оилавий фирмалар сони 15 млн. атрофида. Бундай турдаги оилавий компаниялар биринчи навбатда ходимлар иш ҳақи учун маблағларни тежаш мақсадида ташкил этилади, чунки Европа мамлакатлари ва Америкада ёлланма меҳнат қиймати баъзан янгидан очилган фирмага оғирлик қиласди.

Бундай компанияларда ваколатлар лавозимлар бўйича аниқ тақсимланмаган, бўйсуниш тузилмасининг ўзи, иерархия пафоналари мавжуд эмас. Оила бошлиғи етакчилик қиласди, қолганлар эса ўз ишини ўзи тушунган даражада бажаради. Бундай принцип бўйича кўпинча кичик дўкончалар ишлайди, у ерда қиз – сотувчи, хотин – бухгалтер ва таъминотчи, ота – раҳбар ва ҳайдовчи. Консалтинг фирмалар, кадрлар агентликлари, кичик оилавий нашриётлар ҳам кўпинча ана шундай принцип бўйича ишлайди.

Бунда батафсил лавозим йўриқномалари мавжуд эмас, балки, одатда, функционал ўзаро ўрин алмашиш мавжуд, чунки барча оила аъзолари фаолиятни сақлаб қолиш ва ўз оилавий ишини ривожлантиришдан манфаатдор.

Оилавий бизнеснинг бошқа бир тури – бир неча қариндош оилаларнинг биргалиқдаги иши. Бу, одатда, ишни ташкил этиш ва бўйсуниш тузилмаси аниқ йўлга қўйилган «улгайган» оилавий компаниялар бўлиб, уларда оилавий муносабатлар «иш» муносабатларига айланиб кетган, қариндошларнинг бир қисми бошқарувчилар, қолганлари эса бўйсунувчилардир. Кўпинча компаниянинг оилавий фирмадан оилалараро бирлашмага ўтиши босқичида уни ҳокимиятни ва фирма тўплаган капитални тақсимлаш билан боғлиқ жиддий бошқарув муаммолари кутиб туради.

Шунинг учун мазкур босқичда барча ички низоларни ҳал этиш, умумий бизнеснинг мақсадлари ва вазифаларини умумий оилавий тушунишни шакллантириш, фирма барча ходимларнинг функциялари ва жавобгарлигини аниқ белгилаш вазифаси туради.

Оилавий бизнеснинг иккинчи катта гуруҳи – бир неча марта мерос қилиб

қолдирилган жаҳонга машҳур ва қадимий тарихга эга оиласи корпорациялар ва холдинглар. Шу нуқтаи назардан, Англия ажралиб туради, унда барча оиласи фирмаларнинг 16 фоизига яқини камидан тўрт марта авлодлар алмашинувини бошдан кечирган.

Оиласи ишлаб чиқарувчи фирмалардан Францияда Пежолар оиласига тегишли «Пежо» корпорациясини таъкидлаш мумкин. Бугунги кунда компания Европада бир русум билан номланувчи автомобилларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича барқарор 2-3 ўринни банд қилган. Корпорацияда 200 минг нафарга яқин ходим меҳнат қиласи, йиллик фойда эса 46 млрд. долларга етади.

Ҳар бир мамлакатда оила оиласи фирма деб номланиши учун акцияларнинг турли фоизини сақлаб туриши лозим. Финляндияда – камидан 50 фоиз, Америка ва Германияда – 25 фоиз.

Замонавий иктисадий адабиётларда оиласи тадбиркорлик тушунчасини таърифлашга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Масалан, бир қатор муаллифлар оиласи тадбиркорликни кичик бизнеснинг унда оила аъзолари ва бошқа қариндошлар ўз корхоналарининг мулқдорлари ва ходимлари ҳисобланадиган бир шакли сифатида таърифлашади³¹.

“Оиласи бизнес” тушунчасини таърифлашда бир қатор ўхшатишлар юзага келади. Кичик хусусий ресторан, новвойхона, автосалон... Барча ушбу фаолият турларини кичик бизнесга ҳам ва ўрта бизнесга ҳам киритиш мумкин. Бироқ, оиласи иш – барибир компанияларнинг алоҳида тури. «Мулқдор сифатида ижтимоий сектор эмас, балки оила иштирок этади, - дея таъкидлайди Торстен Вульф».

Кенгроқ таърифни Н.И.Баранең берган: «Оиласи тадбиркорлик ўзлари ташкил этган ёки харид қилган, фаолияти товарлар ва хизматларни ишлаб

³¹ Барбашин И.В. Социальные функции семейного предпринимательства в современной России: сущность и формы семейного предпринимательства. - Корпоративная социальная ответственность в современной России: теория и практика. Аналитический вестник Совета Федерации Федерального собрания Российской Федерации, 2005, №26, с.60.

чиқариш ва сотишни ташкил этиш йўли билан жамият эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган корхонанинг мулқдорлари ва ходимлари ҳисобланган оила аъзолари ва улар қариндошларининг ташаббускор фаолиятини ўзида намоён этади. Ривожланишнинг дастлабки босқичида – бу кичик бизнеснинг янада ўсиш ва жаҳонга машҳур бўлган йирик ташкилотга айланиш имкониятига эга бўлган шакли».

Шундай қилиб, оилавий тадбиркорлик – бу кичик бизнеснинг шундай шаклини, бунда бир оила аъзолари унинг мулқдорлари ҳисобланиб, уларнинг ўзлари корхонани бошқаришни амалга оширишади.

Экспертларнинг таъкидлашларича, Германияда оилавий корхоналарнинг улуши улар умумий сонининг 95 фоизидан кўпини ташкил қиласди. Албатта, гап йирик корхоналар ҳақида бормаяпти. Оилавий компанияларнинг кўпчилиги – бу кичик ва ўрта бизнес вакиллари. Шу билан бирга кичик ва ўрта бизнес учун тушум ва ходимлар сони муҳим мезонлар ҳисобланади, оилавий бизнесни таърифлашда эса бошқа омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Биринчидан, имтиёзли акцияларнинг катта қисми бир ёки бир неча оилага тегишли. Иккинчидан, оила бизнесни стратегик бошқаришда иштирок этади. Учинчидан, фирма юзага келган тадбиркорлик маданиятига эга. Тўртинчидан, тижорат фаолиятининг асосий мақсадларидан бири оилавий бизнесни кейинги авлодга ўтказишдан иборат бўлиб қолади.³²

Оилавий бизнесни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатишининг куйидаги ўзига хос хусусиятлари ажратилади³³.

Биринчидан, оилавий компания маҳсулоти кўпинча мерос сифатида ёки оиланинг умумий қизиқиши бўйича белгиланади. Шундай қилиб, кичик оилавий компаниялар учун диверсификацияланиш анча мушкул. Одатда маҳсулот турларининг торлиги маҳсулотнинг сифати ёки бошқа истеъмол

³² <http://www.freeway.otkroybizness.ru>

³³ Васильев М.П. Экономический факультет МГУ им. Ломоносова // <http://www.rusus.ru/?act=read&id=206>

хусусиятлари билан қопланади.

Иккинчидан, компаниянинг оилавий табиати бизнес стратегияси ва оила стратегиясини ўзаро боғлиқ қилиб қўяди. Амалиётда, бу бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тубдан бошқа мезоний базада ўз ифодасини топади. Оилавий компания директори қарорлар қабул қилишда ҳар сафар камида қўйидаги иккита саволга жавоб беради: «Бу менинг оиламга қандай таъсир кўрсатади?» ва «Оиламда олдинга қўйилган мақсадни амалга ошириш учун ресурслар, шу жумладан инсон ресурслари етарлими?». Ҳар сафар мана шу саволларга берилган жавоблар оилавий компанияларнинг мутлақо бошқа мақсадли йўналтирилишига: шу лаҳзада вақтинча олинадиган фойдага эмас, балки узок муддатга йўналтирилишга ёрдам беради.

Шу нуқтаи назардан, Америкалик таҳлилчилар З.Акс, У.Парсонс ва С.Трейси ўтказган тадқиқот натижаларига кўра бандлик даражасини ва олинадиган даромадлар миқдорини ошириш нуқтаи назаридан иқтисодиётга асосий таъсирни камида 25 йилдан буён фаолият кўрсатиб турган фирмалар кўрсатади. Узок муддатлилик нуқтаи назаридан Японияда 1400 йил мобайнида (578 йилдан 2006 йилгача) бир оила узлуксиз эгалик қилган ва бошқарган Kongo Gumi оилавий компанияси ўзига хос етакчи ҳисобланади.

Учинчидан, оилавий компания бошлиғи қарорлар қабул қилишда фақат ўзининг директорлик курсиси билан таваккалчиликка қўл урадиган ёлланма директорга қараганда анча катта таваккал қиласди.

Тўртинчидан, кадрларни тайёрлаш ва ишга олиш жараёни анъанавий компаниядагига қараганда мутлақо бошқа принципларга асосланади. Оилавий фирмалар, одатда, янги функцияларни оила аъзолари ўртасида тақсимлашни афзал қўрган ҳолда чечан ходимларни ёллашни унчалик хуш кўришмайди. Ушбу стратегия, бир томондан, бизнеснинг ривожланишини чеклайди, иккинчи томондан, оилавий компаниялар рақобатбардошлигининг асосларидан бири ҳисобланади. Бизнес ёлланма бошқарув ходимлари учун харажат қилиши туфайли маҳсулотнинг таннархи нооилавий компаниялардагига қараганда паст, баъзан эса, жуда паст бўлди.

Бешинчидан, туғилған фарзанднинг тақдири деярли олдиндан белгилаб берилған, чунки аксарият ҳолатларда ота-онаси унда нафақат насланинг давомчисини, балки авлодлар ишининг меросхўрини кўради. Таъкидлаш лозимки, барча фарзандлар ҳам ота-онасининг бундай қарашига рози бўлавермайди, бу эса бутун оилавий ишнинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин бўлган жиддий низоларни келтириб чиқаради. Бундан қуйидаги муҳим ўзаро боғлиқлик – оиланинг бизнесга таъсири келиб чиқади.

Олтинчидан, авлодлар бизнесининг мавжудлиги оила аъзоларига тадбиркорлик кўникмаларини сингдиради. Масалан, 2008 йилда Американинг бешта университети менежмент ва ишбилармонлик маъмурчилиги факультетлари битирувчилари ва талабалари груҳи ўртасида ўтказилган тадқиқот жараёнида ғоят қизиқарли фактлар аниқланди. Улар ичида ота-оналари ўз тадбиркорлик фирмаларини ташкил этиш тажрибасига эга бўлган битирувчилар ва талабалар ўз бизнесини ташкил этиш ёки тадбиркорлик фирмасида ишлашни хоҳловчилар ўртача 1,5 марта кўпни ташкил қилди. Алан Кросбининг фикрига кўра, оилавий бизнесга янада мураккаб ва кўп қиррали тизимга бўлгани каби муносабатда бўлиш лозим, чунки бу ерда, маркетинг ва молия соҳаларини оддий назорат қилишдан ташқари, оилавий муносабатларни сақлаб қолиш тўғрисида ҳам қайғуриш лозим.

Бунда оилавий бизнеснинг самарадорлиги масаласи авлодлар алмашинуви масаласи билан чатишиб кетади, яъни иқтисодиёт ва психология соҳаларининг кесишувида бўлади.

Муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятининг субъектив руҳий омилларини излаб топиш муаммосига нисбатан иккита ёндашув мавжуд. Улардан бири – тадбиркорларни муайян руҳий хусусиятларга эга бўлган инсонлар тоифасига киритувчи шахс нуқтаи назаридан ёндашув. Иккинчи ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, тадбиркорлик фаоллигига барча инсонлар эга, лекин турли даражада.³⁴

³⁴ Витковская О.И. Социально-психологический портрет предпринимателя // Сибирский психологический журнал. - 2005. - №21. - С. 25.

Шу нарса аниқки, ҳатто иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли бўлган корхоналар ҳамма вақт ҳам бир оила доирасида мерос қилиб олинмайди. Агар иқтисодий сабабларга қўра бошқа мулқдорларга ўтган корхоналар фоизини чиқариб ташласак, уларда бошқарув уруғ-қариндошчилик томонидан ўтмаган корхоналар улуши маълум бўлади.

Бир томондан, бу оилавий бизнес меросхўрларининг паст тадбиркорлик фаоллигидан далолат бериши мумкин.

Иккинчи томондан, ушбу жараёнларга авлодлар ўртасидаги муносабатлар муаммолари таъсир кўрсатади.

М.И.Постникованинг авлодлар ўртасидаги муносабатлар концептуал моделига мувофиқ, руҳий ҳолатлар, одатда, кўп ўлчамли ва иерархик ташкил этилган тизимлар ҳисобланади. Шунинг учун авлодлар ўртасидаги муносабатларнинг ташкилий тузилмасини ижтимоий нуқтаи назардан ва қуидаги учта даража (кичик тизимлар)дан иборат макротизим сифатида руҳий нуқтаи назардан кўриб чиқиш мумкин:

юқори – аксиологик, яъни қадриятли (қадриятларга йўналтирилган) даража,

ўрта – муносабатлар даражаси,

куйи – руҳий жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятларнинг намоён бўлиши даражаси.³⁵

Авлодлар муаммоси ҳақида тўхталиб, Э.В.Сайко унинг ҳозирги жамиятнинг тарихий янги ҳолатга ўтиши билан боғлиқ ўзгаришларнинг долзарблашуви билан изоҳлайди.

Ҳозирги вақтдаги мавжуд авлодларни Сайко қуидаги тарзда тавсифлади:

- тарихий янги авлоднинг вужудга келиши учун принципиал жиҳатдан янги, хусусан, техник-технологик ва ишлаб чиқариш асосларини солган авлод,
- ҳаёт ва фаолиятнинг янги макони, шарт-шароитлар ва унинг асосий

³⁵ Постникова, М. И. Концептуальная модель межпоколенных отношений в современном российском обществе // Мир науки, культуры, образования. 2010. №2 (21). - С. 79.

элементларини таркибовчи авлод,

- янги маконда яшовчи (бошқача фикр юритмайдиган) авлод.³⁶

Ушбу гоя биз кўриб чиқаётган масалага нисбатан шуни англатадики, меросхўрлар авлодининг роли мерос қилиб олинган бизнесни яхшилаш ва уни долзарб шароитларга мослаштиришдан иборат. Яъни корхонани муваффақиятли мерос қилиб олиш учун меросхўр бошқарув жиловини қўлга олиши ва аввалги авлод унгача қилган ишни шунчаки давом эттириши етарли эмас. Меросхўр янги авлод вакили сифатида асосчи асос солган нарсалар билан замонавий муҳит талаблари ўртасидаги ишончли боғловчи бўғинга айланиши крак.

Шундай қилиб, «авлодлар ўртасида мерос бўлиб ўтишлик – бу аждодлар тажрибасини улашиш ва унинг авлодлар томонидан ўзлаштирилиши. Бунда авлодларнинг ўз тажрибаси аждодлар тажрибасини такрорламайди, лекин унинг айрим қимматли, фойдали жиҳатларини қамраб олади».³⁷

Юқорида баён этилганларни умумлаштирган ҳолда, шундай хulosага келиш мумкинки, оилавий тадбиркорликда авлодлар ўртасида мерос бўлиб ўтишлик меросхўрларга корхонани бошқаришга муваффақиятли интеграциялашиш ва уни фаолият кўрсатишнинг долзарб муҳитига мослаштириш имконини берувчи аксиологик (қадриятли), коммуникатив ва руҳий ўзига хос хусусиятлар нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилиши керак.

2.2. Оилавий бизнесни ташкил этиш учун шарт-шароитлар, уларнинг қучли ва заиф томонлари

Оилавий тадбиркорлик ривожланишининг жаҳон амалиёти шундан далолат бериб турибдики, хусусий ишни ташкил этиш ушбу шаклининг қўлланилишини белгилаб берувчи кўплаб сабаблар мавжуд.

Улар ичida қуйидаги асосий сабаблар ажратилади.

Масалан, ташкилотнинг банкрот бўлиши, тугатилиши ёки кадрларнинг

³⁶ Сайко Э.В. Проблемы поколений в современной исторической ситуации // Мир психологии. 2009. №3. - С. 169.

³⁷ Сапоровская, М. В. Теория и практика исследования межпоколенной связи в семейном контексте // Психологические исследования: электронный научный журнал. 2010. № 1 (9). С. 4.

режали қисқариши натижасида унда ишлаган эр ва хотиннинг ишдан айрилиши. Улар иккаласи ҳам ўзлари шуғулланган соҳани яхши тушунади ва яна умумий иш берувчини излашни ҳоҳламаган ҳолда ўз ишини бошлишга қарор қиласди. Бу 2-3 нафар ходими билан ишлай оладиган ҳар қандай корхона бўлиши мумкин – кичик қаҳвахона, гўзаллик салони, савдо нуқтаси, кадрлар агентлиги, турфирма ва х.к.

Иккинчи ҳолат – масалан, оила бошлиғи ўз ишини бошлаб, сўнгра унга ўз қариндошларини, ўсиб келаётган фарзандларини жалб қиласди. Бу ерда яққол ифодаланган етакчи – раҳбар мавжуд, қолган қариндошлар эса раҳбарлик лавозимларини эгаллаши умуман шарт эмас.

Умуман олганда, кичик оилавий бизнесда лавозим ваколатлари аниқ белгиланмайди. Бошқача айтганда, ҳар бир ходим турли мажбуриятларни бажаради, чунки у умумий иш учун ишлаётганлигини тушунади ва бу масалада “бошлиқ” билан тортишмайди.

Оилавий бизнеснинг пайдо бўлишига юқоридаги мисоллар энг кенг тарқалган бўлиб, уларнинг барчаси ўз моҳиятига кўра “тасодифий”. Оилавий бизнес камдан-кам ҳолларда онгли равишда, режалаштирилган ҳолда, қариндошлар томонидан илгари эришилган келишувларга кўра нолдан бошланади. Бундай вазиятда бўлажак корхонадаги улушлар ҳақида келишиб олинади ва пайдо бўлган фирма шериклар томонидан ташкил этиладиган ҳар қандай бошқа корхонадан деярли ҳеч нарсаси билан фарқ қилмайди. Фарқ фақат шундаки, башарти шериклар – қариндошлар экан, уларга кўпроқ ишониш мумкин.

Оилавий бизнеснинг ривожланиши кўп жиҳатдан миллий маданий анъаналар билан белгиланади. Масалан, хитойликлар учун бизнес ҳамма вақт оила билан боғлиқ.

«Маълумки, континентал Хитойнинг ўз худудидан ташқаридаги аксарият бизнеси ва ҳатто ўта йирик конгломератлар ҳам оилавий ҳисобланади. Гонконгдан Тайвангача, Сингапурдан Бангкоккача, Жакартадан Манилагача оила – ҳар қандай хитой корхонасининг асосини ташкил қиласди.

Ҳатто у ерда коммунистлар 50 йил мобайнида оиланинг анъанавий тарзда хитойча қадрланишини партияга ватанпарварларча содик бўлиш билан алмаштиришга уринишган континентал Хитойда ҳам бизнеснинг оилавий модели қайтадан вужудга келди. 1979 йилда «очиқ эшиклар» сиёсати эълон қилинганидан кейин оилавий бизнес хусусий корхоналар сонининг кескин ошиши билан бир вақтнинг ўзида қайта тикланди»³⁸.

Хитойликларда оилавий бизнесда бизнес эмас, балки оила биринчи ўринга қўйилади. Оиланинг ташвишлари бизнесдаги қарорларни белгилаб беради. Ушбу парадигма хитойнинг кичик дўкончалардан тортиб то йирик мультимиллий корпорацияларгача ҳар қандай қўламдаги бизнеси учун амал қиласиди.

Ҳозирги вақтда хитой оилавий корхоналарининг аксарияти ташки глобал чақириқлар таъсири остида ички трансформацияни бошдан кечирмоқда. Бироқ, оила барча тадбиркорлик ҳаракатлари ва бизнесдаги қарорлар учун асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади, чунки антрополог Мэрджери Вульф хитой қариндошлилик алоқалари ҳақида таъкидлаганидек: «Пулнинг ўтмиши, келажаги, мажбуриятлари йўқ, қариндошларда эса – бор».

Германияда Emnid социологик хизмати томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, немисларнинг қарийб 90 фоизи оилавий компанияларда ишлашни ҳоҳлади. «Оилавий фирмаларда жипслик муҳити ҳукумронлик қиласиди, - изоҳлади Оилавий корхоналар уюшмасининг собиқ бошлиғи Патрик Аденауэр. – Бу хусусият инсон табиатига хосдир, шунинг учун кўпчилик айнан шундай жамоани топишни орзу қиласиди».

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланишида давлатнинг кичик бизнес, уни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Иқтисодий фаолиятни амалга ошириш шароитлари қанчалик либерал бўлса, хусусий ташаббус шунчалик фаол ва ахолининг тадбиркорликка жалб этилиши даражаси шунчалик юқори бўлади.

³⁸<http://www.biznes-china.ru/articles/kitaiskaya-semiiya/>

Оилавий бизнес энг ривожланган Европа мамлакатларидан бири – бу Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” (Doing Business) йиллик ҳисоботида анъанавий тарзда энг юқори ўринни эгаллаб турадиган Финляндия.

Финляндия оилавий фирмаларининг аксарият қўпчилиги ўз товарини, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш, полиграфия ва турли сервис, шу жумладан, туристик сервис фаолияти билан шуғулланади.

Хукумат кичик бизнесни бошлаш учун қулай шароитларни яратиб, ўз ишини ташкил этишни истовчилар сонини оширди, чунки туризм – иқтисодиётнинг устувор йўналишларида бири ҳисобланади, шунинг учун Финляндия хукумати ушбу бизнесга маҳаллий оилавий фирмаларнинг кириб келишини ҳар томонлама рағбатлантиради.

Тоғ-чанғи курортлари яқинида аҳолига шинам коттежларни қуриш ва уларни ижарага бериш билан шуғулланиш имконияти тақдим этилади. Туристик инфратузилмани барпо этиб, мамлакат бу ерда бутун жаҳондан туристларни жалб қиласди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хутор хўжаликлари, кичик оилавий типографиялар, ёғочни қайта ишлаш, мебель ва ёғочдан тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик корхоналар давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Айниқса, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан камроқ ривожланган шимолий вилоятларига катта эътибор қаратилади. Финляндия коммуналари бюджетини мустақил равишда тасарруф этган ҳолда ўз ҳудудида оилавий фирмаларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради.

Мамлакат кичик корхоналарининг 80 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритади. Оилавий отеллар, кичик ресторонлар, барлар ва қаҳвахоналар – ҳамма жойда: туристик жойларда, магистраллар четида, кўллар қирғокларида, кемпинглар олдида, туристик қишлоқлар яқинида ишлаб турибди.

Оилавий фирмалар қишки сафарлар: чана, қордаюрар, чанғида учишни ташкил этади, улар томонидан туристик маршрутлар ва балиқ овлаш турлари,

туристлар учун сувенирларни сотиш кабилар ташкил этилади. Майда фирмалар трансфер билан шуғулланади, хусусий музейлар, мини-аквапаркларни очади, оиласвий фирмалар туристик жойлар бўйлаб гид-ташкилотчилар хизматларини таклиф этади.

Ҳар қандай маҳаллий газетада оиласвий фирмаларнинг юзлаб турдаги хизматларни кўрсатиш учун рекламаларни учратиш мумкин.

Оиласвий фирмалар бир йўналиш билан чекланиб қолмайди, мева етишириб, ликер, вино ва мевадан тайёрланадиган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаради; қорамол боқиб – шу ернинг ўзида сунъий сув ҳавзасида қимматбаҳо балиқларни кўпайтириш ва уларни жойида консервалаш билан шуғулланади.

Ҳар бир бундай фирма у ерда ҳамма нарса ишлаб чиқарилиб, сотувга қўйиладиган кичик заводни эслатади; норка ёки песец етишириб – шу ернинг ўзида мўйнали маҳсулотлар тикиди, керамика маҳсулотлари, шиша ва тошдан ясаладиган маҳсулотлар ва қўплаб бошқа нарсаларни ишлаб чиқаради.

Оиласвий фирмада фарзандлар улғайиб ўзининг алоҳида фирмаларини ташкил этади ёки оиласвий фирма каттаради, ривожланиб ва такомиллашиб янги мақомга эга бўлади.

Оиласвий бизнесда ишлаш – ҳар бир оила аъзосининг шахсий иши. Оилалар катталлашиб, баъзан танлашга тўғри келади: бирга ишлашда давом этиш, ўз фирмасини очган ҳолда ажralиб чиқиш ёки умуман кетиш. Оиласвий фирмада ҳам раҳбар, бошқарув ва сўзсиз бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларнинг тақсимланиши мавжуд, бу ерда ҳам иш ҳақи тўланади ва пенсияга чиқишиади.

Кичик бизнес инқироз ҳолатларини юмшатади, маҳаллий ресурслар тўлиқроқ фойдаланилади, рақобат ривожланади. Фирманинг мулқдори кўпинча унинг раҳбари ҳисобланади. Фирманинг фаолият кўрсатиб туриши ва ходимлари даромадларининг даражаси улар ишининг натижаларига бевосита боғлик, шунинг учун бундай фирмалар бозор ўзгаришларига тезда мослашади. Айнан бозор ўзгаришларига тезда мослашувчанлик уларнинг асосий

устунлиги ҳисобланади.

«Оилавий ишни ташкил этиш бутун жағонда энг истиқболли ҳаракатлардан бири ҳисобланади. Масалан, АҚШда бугунги кунда оилавий корхоналар деб номланиши мүмкін бўлган 15 млн. тага яқин кичик компаниялар фаолият кўрсатиб турибди. Яъни улар, биринчи навбатда, ёлланма ишчи кучи учун маблағларни тежаш мақсадида бир оила аъзолари томонидан ташкил этилган. Бундай бизнес-тузилмаларда ишнинг энг катта улушкини бир оила аъзолари ва уларнинг яқин дўстлари бажаришади»³⁹. Муваффакиятли бизнеснинг гарови – бу нафакат оқилона инвестициялар, балки барча иштирокчиларнинг уюшқоқлик билан ишлаши. Шунинг учун айнан оилавий компаниялар ташқи зарбаларга бошқаларга қараганда самаралироқ қарши туришга қодир.

Оилавий бизнеснинг асосида ишонч ётади. Ишонч бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун ўта долзарб масала. Ҳамма вақт эълон бўйича ишга келган ходимга қараганда қариндошга қўпроқ ишонч билдирилади.

Шунинг учун оилавий бизнес ҳамма вақт асосий лавозимларга, улар билимлар ва кўникмаларга иш жараёнида эга бўлишига, ўз хатоларидан ўрганишига тўғри келишига қарамай, ўз одамларини қўйишга интилади. Шундай қилиб, оилавий бизнеснинг асоси қатор ҳолатларда унинг заиф томонига айланади.

Янги ташкил этилган корхона учун яна бир устунлик унинг «оилавий» эканлигига. Қариндошлар умумий бўлажак фойдани кўзлаб бепул ёки кичик иш ҳақи эвазига ишлашга тайёр. Қариндош бўлмаган шериклар ўзаро ҳамкорлик қилганда ҳам шунга ўхшаш вазият юзага келади. Улар ҳам фирманинг равнақи учун бепул ишлаши мүмкін, лекин бу иш учун ҳар ким фирмадан ўз улушкини олишни ҳоҳлайди. Ушбу масала қариндошлар билан осонроқ ҳал этилади – хотин эридан фирмада юридик жиҳатдан мустаҳкамланган улушни талаб қилмайди, фарзандлар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мүмкін.

³⁹ Журнал «Стандарт: Бизнес-класс». 2011, №»5, с.35.

Умуман олганда, «мулкни бўлиб олиш» масаласи унчалик кескин турмайди: агар оилавий бизнес ташкил этила бошлаган бўлса, демак, унда иштирок этувчи қариндошлар ҳеч бўлмагандага келиша олишади ва келгусида ҳам ушбу масалаларни осон ҳал эта олишига ишонишади.

«Қайта инвестициялаш – янги акцияларни чиқаришни ёки қарзларни кўпайтиришни ҳоҳламаётган оилавий бизнесни кенгайтириш учун ягона имконият. Кўплаб оилалар учун бу маблағларни совурмаслик, эътиборни эса ўзининг асосий фаолиятига қаратиш зарурлигини англатади. Бундай корхоналар бизнес юритишнинг алоҳида маданиятига ҳамда компаниянинг ривожланиши ва фойда олиш каби миқдорий кўрсаткичларга йўналтирилган». ⁴⁰

«Оилавий ишнинг энг муҳим устунликларидан бири шундаки, пул оиладан чиқиб кетмайди ва барча оила аъзоларининг фаровонлигига хизмат қиласди». ⁴¹

Лейпцигдаги Олий бошқарув мактабида (Leipzig Graduate School of Management или HHL) оилавий корхоналар инқирозларга яхшироқ тайёргарлик кўрган бўлишини тасдиқлашди. «Оилавий компаниялар албатта фойда олишни ҳоҳлайди, лекин уларда бизнес мулқдорлари оилавий ишни сақлаб қолишига ва уни кейинги авлодга ўтказишга топширишга уриниши ҳам муҳим роль ўйнайди», - изоҳлайди Германияда оилавий бизнеснинг муваффақияти омилларини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи профессор Торстен Вульф (Torsten Wulf).

Оилавий бизнесда ҳатто қулай иқтисодий конъюнктура вақтида ҳам фойда нормаси йирик концернлар билан солиширилганда кам. «Бизнес мулқдорлари оғир вақтлар юзага келганида фойдаланиш мумкин бўладиган захира фондини олдиндан ташкил этишга интилишади. Шунинг учун, одатда, оилавий компаниялар анча барқарор», - деб ҳисоблайди эксперт⁴².

Шундай қилиб, оилавий тадбиркорлик, кичик тадбиркорликнинг шакли

⁴⁰ Резник С.Д. Управление семейной экономикой. - М. , 2005. - С. 15.

⁴¹ З Журнал “Стандарт: Бизнес-класс”. 2011, №5, с.35.

⁴² <http://www:freeway.otkroybizness.ru>

сифатида, бир қатор ижтимоий ва иқтисодий устунликларга эга. Оилавий тадбиркорликнинг устунликлари жумласига тадқиқотчилар, биринчи галда, бозор эҳтиёжларига тезда мослашиши мумкинлигини киритишади.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятини уй меҳнати ва фарзандларни тарбиялаш билан бирга олиб бориш, ишлаб чиқариш фаолиятига фарзандлар, оиланинг кекса аъзолари ва ногиронларни жалб қилиш имконини беради. Бу билан у оиланинг иқтисодий таянчларини яратади, уларнинг мустаҳкамланишини ва оилавий даромадларнинг ўсишини таъминлайди. Фарзандларнинг муваффақиятли ижтимоийлашуви учун шароитлар яратилади. Оилавий бизнесни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдорликни ҳосил қилган ҳолда оилавий тадбиркорлик туғилиш сонининг ошишига хизмат қиласди.

Оилавий корхоналар қариндошларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигига асосланган. «Мулк ва тадбиркорлик базавий функцияларининг бир шахсада мужассам бўлиши бизнеснинг муваффақиятидан шахсий манфаатдорликка олиб келади»⁴³. Ўргатиш, ишлаб чиқариш сирларини ўртоқлашиш ва ўз ишини фарзандларга топшириш, яъни авлодларнинг кетма-кетлигини таъминлаш имконияти мавжуд.

Бу билан оилавий тадбиркорлик жамиятда барқарор ижтимоий-иқтисодий вазиятни таъминлаб, келажакка йўналтирилган ишбилармонлик муҳитини шакллантиради.

Германияда корхоналарнинг 95 фоизи оилавий корхоналар бўлиб, улар мамлакат иқтисодий қудрати ва барқарорлигининг асосини ташкил қиласди. Немис оилавий корхоналари – бу, одатда, ўз шаҳрининг ҳаёти билан яшаётган, ҳар куни аҳоли билан мулоқот қиласдиган, ўз харидорларининг кайфиятини ва нимани афзал кўришини биладиган, аҳоли фаровонлигининг ўзига хос барометри бўлиб хизмат қиласдиган кичик ва ўрта фирмалардир⁴⁴.

⁴³ Баранец Н.И. Социальные аспекты семейного предпринимательства: опыт социологического исследования. - Ученые записки, 2008, №4.

⁴⁴ 6 <http://www.freeway.otkroybizness.ru>

Оилавий тадбиркорлик тизимидағи бир тадбиркор одатда оиланинг бошқа беш нафар аъзосини иш билан таъминлаб, уларни ижтимоий муҳтожлар тоифасидан мамлакатнинг ўзига тўқ фуқаролари тоифасига ўтказади. Бошқача айтганда бу аҳолининг самарали бандлигини таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан кичик, шу жумладан оилавий тадбиркорлик камбағалликка қарши курашишнинг стратегик йўналишларидан бири сифатида кўриб чиқилади. Халқаро меҳнат бюроси Бош Директорининг 2003 йилда бўлиб ўтган Халқаро меҳнат ташкилоти 91-сессиясидаги «Меҳнат қашшоқликка қарши курашиш воситаси сифатида» мавзусидаги маъruzасида тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш камбағалликка барҳам беришнинг муҳим воситаси сифатида кўриб чиқилади.

Маъruzada келтирилган маълумотларга кўра 4 млрд. киши – жаҳон аҳолисининг учдан икки қисми расмий ҳуқуқий тизимларнинг амал қилиши соҳасидан ташқарида, асосан камбағаллик алоҳида хусусиятга эга бўлган ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда яшайди. Бозор иқтисодиётининг шартномаларга амал қилиш ва мулк ҳукуқларини тан олиш каби асосий принциплари кўпинча ёлланма ходимлар, меҳнат фаолияти билан мустақил шуғулланувчилар ёки микро ва кичик корхоналар учун кенг кўламли ва тез ўсиб бораётган хуфёна иқтисодиётда амал қилмаяпти»⁴⁵.

Юқоридаги маъruzada таъкидланишича, ривожланаётган мамлакатларда «кўпинча оиланинг ўзи ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб хизмат қиласи, яъни унда уч авлод биргаликда ишлаши ва ўз маошларини бирлаштириши мумкин»⁴⁶.

Камбағалликка барҳам бериш учун кичик ва микрокорхоналарга омон қолиш сиёсатидан ривожланиш сиёсатига ўтиш вазифаси қўйилади: «Агар кичик корхоналарга омон қолиш учун курашиш ўрнига ўз ривожланиш

⁴⁵ Доклад Генерального Директора Международного бюро труда «Труд как средство борьбы с нищетой» на 91-й сессии МОТ. - 2003г., с. 85

⁴⁶ Доклад Генерального Директора Международного бюро труда «Труд как средство борьбы с нищетой» на 91-й сессии МОТ. - 2003г., с. 55.

жараёнини бошлаш имконини бериш учун улар фаолият кўрсатаётган шароитлар яхшиланса, уларнинг бандликни ташкил этиш соҳасидаги салоҳияти камбағаллик қўламларини қисқартириш стратегиясининг муҳим омилига айланиши мумкин»⁴⁷.

Халқаро меҳнат бюроси Бош Директорининг маъruzасида ажратилган давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий устувор йўналишлари, бу:

- бошқарув кадрларини тайёрлаш;
- молиялаш имкониятларидан фойдаланиш;
- технологиялар ҳақида ахборот тақдим этиш;
- ички ва ташки бозорга киришни таъминлаш;
- корхоналар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш.

Маъruzада норасмий бандликни легаллаштиришнинг устунликлари ва давлатларнинг кичик тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги саъ-ҳаракатлари таъкидланди.

Маъruzага мувофиқ кичик корхоналар харажатларини камайтириш ва уларни ривожлантиришга хизмат қилувчи сиёсий ва ҳуқуқий муҳит корхоналарни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, оқилона ва адолатли солиқ ставкаларини белгилаш, бандликнинг норасмий соҳасидан реал соҳасига ўтишга йўналтирилган. Кичик корхоналарнинг легаллаштирилиши тижорат харидларини амалга ошириш, ҳуқуқий ҳимоя, керакли технологияларни харид қилиш, субсидиялар олиш имкониятларини, маҳаллий ва жаҳон бозорларига чиқиши кафолатлайди.

Кичик оиласиий бизнес фаолият кўрсатишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мажбуриятлар ва жавобгарликни бизнес иштирокчилари ўртасида тақсимлаш масалаларига тааллуқли расмий тартиб-қоидаларнинг қисқартирилишига боғлиқ.

⁴⁷ Там же, с.55.

Шу билан бирга, Германия Оилавий корхоналар уюшмасининг собиқ раҳбари Патрик Аденауэр таъкидлаганидек, «бундай компанияларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган оила аъзолари, одатда, барча бўлиб ўтаётган воқеалардан хабардор: «Ҳар бир киши буни билади ва ҳис қиласди. Чунки оилавий корхоналар одатда ўз ходимлари учун кўпроқ жавобгарликка эга бўлади».

Бундан ташқари оилавий корхоналар ноиктисодий наф ҳам келтиради: жамиятда ҳурмат қилинадиган мавқе, ғуур ва оилавий анъаналарга содиқлик ҳисси. «Шунингдек бу айрим оила аъзолари учун бизнесда ишлаш, бошқалари учун эса ушбу бизнесга таянган ҳолда ўз мақсадларига эришиш имконияти»⁴⁸.

Шундай қилиб, «оилавий тадбиркорлик – нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳодиса ҳамдир. У оилавий бизнесни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдорликни юзага келтириш билан бирга фуқаролар тадбиркорлиги, уларнинг интеллектини ишда кўрсатишнинг зарур шартига айланади, бу эса инсон руҳий-жисмоний ҳолатининг мувозанатини сақлаб туришининг муҳим омили ҳисобланади»⁴⁹.

«Оилавий бизнесни бошқаришда ҳам бутун кичик тадбиркорликдаги каби муаммолар мавжуд. Лекин оилавий фирма раҳбарининг иши шу билан мураккаблашадики, у ўз қариндошлари ўртасида барча асосий масалалар бўйича умумий келишувга эришиши керак. Турли фикрлар ҳамма вақт келишмовчиликка олиб келади, лекин баъзан улар учун туртки бериши ҳам мумкин. Шунинг учун объектив қарорлар қабул қилиш учун эмоционал омилни ҳисобга олиш лозим».

Оилавий бизнесни бошқариш нуқтаи назаридан энг муҳим камчилик – ходимларнинг профессионал эмаслиги. Корхона ишида қатнашувчи барча қариндошлар фирмага зарур бўлган соҳаларда яхши мутахассислар бўлиши

⁴⁸ Шаховалова Е.Г. Перспективы развития семейного бизнеса в России. - Ползуновский альманах. 2009, №3. - С. 30.

⁴⁹ Баранец Н.И. Социальные аспекты семейного предпринимательства: опыт социологического исследования. - Ученые записки, 2008, №4, с.14.

камдан-кам ҳолатларда учрайди. Идеал ҳолат – саводли директор, профессионал бухгалтер, оиланинг барча аъзолари масъулиятли ва малакали ходимлар, - бундай бўлиши деярли мумкин эмас. «Оилавий бизнесга энг хос бўлган муаммолардан бири – бу иқтидорсиз қариндошларнинг ишга олиниши»⁵⁰.

«Оилавий бизнеснинг барча яққол устунликлари билан бирга катта камчиликлари ҳам мавжуд. Биринчи навбатда ходимларнинг профессионал эмаслиги умумий ишнинг ривожланишига ҳалақит бериш мумкин. Ҳаммаси ўзиники бўлса, муаммолар ҳам биргаликда ҳал этилади. Масалан, хотин пирог пиширади, эр эса уни савдо нуқталарига тарқатади, ҳужжатларни эса қандайдир малакасиз қариндош юритади. Пировардида компания бухгалтернинг хатолари туфайли хонавайрон бўлади»⁵¹.

Оилавий компанияларга деярли ҳамма вақт компания билан бирга ривожланишига умид қилиб «ўзлариники» олинади, рақобатчилар эса бу вақтда профессионалларни ишга олади ва ишончга асосланган бизнес билан професионализмга асосланган бизнес ўртасида кураш бошланади. Ушбу қарама-қаршиликнинг якуни рақобатчи компаниялардаги професионализм ва ишончнинг даражалари билан белгиланади.

Оилавий бизнеснинг яна бир заиф томони жамоа ичидаги ўзаро муносабатлардан иборат.

Агар уйда жамоа оиласа, ишда эса жамоа кадрлар деб номланади ва қариндошлик алоқалари ҳамма вақт ҳам унга наф келтирмайди. Агар ёлланган ходимни раҳбар осонгина нопрофессионалликда айблаши мумкин бўлса, ҳеч қачон профессионал деб номланмаган қариндошга у ўз ўрнини эгаллаб турмаганлигини ҳамма директор ҳам айта олмайди. Қариндош жамоа ичидаги мулоқот қўп йиллик алоқалар билан осонлашади, лекин айнан шу алоқалар орқали мураккаблашиши ҳам мумкин. Муваффакиятсиз танлаб олинган иборалар нафақат компанияни, балки

⁵⁰ Там же, с.116.

⁵¹ Журнал “Стандарт: Бизнес-класс”. 2011, №5, с.35.

оилани ҳам барбод қилиши мумкин. Шу нүктаи назардан оилавий муносабатлар ишдаги мулокотга салбий таъсир кўрсатади.

Алан Кросби шундай ёзган эди: «статистика маълумотларига қўра, оилавий фирмаларнинг 24 фоизи бир авлоддан нарига ўтмайди, оилавий корхоналарнинг ўндан бир қисмигина ўз фаолиятини учинчи авлодгача давом эттиради».

Бу фикрга Жорджидаги Кеннесау Университети профессори, қариндошлик бизнеси масалалари билан шуғулланувчи Жозеф Астрахан ҳам қўшилади. Унинг таъкидлашича «оилавий корхонада бешинчи авлодгача бир уруғ қўлида сақланиб қолиш учун элликта имкониятдан фақат биригина мавжуд»⁵².

Шунинг учун оилавий жамоа аъзолари ўртасида мажбуриятлар аниқ тақсимланган бўлиши керак. «Бу оиласа тегишли ходимларни интизомли қиласди. Раҳбарнинг ваколати аниқ белгиланган бўлиши лозим. Барча ходимларга нисбатан бир хил муносабатда бўлишга интилиш тавсия қилинади. Агар оила аъзоси бўлган ходимларнинг қандайдир райига қаралса, корхонани бошқариш устидан назорат сусаяди»⁵³.

Халқаро меҳнат бюроси Бош Директорининг «Меҳнат қашшоқликка қарши курашиш воситаси сифатида» мавзусидаги маъruzасида оилавий ва кичик тадбиркорлик доирасида болалар меҳнатидан фойдаланиш борасида огоҳлантириш мавжуд. «У ўзининг энг ёмон шаклларида болаларни соғлик, таълим ва ҳатто ҳаётдан маҳрум этади. Қашшоқлик айрим оилаларни ўз фарзандларини ишга юборишга мажбур қилас экан, кейинги авлод ҳам ҳудди шундай тақдирга маҳкум этилган».

Маъruzасида эътибор қаратилган яна бир муаммо – бу кўпинча баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан химоялашни таъминламайдиган кичик корхоналарда хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш муаммоси.

⁵² Сайко Э.В. Проблемы поколений в современной исторической ситуации // Мир психологии. 2009. №3. - С. 169.

⁵³ Разумнова И.И. Семейный и надомный бизнес: опыт США. - США.Канада: экономика, политика, культура. - 2001, №1. - С.116.

Шунингдек, кичик тадбиркорликнинг гендер жиҳати ҳам муҳим аҳамиятга эга – кичик корхоналарда кўпинча аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларига амал қилинмайди, оналик билан боғлиқ таътил берилмайди, меҳнатга ҳақ тўлашда камситилишларга йўл қўйилади.

Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, оила аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш ва фойдани тақсимлаш қийин масала ҳисобланади, чунки «кўпинча ходимлар уларга ҳақ тўлиқ тўланмади деб ҳисблайди».

Фойдани бизнесни ривожлантиришга инвестиция қилиш масалаларида ҳам муайян муаммолар юзага келиши мумкин, чунки оила аъзоларининг нимани биринчи ўринга қўйишида катта фарқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шунинг учун ҳар қандай оиласидан бизнес олдида ҳамма вақт дилемма муаммовий масала туради: қандай қилиб корхонанинг барқарор ривожланишини таъминлаш, товарларни бериш ва харид қилиш, харидорлар ва етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар, касса операцияларини амалга ошириш, ҳисоб юритиш каби алоҳида функцияларни бажаришда тўлиқ бир-бирини алмаштиришига йўл қўйилади.

Беларусь Республикасининг амалдаги ҳуқуқий шароитларида бундай муносабатларни амалга оширишнинг деярли иложи йўқ. Ҳар қандай солиқ ва сугурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш тегишли хужжатлар билан тасдиқланиши керак.

Меҳнат муносабатлари, мажбуриятлар ҳамда мол-мулкни тақсимлаш, ва бизнес фаолият кўрсатишининг бошқа томонларига тааллуқли барча масалалар ҳам тегишлича расмийлаштирилиши даркор.

Шу билан бирга иқтисодиёт таркибида расмий белгилари бўйича кўпроқ оиласидан бизнесни эслатадиган субъектлар ҳам ўрин тутади.

Беларусь Республикаси Президентининг 2005 йил 18 июндаги 285-сон «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишининг айрим чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида шу нарса назарда тутилганки, 2008 йил 1 январдан бошлаб якка тадбиркорлар оила аъзолари ва яқин қариндошлар (эр (хотин), ота-оналар, фарзандлар, бола қилиб олганлар, бола қилиб олинганлар,

туғишиган ақа-ука ва опа-сингиллар, бува, буви, набиралар) сафидан күпі билан уч нафар жисмоний шахсни меңнат ва (ёки) фуқаролик-хукуқий шартномалар бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун жалб қилишга ҳақли.

Бироқ, меңнат муносабатларини расмийлаштириш, ахолини ижтимоий ҳимоялаш фондига бадалларни ҳисоблаш, мажбуриятларни тақсимлаш бўйича амалдаги талаблар оиласи тадбиркорликнинг устунликларини йўқса чиқаради. Натижада ушбу бизнесга оиласи бизнес сифатида қараб бўлмайди. Бу ёлловчи ва ходим ўртасидаги оддий фуқаролик-хукуқий муносабатлардир.

Боз устига, юқоридаги талаблар якка тадбиркорларнинг ишлаши ва уларнинг бизнеснинг бошқа ташкилий-хукуқий шаклларига эволюцияси учун ҳисобланади: оиласи ресторанлар ва тез хизмат кўрсатадиган ресторанлар, агро-экотуризм, майда улгуржи ва чакана савдо, ахолига майший хизмат кўрсатиш (кимёвий усул билан тозалаш, кир ювиш, ателье, сартарошхона, майда тикиш ва майший техника, кийим ва пойабзални таъмирлаш ва б.).

Италиялик машҳур бош ошпаз Марцианно Паллининг фикрига кўра, «оиласи ресторан ҳар қандай нарх сегментида муваффақиятли ишлаши мумкин. Боз устига айнан ушбу концепция – бизнес мулқдорлари ўзларига тегишли муассасада ишлайдиган классик оиласи ресторан концепцияси бутун жаҳонда ресторан бозорида устун бўлади. Оиласи ресторанларни ривожлантиришни Марцианно Палли турли сабабларга кўра, шу жумладан оиласи ресторан жаҳон интилаётган янги “нооммавий” жамиятда бизнесни йўлга қўйиш учун энг қулай туюлиши сабабли ҳам, истиқболли йўналиш деб ҳисоблайди»⁵⁴.

Охирги вақтда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи ва энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Тез ўсиш суръатларига эгалиги туфайли у XX асрнинг иқтисодий феномени сифатида тан олинган.

⁵⁴ Шаховалова Е.Г. Перспективы развития семейного бизнеса в России. - Ползуновский альманах. 2009, №3. - С. 30.

Валюта тушумлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, шахслараро алоқаларни кенгайтириш манбаи сифатида туризмнинг аҳамияти доимий равишда ортиб бормоқда. Чет эл тажрибаси қўрсатиб турганидек, Европада туристларнинг 70 фоизидан кўпи мулқдорлари ва ходимлари бир оила аъзолари ҳисобланган кичик хусусий меҳмонхоналарда, меҳмонлар учун мўлжалланган уйларда, фуқароларнинг хусусий уйларида, туристик қишлоқларда тўхташади»⁵⁵. Шунинг учун айнан оилавий тадбиркорлик мамлакатимизда туристик-рекреацион соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилига айланиши мумкин.

Оилавий кичик корхоналарнинг кучи ва истиқболлилиги шундан иборатки, уларда бир-бирини яхши биладиган, бир-бирига ишонадиган, зиммасига олинган мажбуриятларга нисбатан масъулиятли бўлган инсонлар биргалиқда ишлайди. Бунда ходимларни нафақат иқтисодий манфаатлар ва меҳнат шароитлари, балки умумий оилавий мақсадлар, умумий фаровонлик, саломатлик ва фарзандларнинг келажаги ҳақида қайғуриш ҳам бир-бирига боғладайди.

Юқорида айтилганларга якун ясаб, мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун оилавий тадбиркорликнинг аҳамиятига етарлича баҳо берилмаяпти, деган хulosага келиш мумкин.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарур. Бунда оилавий тадбиркорликнинг оилавий турмуш тарзини мустаҳкамлаш, туғилиш миқдорини ошириш, камбағалликнинг олдини олиш ва оилалар фаровонлигини оширишдаги ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда уни кичик тадбиркорликнинг энг имтиёзли тоифаси сифатида ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2.3. Оилавий тадбиркорликнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланиш йўналишлари

⁵⁵ Баранец Н.И. Социальные аспекты семейного предпринимательства: опыт социологического исследования. - Ученые записки, 2008, №4, с.18.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда жиддий муваффақиятларга эришган хорижий мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси шундан далолат берадики, оила тадбиркорлигига қаратилган ташаббус нафақат бандликни таъминлашда, балки даромадларни текис тақсимлаш, шу билан бир қаторда ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг барқарор омиллари сифатини оширишда тоборо кўпроқ аҳамият касб этмоқда.^{56,57}

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик тадбиркорликнинг аксарият қисмини оилавий корхоналар ташкил қиласди. Оила бизнесини ташкил этишнинг мазкур шаклининг ижтимоий ва иқтисодий устунликлари, унинг субъектлари фаолият кўрсатишининг юқори самарадорлигини, узоқ вақт давом этишини ва уларнинг жадал ривожланишини таъминлайди.

Кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда айнан оила тадбиркорлигини ташкил этиш соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаатларини ҳимояловчи ва оилавий корхоналарнинг фаолият кўрсатиши борасида тажриба алмашиш учун мунозара майдонларини ташкил этувчи маҳсус бирлашмалар фаолият юритади. Бу аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишни кенгайтириш, оилавий иш анъаналарини ривожлантириш ва оила тадбиркорлари сулоласини шакллантириш имконини беради.

Оила ва унинг фаолиятини турли йўналишдаги фан вакиллари – социологлар, демографлар, психологлар ҳамда иқтисодчилар ўрганишади. Оиланинг ижтимоий, демографик ҳамда психологик ҳолатлари Ўзбекистонда олимлар томонидан кенг ўрганилган бўлсада^{58,59}, аммо унинг тадбиркорлик

⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида. ЎзР қонун хужжатлари тўплами, 2012 й. 17-сон, 188 модда

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти карори. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида. <http://andijon.uz/news/>

⁵⁸ Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: «IQTISOD - MOLIYA», 2008. 340 с.

⁵⁹ Убайдуллаева Р.А. Семья в Узбекистане. Монография. – Т.: Фан, 2012. – 185 с.

фаолияти ҳамда ривожланиш муаммолари тўғрисидаги тадқиқотлар етарли эмас. Шу нуқтаи назарда хорижий тажрибаларни умумлаштириш асосида Ўзбекистонда улардан фойдаланиш йўлларини асослаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу Ўзбекистонда нафақат барқарор ижтимоий – иқтисодий вазиятни таъминлашга, балки келажакка йўналтирилган ижобий ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қўмаклашади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар оилавий корхоналар сонининг кўпайишига туртки берди⁶⁰. Ғарб мамлакатларида ушбу жараён бундан анча олдин бошланган эди. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида иқтисодчи олим ва мутахассислар кичик тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига жиддий эътибор қаратиши. Бу қизиқиш тасодифий юзага келмаган. Инқироз ҳолатлари (айниқса 80-йилларнинг боши) оилавий корхоналар йирик корпорацияларга қараганда истеъмол талабининг ўзгаришига тезроқ мослашишга қодир эканлигини яққол намоён этган. Жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, бозорга энг аввало кичик бизнесни фаол ривожлантириш орқали кириб бориш мумкин. Бугунги кунда ушбу соҳа ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг таянчига айланиб қолган. Буни у ёки бу мамлакат бозорида фаолият кўрсатиб турган фирмаларнинг умумий сонига нисбатан оилавий корхоналарнинг миқдорий нисбати ҳам тасдиқлайди. Масалан, Россия миқиёсида бозор иқтисодиётининг ҳозирги тузилиши 10-12 миллион оилавий корхоналар мавжуд бўлишини назарда тутади, аммо амалда эса уларнинг сони 300-400 мингтани ташкил қиласиди⁶¹.

Ғарб мамлакатларида корхоналарни оилавий корхоналар тоифасига киритиш бўйича ягона мезон ишлаб чиқилмаган. Интеллектуал таърифлар мавжуд. Улардан бири 1971 йилда Британия парламенти кичик фирмаларни тадқиқ этиш қўмитаси (Болтон қўмитаси)нинг маъruzасида берилган таъриф анча кенг тарқалган: “... кичик фирма, биринчидан, ўз маҳсулоти бозорининг

⁶⁰ Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 8,3 мингдан кўпроқ оилавий корхоналар фаолият юритмоқда. Бу 2013 йилга нисбатан 70 мартадан кўп.

⁶¹ Волков Д.А. Особенности организации и управления семейным предпринимательством в условиях России. Автореферат док.диссертации. – М.: РАНХ и ГС. 45 с.

нисбатан кичик улушига эга, иккинчидан, мулқорлар томонидан бошқарилади, учинчидан, мулқорлари ҳам мустақил (йирик корхонанинг бир қисми эмаслиги нуқтаи назаридан) менежерлар муҳим қарорларни қабул қилишда ташқаридан назорат қилинмайди”⁶².

Шунингдек, функционал тасниф ҳам қўлланилади. Халқаро меҳнат бюросининг таърифига кўра, кичик ва ўрта корхоналар жумласига ишлов берувчи саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фирмалар, оиласий корхоналар, касаначилар меҳнатидан фойдаланувчи фирмалар, кооператив, якка тартибдаги корхоналар киради. Бироқ, бунда банд бўлганлар сони энг кенг тарқалган мезон ҳисобланади.

Россия оиласий корхоналарига нисбатан ҳукуматнинг 2006 йилдаги қарори амал қилишда давом этмоқда, унда оиласий корхоналарни ажратиш учун иккита мезон белгиланган: ишловчилар сони ва хўжалик айланмасининг ҳажми. Мазкур қарорда амалда оиласий корхоналарни уларнинг қайси тармоқقا мансублигини ҳисобга олган ҳолда банд бўлганлар сони бўйича таснифлашга уриниб кўрилган. Ушбу мамлакатда оиласий корхоналарнинг пайдо бўлиши 1994 йилга келиб энг авжига чиқди. Лекин бир неча ойдан сўнг нархларнинг ошиб кетиши ва солиқ сиёсатининг қатъийлашуви уларнинг сонини кескин тарзда қискартириб юборган. Ишчанлик фаоллиги пасайган. Банкрот бўлишдан омон қолиш жараёни бошланган.

Табиийки, бундай шароитда кичик тадбиркорлик бошқа мамлакатларда оиласий бизнесга хос бўлган функцияларни амалга оширишга, демак, ўз вазифасини бажаришга – товарлар ва хизматлар бозорини шакллантиришга қодир бўлмай қолади.

Маълумки, бозор иқтисодиётида оиласий тадбиркорлик – энг кенг тарқалган иқтисодиёт сектори ҳисобланади, унинг ривожи иқтисодий ўсишга, ялпи ички маҳсулотнинг ҳажмига, асосан аҳоли бандлиги ҳамда даромадига катта таъсир этади. Бу ерда гап нафақат миқдорий кўрсаткичлар ҳақида

⁶² Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательства: анализ российской практики // Российский внешнеэкономический вестник. № 9, 2011. С.17-20.

бораяпти – ушбу омил ўз моҳиятига кўра бозорга хос бўлиб, замонавий бозор инфратузилмасининг устувор ривожланишини талаб қиласди. Бу эса ушбу соҳада субъектларни иқтисодий инқироздан сақлашда қўмак беради.

Оилавий тадбиркорликнинг асосий қулайликлари ва хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

а) қулай ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконияти. Йирик корхоналар билан солиширилганда оилавий бизнесда бошқарув қарорларини қабул қилиш тузилмалари соддалаштирилган бўлиб, бу бозор конъюнктурасига хос ўзгаришларга тезда мослашиш имконини беради.

б) ишлаб чиқарувчиларнинг кўпроқ шу худуддаги бозорга ўйналтирилганлиги. Оилавий тадбиркорлик қоидалар, урф-одатлар ва маҳаллий бозорнинг бошқа хусусиятларини ўрганиш учун фоят мос келади.

в) бандликни сақлаб туриш ва янги иш ўринлари барпо этиш. Ушбу муаммо Ўзбекистон учун ҳам ўта долзарб ҳисобланади; аҳоли сонини доимо ошиб бориши ортиқча ишчи кучи кўпайишига олиб келмоқда, оила тадбиркорлиги эса бўш ишчи кучини ўзига олиб амортизатор ролини ўйнаши мумкин.

г) йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ёрдамчи функцияларни бажариш. Йирик корхоналар негизида ишлаб чиқариш жараёнининг босқичларини оилавий корхоналарга топширган ҳолда мазкур жараённи марказлаштирилган бошқарув тизимидан чиқаради.

д) дастлабки инвестицияларнинг кичик ҳажми. Оилавий корхоналарни тузиш муддатлари қисқа; улар тез ва арzon қайта жиҳозланиши, янги технологияларни жорий этиши ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши, машина ва қўл меҳнатининг оптимал уйғунлигига эришиши мумкин.

е) оилавий корхоналарда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлади.

ж) оилавий корхоналарнинг инновацион хусусияти. Аксарият иқтисодчилар кичик бизнес фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда муҳим роль ўйнашини таъкидлашади.

Инновациялар киритиш соҳасида венчур фирмалар фаоллик кўрсатади. Улар фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишнинг юқори суръатларига эришган ҳолда йирик фирмалар билан муваффақиятли рақобатлашади. Кичик тадқиқот марказлари тадқиқотлар ва ишланмаларни фаол тарзда амалга оширган ҳолда таваккалчиликни ўз зиммасига олиш истагини кўпроқ намоён этади, тадқиқот фондлари ва жихозларидан, малакали кадрлардан анча самарали фойдаланади, бу билан инновация жараёнига, ишлаб чиқаришни технологик янгилашга катта ҳисса қўшади. Кичик инновацион корхоналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини янгилаш суръатлари бозор омилига айланадиган янги товарлар рақобати шароитида ўзининг ихчамлиги билан хўжалик тизимида ўз ўрнини топди. Улар янги ишлаб чиқаришларни саноатлаштириш босқичларини йирик фирмаларга қолдирган ҳолда янгиликлар киритишнинг дастлабки босқичлари билан шуғулланишади. Фан-техника тараққиёти ютуқлари уларга катта маблағга эга бўлмаган ҳолда илм-фанга асосланган тармоқларга тезда киришиб кетиш имконини беради.

Оилавий тадбиркорлик корхоналари қатъий бозор рақобати шароитида фаолият кўрсатади. Шунинг учун янги йирик корхоналар сонининг жадал ўсиши улардан кўпчилигининг банкрот бўлиши билан кузатилади. Аксарият ҳолатларда (90%) оилавий корхоналар капиталнинг етишмаслиги ёки самарасиз технология сабабли эмас, балки бошқарув билимларининг мавжуд эмаслиги туфайли банкрот бўлади.

АҚШда фирмалар ўртасида сўровлар тез-тез ўтказиб турилиб, уларда муваффақиятсизликларнинг асосий сабаблари сифатида кўпинча қўйидагилар келтирилади:

- 1) чуқур билимга эга эмаслик, тажрибанинг мувофиқлиги (масалан, тажрибали муҳандис, лекин тажрибасиз тижоратчи), тижорат, молия, етказиб бериш, ишлаб чиқарish ва бошқariш соҳаларида тажрибанинг етишмаслиги;
- 2) сотувлар ҳажмининг кичиклиги;
- 3) рақобат;

4) трансакция харажатларининг жуда катталиги.

Бироқ, кўпинча компаниялар капитал ёки инвестицияларнинг етишмаслигидан эмас, балки ҳал этилмаган бошқарув муаммолари туфайли ўз фаолиятини тўхтатади.

Оилавий корхоналар, объектив тарзда, ўз табиатига кўра йирик бизнес билан солиширилганда бозорда рақобат кучига эга эмас. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларининг кичиклиги туфайли ишлаб чиқариш харажатлари юқори, фан-техника билан жиҳозланганлик даражаси, кадрлар малакаси паст. Ахборот таъминоти қийин, уларга кўпинча маркетинг тадқиқотлари ўтказиш учун воситалар етишмайди. Буларнинг барчаси оилавий корхоналарни бозорда ноқулай ҳолатга қўяди. Шунинг учун кичик бизнесни (шу жумладан оилавий корхоналарни), давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашнинг мукаммал тизимини яратиш – уни ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Оилавий корхонага маблағлар оқими зарур. Имтиёзли кредитлаш давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Донгдор, нуфузли йирик корхоналарга банк ҳамиша ёрдам беради. Кичик корхонага эса, айниқса эндиғина иш бошлаётган корхонага одатдаги шароитларда кредит бериши амри маҳол. Шунинг учун Ўзбекистон қонунчилигига оилавий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш ва суғурталаш назарда тутилиши керак.

Имтиёзли кредит сиёсатидан ташқари қонунчиликда имтиёзли солиқ солиш ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари, инвестиция ва лизинг компаниялари, кредит ва суғурта ташкилотларига солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши зарур.

Кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда давлат ва ҳудудий фонdlар катта роль ўйнаши мумкин. Фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат бўлган оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш:

оилавий тадбиркорлик соҳасидаги мақсадли дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўли билан бозор муносабатларини чуқурлаштиришга кўмаклашиш;

оилавий тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш, товар бозорини тўлдириш, янги иш ўринлари ташкил этиш соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва танлов йўли билан танлаб олишда иштирок этиш;

бозор инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишларни жадаллаштиришда иштирок этиш;

тадбиркорлик тузилмаларининг инновацион фаолиятини қўллаб-куватлаш, маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги технологиялар ва ихтиrolарни ўзлаштиришда кўмаклашиш;

рақобат муҳитини яратиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш фаолиятининг устувор йўналишларини амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашиш.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш фондлари имтиёзли кредитлар, фоизсиз ссудалар, қисқа муддатли қарзлар бериши, рақобатни ривожлантириш ва товар бозорини тўлдириш мақсадида гаров берувчи, кафил функцияларини бажариш таклиф этилади.

Шундай қилиб, оилавий тадбиркорлик шакллари, соҳаси ва ташкилий тузилмаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг йирик ишлаб чиқариш тузилмалари билан узвий боғлиқ ҳолда фаолият юритиши самарали йўл ҳисобланади. Оилавий корхоналар улар билан барқарор кооперация тамоиллари орқали ўзаро ҳамкорлик қиласи ёки бир худудда жойлашган барча турдаги корхоналарнинг фаолият кўрсатиши инфратузилмасини шакллантиради. Бундай шароитда оилавий корхоналарни ривожлантириш йўналишларини танлаш ва соҳасини асослаш кўп жиҳатдан юзага келган умумий ташкилий-ишлаб чиқариш тузилмасига ва биринчи навбатда йирик корхоналарга боғлиқ ҳисобланади. Йирик ва оилавий тадбиркорликнинг

бундай ўзаро боғлиқлиги прогрессив ташкилий тузилмаларнинг барпо этилишини талаб қиласди.

Ташқи муҳитнинг бекарорлиги – хомашё ва энергия нархларининг, инфляция, валюта курсларининг ўзгариб туриши, давлатлар иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришлар шароитида кичик оилавий корхоналар ихтисослашувининг устунликлари билан бир қаторда ишлаб чиқариш кооперацияси ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш, молиявий хавф хатарни юмшатиш имкониятлардан фойдаланишга интилади. Оилавий корхоналар бир қатор йўналишлар бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштирган тақдирдагина иқтисодиёт тузилмасида барқарор мавқега эга бўлишга, йирик корхоналар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилишга умид қилишлари мумкин.

Оилавий тадбиркорликни дастлабки бошловчиларга давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан қўллаб-куватлаш бўйича қуидагиларни таклиф этиш:

1) оилавий тадбиркорлик фаолиятини дастлабки босқичларида уларни қўллаб-куватловчи инфратузилма муассасаларини ривожлантириш (кичик молиялаштириш банклари, маҳсус фонdlар, консалтинг – ахборот марказлари ва б.);

2) оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат молиясидан, молиявий, моддий-техника ва ахборот ресурсларидан ҳамда фан-техника ишланмалари ва инновацион технологиялардан фойдаланишга самарали шароитлар яратиш;

3) оилавий тадбиркорликни рўйхатга олиш, улар фаолиятини лицензиялаш, маҳсулотини сертификатлаш, давлат статистика ва бухгалтерия ҳисботларини тақдим этишнинг соддалаштирилган электрон тизимини кенг жорий этиш;

4) оилавий тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-куватлаш, шу жумладан хорижий мамлакатлар билан савдо, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

5) оилавий корхоналар учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

3-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Оилавий тадбиркорлик институтлари ва уларни тартибга солишни такомиллаштириш

Оилавий тадбиркорлик иқтисодиёт ривожланишига, бандлик муаммоларини ҳал этилишига, аҳоли даромадини ўсишига катта таъсир кўрсатади. Маълумки, оилавий тадбиркорлик билан кўпчилик шуғулланиш имкониятига эга эканлиги, бозор иқтисодиётига тез мослашиши, шунингдек, кам сармоя ва янги корхонани очиш ёки эски объектни реконструкция қилиш учун нисбатан қисқа муддатларни талаб қилиши – бу иқтисодиёт тармоғининг энг муҳим устунлик жиҳатларидандир. Шулардан келиб чиқиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик доирасида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда салоҳиятини ошириш борасида ислоҳотларни кенгайтириш ва такомиллаштириш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда оилавий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, улар фаолиятларини самарали юритиш учун зарурӣ қулайлик ва имтиёзлар яратиш, хусусан, республикамиз оилалари аҳолиси ўртасида оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кенг имкониятлар яратувчи, уларни молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланишларини тўлиқ қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ва қонунчилик асослари такомиллаштирилиб, кенг омма эътиборига ҳавола этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 авгуустдаги ПФ-5780 сонли “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги Фармони [14] юқоридаги фикрларнинг исботидир.

Республикамизда тадбиркорликни юритишнинг тартиб-таомилларини сезиларли даражада соддалаштириш, инфратузилмалар таркибини

такомиллаштириш ва молиявий манбаларни кенгайтириш орқали оиласий тадбиркорликни изчил ўсишини таъминлаш зарур. Республикаизда аҳолининг турли қатламларини ёшлар, аёллар, кам таъминланганлар ва бошқаларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Шулардан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш учун 7,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ийўналтирилди.⁶³

Шу билан бирга, қатор ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда, айниқса ер участкаларини ажратиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмасидан, кредит ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини таъминлашда бюрократик тўсиқлар ва сансалорликлар учрамоқда.⁶⁴ Шундай экан юқоридаги Фармон айнан шундай тўсиқларни ижобий бартараф этиш, хусусий мулкнинг хуқуқий ҳимоясини ҳамда мулкдорларнинг кафолатларини кучайтириш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини мукаммал амалга ошишининг институционал механизмларини такомиллаштиришга хизмат қиласи.

Макроиқтисодий қўрсаткичларга назар ташласак, биргина 2018 йилнинг ўзида республикаизда 48,9 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микро фирмалар (жами фаолият юритаётган 268930 та), 4473 та оиласий корхоналар (жами фаолият юритаётган 15507) ташкил этилди. 2018 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЯИМ таркибида кичик бизнеснинг улуши 59,4%ни ташкил этгани ижобий натижа ҳисобланади. Жумладан, кичик бизнеснинг юқори қўрсаткичлари улуши иқтисодиётнинг йўловчи айланмаси

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хукукларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780 сонли Фармони.

⁶⁴ Ўша ердан.

(жамига нисбатан 95,2%), йўловчи ташиш (жамига нисбатан 90,8%), савдо (жамига нисбатан 86,3%), қурилиш (жамига нисбатан 66,6%) тармоқларига тўғри келди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма – босқич амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш жараёнларида хусусий мулк устувор бўлган кўп укладли иқтисодиёт шаклланди.

Хозирги ривожланиб бораётган кўп укладли иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим ижтимоий – иқтисодий роль ўйнамоқда. Шуларни инобатга олиб, Ўзбекистон ҳукумати аҳолининг кенг қатламларини, хусусан ҳар бир оилани тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида “Оилавий тадбиркорлик” институтини ташкил этди. Қисқа вақт ичиде оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш, уни юритиш ҳамда ривожланиб боришини таъминловчи қонун ва қатор бошқа қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниб амалиётга киритилди.

Натижада оилавий тадбиркорлик, айниқса унинг якка тадбиркорлик соҳаси аҳоли орасида кенг ривожланмоқда.

Шунга қарамасдан Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни самарали ҳал этиш “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, унинг айрим жиҳатларини такомиллаштиришни талаб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши оилавий тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий – институционал нормаларини белгилаб берди ва ушбу қонун оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Мазкур қонунга мувофиқ, Оилавий тадбиркорлик – бу оила аъзолари томонида таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти хисобланади. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёри билан

юридик шахс ташкил этган ҳолда “Оилавий корхона” ёки ташкил этмаган ҳолда якка тадбиркорлик, касаначилик ва хунармандчилик шаклларида амалган оширилиши мумкин (3.1-расм). Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг аниқ бир тури оила аъзолари томонидан ихтиёрийлик асосида танлаб олинади.



3.1 - Расм. Оилавий тадбиркорлик фаолияти турлари

Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий – ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланди.

Қонуннинг 4-моддасида эътироф этилганидек, оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрийлик асосида, оилавий корхона иштирокчиларининг улушки ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона

иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Оилавий корхона ўз мажбуриятлари бўйича барча мол-мулк билан жавоб беради. Оилавий корхона иштирокчилари корхона мол-мулки етарли бўлмагандага оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкин. Оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртacha йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

Қонунда эътироф этилганидек, оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишиган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан ташкил этилади ва агар унинг таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, номуайян муддатга ташкил этилади.

Қонуннинг 8-моддасига биноан оилавий корхона иштирокчиларининг умумий йиғилиши оилавий корхонанинг юқори бошқарув органи ҳисобланади ва оилавий корхонанинг таъсис шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; оилавий корхона бошлиғини сайлаш; оилавий корхона

фаолиятининг турларини белгилаш; оилавий корхонанинг мол-мулкига доир йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш унинг ваколатига киради.

Оилавий корхона фаолият юритишида унинг таъсис ҳужжати мазкур корхонанинг барча иштирокчилари томонидан тузиладиган таъсис шартномаси муҳим ҳужжат ҳисобланди. Оилавий корхонанинг таъсис шартномасига киритиладиган масалалар “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга мувофиқ амалга оширилади.

Қонунга мувофиқ оилавий корхона қуидаги ҳукуқларга эга:

мустақил равишда товарлар ишлаб чиқаришга (ишлар бажаришга, хизматлар кўрсатишга) доир фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) тасарруф этиш ва уларга нарх белгилаш;

мустақил равишда ўз молиявий маблағларини шакллантириш ва қарз маблағларини жалб этиш, шу жумладан дастлабки (бошланғич) капитални шакллантириш учун кредитлар олиш;

лизинг ва суғурта хизматларидан фойдаланиш;

шартномалар тузиш, шу жумладан товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш ва реализация қилиш учун шартномалар тузиш;

тадбиркорлиқдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

ўз фирма номи ёзилган муҳрлардан, бланкалардан ва штамплардан фойдаланиш ҳамда товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига) эга бўлиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Оилавий корхона:

тузилган шартномалар бўйича зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариши;

оилавий корхонанинг иштирокчилари ва ёлланма ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаши, улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши, шунингдек иш берувчи сифатида ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиши;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши;

мехнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига риоя этиши;

реализация қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун қонун хужжатлариға мувофиқ сертификатларга эга бўлиши.

Оилавий корхона иштирокчилари қуидаги ҳуқуқларга эга:

оилавий корхонани бошқаришда, қарорлар қабул қилишда, молия-хўжалик фаолиятини назорат қилишда иштирок этиш;

оилавий корхона таъсис шартномасининг шартлариға боғлиқ ҳолда фойдадан ўз улушкини олиш;

оилавий корхона таркибидан ихтиёрий равишда чиқиш.

Агар оилавий корхонанинг таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, оилавий корхона таркибидан чиқишида оилавий корхона мол-мулки қийматининг бир қисми устав фондига ўзи киритган мол-мулк миқдорига мутаносиб равишда қайтариб берилиши ёки шундай қийматдаги мол-мулк натурал ҳолда ўзига ажратиб берилиши мумкин.

Оилавий корхонада меҳнат муносабатлари “Оила тадбиркорлиги тўғрисида”ги қонуннинг 5-бобининг 20, 21 ва 22-моддаларидаги нормалар билан тартибга солинади.

Қонунга мувофиқ оилавий корхона иштирокчилари оилавий корхонанинг фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт. Оилавий корхона иштирокчилари қонун хужжатлариға мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин. Оилавий корхона иштирокчиларининг шахсий меҳнатини амалга ошириш шартлари улар ўртасидаги келишувга кўра белгиланади.

Оилавий корхона (иш берувчи) ва оилавий корхонанинг ёлланма ходими ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлариға мувофиқ меҳнат шартномаси (контракт) билан тартибга солинади. Оилавий корхонанинг иштирокчилари ва ёлланма ходимлари учун

мехнат ҳақи, мукофотлар ҳамда компенсацияларнинг шаклларини, тизимини ва миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда белгилайди.

“Оилавий корхона тўғрисида”ги қонунга кўра оилавий корхона давлат томонидан қўллаб – қувватланади ва унинг фаолияти эркинлиги кафолатланади, ривожланиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашади. Қонунчиликда белгиланган тартибда ер ажратиб беради, маҳсулотларни сотиш учун маҳсус жойлар берилишини таъминлайди.

Қонуннинг ўзига хос хусусиятидан бири шундан иборатки, оилавий корхона эгаси ўзига мулк ҳукуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан фаолиятда фойдаланиши мумкин. Бошқача айтганда, энди турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди. (фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Хозирги вақтда яратилаётган ушбу имкониятлардан ўз фаолиятида кенг фойдаланувчи оилавий тадбиркорлик субъектларининг сафи кенгайиб бормоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинади. Тежалган маблағлар эса маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун йўналтирилади.

Оилавий корхонани текшириш кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширишади, бу улар фаолияти эркинлигининг кафолати бўлиб хизмат қиласи. Бугунги кунда мазкур норма қонунда мустаҳкамланган.

Қонунга мувофиқ оилавий тадбиркорлик субъектларига коммунал инфратузилма обьектларидан фойдаланишда кенг қулайликлар яратилган. Улар турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш учун фойдаланган тақдирда, электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.


Шубҳасиз “Оилавий корхона тўғрисида”ги қонун жамиятимизда асосий таянч ячейкаси ҳисобланган оиланинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишига, оила фаровонлигига ва турмуш сифатини янада ошишига олиб келувчи замонавий ҳуқуқий хужжат ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда қонунда белгилаб қўйилган асосий институционал – ҳуқуқий норма ва шартларни амалга жорий этишни янада фаоллаштириш, ҳар бир оилани тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлишига шарт – шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги қарор муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қарорда оилавий тадбиркорликни бутун республика худудларида янада ривожлантириш, ҳар бир оилани тадбиркорлик ташаббусларини уни ривожига жалб этишдаги иқтисодий ва бошқарув билан боғлиқ бўлган ишларни тизимли тарзда мувофиқлаштирган ҳолда юзага келаётган муаммовий ҳолатларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилишга йўналтирилган.

Қонун кучига эга бўлган ушбу қарор “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини асосий йўналишларини белгилаб бериши билан бирга уларни бажариш механизмини ҳам ўз ичига олган (3.2-расмга қаранг).





3.2-расм. “Ҳар бир оила тадбиркор” дастурини амалга оширилишини таъминлаш механизми

тадбиркорларга ишлаб чиқарувчи

фаолият юритишига шарт – шароитлар яратиш, янги тур маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш борасида мутасадди идоралар томонидан тизимли бажариладиган тадбирларни ўз ичига олган. Дастурда белгиланган 8 та йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш учун республиканинг ҳар бир бошқарув поғонасида давлат органлари ва вакилларидан иборат учта ишчи гурухлари ташкил этилади. Ҳар бир ишчи гурух қарорда белгилаб қўйилган вазифаларни бажарив боради. Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гурухлари (дастурни амалга ошириш ишларини

мувофиқлаштириш бўйича) аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тавсиялар бериш бўйича ташкил этиладиган махсус ишчи гуруҳлар билан биргаликда туман (шаҳар) худудий ишчи гуруҳлари тайёрлаб берган ахборотларнинг таҳлили асосида муаммовий ҳолатларни бартараф этади ҳамда тегишли қарорлар қабул қиласи.

Юқоридаги таҳлиллар асосида қўйидаги хулоса ва таклифларни киритиш мумкин:

1. “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунда (3-модда 3 абзац) оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин дейилган. Қонун юридик шахс мақомидаги “Оилавий корхона”ни ташкил этиш ва фаолиятини юритишини тартибга солишининг ҳуқуқий нормлари ҳамда шартларини қамраб олган.

Шу билан бир вақтда оилавий тадбиркорликни узвий қисми ҳисобланган якка тадбиркорлик ҳамда касаначилик (уй меҳнати) фаолиятини ташкил этиш, уни юритиш ва шу каби бошқа муҳим муносабатлар шартлари қонунда ҳуқуқий нормалар сифатида ўз аксини топмаган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам қўрсатиш зарурлигини инобатга олиб ҳамда оилавий тадбиркорликни истиқболда салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлишини таъминлаш учун ҳаракатдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга алоҳида қисм сифатида “Якка тадбиркорлик” ҳамда “Касаначилик (уй меҳнати)” бўлимларини киритиш таклиф этилади. Бу оилавий тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги бошқа қонунчилик хужжатларида белгилаб қўйилган институционал – ҳуқуқий нормаларини ҳам ягона қонунга бирлаштириш имконини беради.

2. Қонунда оилавий корхонанинг юқори бошқарув органи иштирокчиларнинг умумий мажлиси ҳисобланади ва иштирокчилар оилавий корхонани бошқаришда, қарорлар қабул қилишда иштирок этиши

белгиланган. Шу билан бир вақтда оилавий корхона бошлиғи оилавий корхонани шахсан бошқаришини ва унинг кундалик фаолиятини ташкил этиши шарт эканлиги унинг хуқуқлари қаторига киритилган.

Ушбу хуқуқий нормалар бир – бирини тўлдириб борсада, оилавий корхонада бошқариш жамоавий қарор қабул қилишга қаратилган. Шуларни инобатга олганда ҳамда оилада якка тадбиркорлик фаолияти мавжуд бўлишини кўзда тутиб “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуннинг З-моддасига “Оилавий корхона унинг иштирокчилари (оила аъзолари) томонидан бошқарилади ва унда оила бошлиғи ҳал қилувчи овозга эга бўлади” деган тартибга солувчи норма киритиш тавсия қилинади.

3. Оилавий тадбиркорликни юритишнинг хорижий тажрибалари кўрсатадики, оилавий бизнес (тадбиркорлик) ўз ривожланиш даврида (масалан, Германия, Франция, Англияда 100-200 йиллик тарихга эга бўлган кўплаб оилавий меҳмонхоналар, кафе, ресторанлар ва бошқа оилавий корхоналар мавжуд) оиладан оила фарзандига мерос сифатида ўтиб келган. Бизнесни мерос қилиб топшириш бир оила (урӯғ) доирасида бизнесни бир авлоддан бошқасига ўтказиш асосида мерос бўлиб ўтишлик сиёсати орқали амалга оширилаган. Бу оила бизнесини барқарор ривожини, йириклишеб, кўлами кенгайиб боришини таъминлаган.

Ўзбекистон Республикаси “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунда эса мерос қилиб қолдириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий нормаси изоҳлаб берилмаган. Юқоридагиларга асосланиб қонунга “Оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган якка тадбиркор, ҳунарманд ёки оилавий корхона иштирокчиси ишга яроқсизлиги, нафақага чиқиши ёки вафот этган тақдирда, ушбу шахсларга тегишли мол-мулк қонунда белгиланган тартибда мерос бўлиб қолади ва тақсимланади” деган алоҳида модда киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу оилавий тадбиркорлик субъектини оила фарзандларига ўтишини, оилавий корхонани узоқ йиллар давомида фаолият юритишга бўлган шахсий ишончни мустаҳкамлайди.

4. Халқаро амалиётга кўра аксарият оилавий корхоналар йирик акциядорлик корхоналари ҳисобланади. Бундай корхоналар кичик ва ўрта бизнес корхоналари кенгайиши ва ривожланиши натижаларида юзага келган. Ва улар акцияларининг 25-50 фоиздан кўпи оилага тегишлидир. Шуларни ҳисобга олганда Ўзбекистонда ҳам истиқболда оилавий корхоналарни йирик корхоналарга айлантириш мумкинлиги тўғрисида қонунга “Оилавий корхона ривожланиш босқичларида оилавий тадбиркор мақомини, номини сақлаган ҳолда тадбиркорлик субъектининг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан бири (хусусий корхона, МЧЖ, ҚМЖ, АЖ ва б.) сифатида қайта ташкил этилиши мумкин. Бу ҳолда оилавий корхона оилавий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчиликда белгиланган имтиёзлари сақланиб қолинади” деган ҳуқуқий норма киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундай шартни қонунга киритилиши оилавий корхона мулкдорига корхонани янги мақом билан ривожланишига хорижий ёки ички инвесторларни жалб этишга йўл очиб беради.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги қарори билан ҳудудларда ташкил этилган ишчи гуруҳлар раҳбарларига ва улар аъзоларига катта ҳажмдаги масъулиятли ва бажарилиш қўп вақт талаб қиласиган вазифалар юқлатилган. Шу билан бирга вазифаларнинг аксарият қисми кенг статистик таҳлил ва таққослаш орқали баҳолаш ишларини талаб этади.

Шуларни инобатга олиб ишчи гуруҳларга, шунингдек, ҳар бир оилага қўмак берувчи ҳудудий тадқиқот марказлари ёки олий ўқув юртлари қошида илмий лабораториялар ташкил этиш таклиф этилади.

Хорижий мамлакатларда бундай илмий тузилмалар оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва юритиш соҳасида тадқиқотлар олиб бориб, ушбу йўналишда тажриба алмашиш, улар манфаатини ҳимоя қилиш, мавжуд муаммолар юзасидан мунозаралар олиб боради. Бундай ижодий ташкилотлар ҳудудларда оилавий тадбиркорликни янада ривож топтиришга муҳим ҳисса қўшади.

3.2. Якка тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва уни қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик ўзининг ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва тъсири билан давлат ва жамият ривожида алоҳида ўрин эгаллайди. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар самарасини республикамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёз ва преференсиялар мисолида ҳам кўриш мумкин [4, 5, 7, 8, 9, 10].

Аввал таъкидлаганимиздек, оилавий тадбиркорлик шаклларидан бири якка тадбиркорлик ҳисобланади. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳозир мамлакатимизда фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари орасида юридик шахс ташкил этмасдан – якка тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтаётганлар қўпчиликни ташкил қилмоқда.

Хусусан, 2018 йилнинг 1 март ҳолатига якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар сони 199 974 тани ташкил этди ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34 830 тага қўпайганлиги юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

Якка тадбиркорликни ташкил этишнинг бир қанча қулайлик томонлари мавжуд. Биринчидан, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши учун рухсат олиш хўжалик ширкатларига нисбатан соддалаштирилган, яъни якка тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганидан кейин, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритиши мумкин. Бунда якка тадбиркор банқда ҳисоб рақами очиши ва ўз ҳамкорлари билан нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириши мумкин. Иккинчидан, солиқقا тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилади. Бундан ташқари тўла мустақил ҳаракатларига эркинлик ва тезкорлик барча фойда фақат мулкнинг ёлғиз эгасига келиб тушади ва кўпроқ ишлашга рафбатлантиради.

Оилавий тадбиркорликнинг якка тадбиркорлик шакли билан шуғуланаётган тадбиркорлар фаолияти бир қанча афзаликларга эга:

- тадбиркор ўз фаолиятини фақат ўз қарорига кўра, шартномасиз бошлаши мумкин;
- фаолияти давомида мустакил қарор қабул қиласи, у фақат ўз қарорига жавоб беради ва шунга кўра иш юритади;
- ўзидан юқори лавозим эгаларига ҳисбот топширмайди;
- ўз фаолиятини ҳоҳишига кўра истаган жойида амалга оширади.

Шунингдек, ушбу фаолият иш давомида юзага келадиган камчиликлардан ҳам холи эмас:

- беҳисоб шахсий мастьулиятни ўз зиммасига олади;
- иши барбод бўлса, мол-мулкини бутунлай йўқотиши мумкин;
- шерикчиликнинг қўшимча маблағига суюна олмайди;
- акция ёки бошқа қимматли қоғозлар чиқариб сотиш каби молиявий усууллардан фойдалана олмайди;
- унинг фаолияти фақат ўзига боғлиқ бўлиб меҳнатга қобилияйтсиз бўлиб қолса, ишлари сусайиб, чекланиб қолади, вафот этса умуман тўхтайди.

Бироқ юқорида кўрсатилган камчиликларга қарамай якка тадбиркорлик тобора ривожланиб, унинг фаолият кўрсатиш соҳаси кенгаймоқда. Натижада мамлакат иқтисодиётида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда. Бу бир томондан ахолида тадбиркорликнинг ушбу шакли товарлари ва хизматларига бўлган талабнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлса (чунки тадбиркорликнинг бошқа турлари уларни ишлаб чиқармайди), иккинчи томондан, якка ишлаб чиқариш давлат томонидан кенг қўллаб-куватланади ва рағбатлантирилади.

Тадбиркорларнинг давлатга бўлган ишончини ошириш - мамлакатнинг барқарор ривожланиш омили бўлиб хизмат қиласи. Бу эса тадбиркорлик фаолияти эркинлигини, унинг маблағлари хавфсизлигини кафолатлаш билан амалга оширилади. Тадбиркорлик муҳитига баҳо беришда иқтисодий омиллардан олдин мавжуд ҳуқуқий меъёрларга эътибор қаратилади, сабаби

давлатда ўрнатилган қонунчилик тадбиркорлик фойдасига бўлса, иқтисодий омиллар ишга тушиб самара беради.

Давлатнинг тадбиркорлик тараққиётига бевосита таъсир кўрсатиши давлат томонидан шу соҳага тааллуқли қонунлар яратилиши билан амалга оширилади. Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2-майдаги 328-сонли “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири мамлакатимизда якка тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, юритиш, ривожлантириш ва рағбатлантириш каби чора-тадбирларни ўзида мужассам этган. Қонуннинг асосий вазифаси фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва ундан манфаатдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат⁶⁵.

Қонуннинг 3-моддасида тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир, деб белгиланган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир⁶⁶.

⁶⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2-майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 328-сонли Қонуни (янги таҳрир)

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2-майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 328-сонли Қонуни (янги таҳрир), 4-модда

Мазкур қонун хужжатида кичик тадбиркорлик субъектларининг бир тури сифатида якка тартибдаги тадбиркорлик берилган. Қонун хужжатининг 6-моддасида, якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишdir⁶⁷.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли. Ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан беш нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир⁶⁸.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ҳуқуқ ва мажбуриятларни олади ҳамда амалга оширади. Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимлар тузатганида, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳаракат қилаётганлигини, агар бу битимларни тузиш вазиятининг ўзидан аниқ англашилмаса, кўрсатиши керак. Бундай эслатманинг мавжуд эмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари бўйича зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганда шахсий иш хужжатлари бланкаларидан, муҳр, штамплардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлиги ҳақида далолат бериши лозим.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2-майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ти 328-сонли Қонуни (янги таҳрир), 6-модда

⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2-майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ти 328-сонли Қонуни (янги таҳрир), 6-модда

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргалиқдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунда, никоҳ шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

Жисмоний шахслар якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтганидан кейинги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлиши мумкин⁶⁹.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, ўз ҳуқуqlари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлари бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти субъектларини давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун хужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари фойдасига талқин этилади.

Давлатнинг негизи оила ҳисобланади. Оиланинг тотувлиги, фаровонлиги ва унда яшовчи аҳолининг яхши турмуш шароити кечириши кўп жиҳатдан моддий омилларга бориб тақалади. Шуларни ҳисобга олиб ҳар бир оила турмуш шароитини яхшилаши ва даромадларини кўпайтириши мақсадида қабул қилинган муҳим қонун хужжатларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ти Қароридир. Бунга

⁶⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2-майдаги 328-сонли “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ти Қонуни (янги таҳрир)


асосан яратилган “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш тартибини белгилайди. Дастур доирасида Низом қабул қилинган бўлиб, унда микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорда – оиласий тадбиркорликни ривожлантириш учун, энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда – қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар тартиби қайд этилган.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича барча мамлакатларда якка тадбиркорлик давлат кўмаги орқали ривожланади. Бундан мақсад кичик бизнес секторининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, давлат қуидаги вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлаши лозим: биринчидан, кичик тадбиркорликнинг фаолият кўрсатиши учун зарур институционал-ҳуқуқий базани яратиш; иккинчидан, кичик тадбиркорлик иштирокчиларининг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш; учинчидан, соғлом рақобат муҳитини яратиш; тўртинчидан, моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурслардан фойдаланиш учун teng шароитларни таъминлаш, яъни қўллаб-қувватлаши лозим.

Давлат томонидан турли тоифадаги, шу жумладан якка тадбиркорни қўллаб – қувватлаш деганда, бир томондан, давлат тузилмалари томонидан кичик тадбиркорликнинг рақобатбардошлигини ривожлантиришини рағбатлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш тушунилса, бошқа томондан, унга моддий ва молиявий ресурслар киритиш кўзда тутилади. Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш оқилона дотациялар, солиқ солиш, кредитлаш, суғурталаш ва инвестициялашдаги имтиёзли тартиблар ва ҳоказолар шаклида намоён бўлади. Шунингдек, кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш турли йўналишдаги инфратузилма ташкилотлари билан амалга оширилади (3.3-расм).

Якка тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи инфратузилмалар





3.3-расм. Якка тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи инфратузилма ташкилотлари

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Республикамизда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва маслаҳат-хуқуқий хизматлар кўрсатиш бўйича етакчи ташкилот бу – Ўзбекистон Савдо-саноат палатасидир. Савдо-саноат палатаси – нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, мулк шакли, ходимлар миқдори, капитал ҳажми ва фаолият йўналишидан қатъий назар тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрий асосда бирлаштиради. Палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 7 июлдаги фармойишига мувофиқ ташкил топган. Палатанинг мақсади:

- тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш;
- ишчанликни камайтириш;
- палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;
- тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга кўйишига кўмаклашишдан иборат.

Палата таркибий бўлинмалари ва унинг худудлардаги пулли ва пулсиз хизматларини ҳозирда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига, айниқса янгидан ўз фаолиятини бошлаётган тадбиркорларга тақдим этиб, уларни Палата сафига қабул қилиш устида иш олиб борилди. Ҳозирда Палата сафига жалб этилган жами тадбиркорлик субъектлари сони 14 969 тадан иборат бўлиб, шундан юридик шахслар 11 871 та, якка тартибдаги тадбиркорлар 3098 тани ташкил этди. Жорий ҳисобот даврида Палата аъзолигига 14 та худудий бошқармалар томонидан жалб этилган жами тадбиркорлик субъектлари сони 1 048 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 159% га ўсиш таъминланди⁷⁰.

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирги кунда мамлакатимизда давлатнинг якка тадбиркорликни қўллаб–қувватлаши асосан қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- мамлакатимизда кичик тадбиркорликнинг ривожланиши учун лозим бўлган хуқуқий – меъёрий асос яратилди ва уни қўллаб – қувватлашнинг Дастури ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда;
- якка тадбиркорликнинг ривожланишига ёрдам берувчи бозор инфратузилмаси, шу жумладан, ахборот таъминоти манбаларига асос солинди;
- имтиёзли солиқ, субсидиялар, давлат ва бюджетдан ташқари фонdlардан бериладиган имтиёзли кредитлар, божхона бадаллари, халқаро молия институтлари кредитларини жалб этиш якка тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиради;
- хуқуқий ва жисмоний шахсларга хорижий ва миллий валютада микрокредит бериш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда.

Ўзбекистонда тадбиркорликни, хусусан якка тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан вазифалар йиллар давомида босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бугунга қадар юқорида таъкидлаб ўтганимиздек,

⁷⁰ www.chamber.uz

юртимиизда тадбиркорлик соҳасида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Янги қабул қилинган қонунчилик хужжатлари натижаси ўлароқ, тадбиркорлик фаолияти ташкил этилиши, юритилиши хужжатлар алмашинуви соддалаштирилди, молиявий имтиёзлар ва моддий-маънавий қўллаб-куватлаш тизими яратилди. Натижада тадбиркорликнинг макроиктисодий ривожланиш кўрсаткичлардаги ҳиссаси ошди, аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг асосий дастаги, иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Шундай шароитда тадбиркорлик, жумладан якка тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир қўрсатиб, тўсқинлик қилаётган ҳолатлар ҳам мавжуд. Булар:

- бошланғич капиталнинг етишмаслиги;
- пухта ишланган бизнес ғоя йўқлиги ва тартиб-қоидаларни яхши билмаслик;
- кредит олиш, ундан фойдаланиш ва қайтаришдаги камчилик ва қийинчиликлар;
- хомашё ва материалларга эга бўлишдаги камчиликлар;
- истеъмолчилар тўлов қобилиятининг пастлиги, шу сабабли ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб харажатларни қоплаш имкониятининг пастлиги ҳамда заҳира тўпланиш хавфи;
- якка тадбиркорлиқда шерикчиликнинг йўқлиги фаолиятнинг катта хатарлилигига сабаб бўлади.

Шуларни инобатга олиб, якка тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш ва уни ривожлантириш учун кенг миқёсда куйидаги йўналишларда иш олиб бориш лозим:

- якка тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини янада соддалаштириш ва фаолиятлари учун янада кўпроқ эркинликлар бериш;
- оила негизида оила аъзоларининг иш ва малака қобилиятидан келиб чиқиб якка тадбиркорликнинг янги фаолият турларини кўпайтириш ва бу

борада маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда кўрсатмалар ишлаб чиқиши;

- аҳолининг ижтимоий қатлами даромадини ошириш;
- тегишли ташкилотлар, хусусан маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолига тадбиркорликнинг хуқуқий асослари ва тадбиркорлик йўналишидаги билим ва савияларни ошириш ишларини олиб бориш;
- якка тадбиркорларга кўрсатиладиган хизматларни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва кредит олишда имтиёзлар яратиш;
- якка тадбиркорлар билан йирик ташкилотлар ўртасида кооперация алоқаларини шакллантиришга кўмаклашиш;
- якка тадбиркорларни ҳам ўзаро бир уюшмага бирлаштириш орқали, уларни фикр алмашиши, керакли маслаҳат ва йўналишларда ўзларига зарурий маслаҳатлар билан таъминланиши, соғлом ўзаро рақобатни вужудга келтириш, фаолиятда янги техника ва технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқарган маҳсулот/хизматларини таклиф этиш ва харидор топишга шартшароитларни яратиш;
- тадбиркорлик фаолиятининг молиявий ва тижорат таваккалчилигининг таъсирини камайтириш орқали якка тадбиркорликнинг нафақат ички, балки ташқи рақобат шароитида барқарор фаолият юритишини таъминлаш.

Ушбу вазифаларни босқичма-босқич ҳал этиш якка тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган салоҳияти иқтисодий ривожланишидаги, аҳолини иш билан бандлиги ва даромадларининг ўсишидаги ролини янада оширишга ҳамда мамлакат ЯИМ, экспорт ҳамда тармоқлар ва соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсатқичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қиласи.

3.3. Ўзбекистонда хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ва салоҳиятини ошириш йўллари

Ўзбекистон азалдан ўз ишининг моҳир усталари – ҳунармандлари билан довруғ қозониб келган. Қадимда Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳар ва худудида истеъдодли устозлар шогирд ҳунармандларни тарбиялаган. Улар ўз яратган маҳсулотлари билан нафақат ўзи яшаётган худудларида, балким қўшни мамлакатлардаги аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондирганлар. Ҳунармандлар кулолчилик, мисгарлик, темирчилик, бинокорлик, ганчкорлик, зардўзлик, газлама маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сангтарошлиқ, наққошлиқ ва миниатюра санъати, этикдўзлик, ёғоч ўймакорлиги ва ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқариш, заргарлик ва бошқа кўплаб турларида фаолият юритганлар.

Ҳозирги кунда ҳам Марғилон атласи, Шахрихон пичоқлари, Бухоро зардўзи маҳсулотлари, Самарқанд гиламлари ўтмиш аждодлардан мерос қолган, ҳунармандчиликнинг энг юқори даражада ривожланган монография кўринишидаги мактабларининг ижод намуналаридан дарак бериб сақланиб қолган номларидир.

Бугунги кунга келиб ҳунармандчиликнинг айрим турларига замонанинг, фан-техника инқилобининг таъсири кузатилмоқда. Бироқ бу фақат ижобий ҳолат бўлиб, бунда маҳсулот яратишдаги вақт ва қўл меҳнатининг қисман тежалиши кузатилиб, натижада яратилган маҳсулот сифат андозаларига мос келмоқда.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида тарихий анъаналаримизни ўзида мужассам этган ҳунармандчилик фаолиятини қайта тиклаш, унинг унуптилиб борилаётган турларини ривожлантириш, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан бир қатор амалий ишлар бажариб келинмоқда.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлиги ва даромадларининг муҳим манбаи сифатида эътироф этилиб, оиласвий тадбиркорликнинг энг муҳим йўналиши сифатида ҳунармандчиликка ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда ҳунармандчиликни устувор ривожлантиришни ташкилий-хуқукий базаси ҳамда қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими яратилмоқда. Шунингдек, ҳунармандчиликнинг ижтимоий-тарихий жиҳатларини инобатга олиб, уни оила негизида оиласвий

тадбиркорлик фаолияти сифатида ривожланишига устувор аҳамият берилмоқда.

Хунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб, жамият ривожланиши давомида дәхқончилик ва чорвачилиқдан ажралиб чиқди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, хунармандчилик турли ижтимоий-тарихий даврлар доирасида техника ривожи билан алоқадор ҳолда такомиллашиб борган.

Тадқиқотчи Р.Абдуллаева [22], хунармандчилик – бу аҳолининг талабларидан келиб чиқиб, аҳоли ёки хўжалик субъектларининг уй-рўзғор, эстетик ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида якка буюртма асосида оз микдорда товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга йўналтирилган кичик тадбиркорликнинг бир кўринишидир, деб таъкидлаган. Шу билан бирга эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида хунармандчилик ривожида янги давр бошланди. Халқ хунармандчилиги, бозор қоидалари асосида қайтадан тикланмоқда. Ўзбекистонда маҳаллий саноат корхоналарининг биринчилар қатори хусусийлаштирилиши натижасида майда давлат корхоналари хунармандларнинг хусусий корхоналарига айлантирилди, янги хунармандчилик корхоналари очилди. Хунармандчилик фақат ички бозорга эмас, балки экспортга ҳам ишлай бошлади. Хунармандчиликнинг ташкилий шакли ҳам ўзгарди: кичик оиласи корхона, якка тартибдаги меҳнат фаолияти шаклида ривожлана борди. 1995 йил 24-25-октябрда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари ва хунармандлари 1-Республика ярмаркаси ўтказилди. 1997-йилда республика халқ амалий санъати ва хунармандлари усталарининг “Усто” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил топди.⁷¹

Республика Президентининг 1997 йил 31 марта “Халқ бадиий хунмармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли

⁷¹ [http://uz.m.wikipedia.org>wiki>Hunarmand](http://uz.m.wikipedia.org/wiki/Hunarmand)

билин қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони ва бошқа тадбирлар Ўзбекистонда хунармандчиликнинг тикланиши ва янада ривожланишида унинг унутилган баъзи турларини қайта тиклашда муҳим аҳамият касб этди.

Хунармандлар дастлаб Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, сўнгра Савдо-саноат палатаси таркибига киритилди. Кейин улар маҳсус ташкилот – “Хунарманд” Республика уюшмасига бирлаштирилди. Шу йиллари мамлакатимизда хунармандчиликни тиклаш, тарғиб қилиш, рағбатлантириш ва кенгайтириш кенг моддий-маънавий ислоҳотлар олиб борилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, сўнгги йилларда хунармандчилик фаолиятини янада ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган институционал-хуқуқий базаси ҳам такомиллаштирилиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 ноябрь 2017 йилдаги ПФ-5242-сонли “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони бунга асос бўла олади. Фармонга мувофиқ хунармандчиликни ривожлантиришдан асосий мақсад: Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий хунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оиласалар бандлигини таъминлаш ҳисобланади.⁷²

Ушбу мақсадни ҳисобга олиб, қуйидагилар Ўзбекистонда миллий хунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

биринчидан, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ва оиласалар, айниқса янгидан ўз фаолиятини бошлаган

⁷² www.lex.uz – Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси

хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, "Уста-шогирд" мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш;

иккинчидан, хунармандчилик субъектларига давлат рўйхатидан ўтишда қўмаклашиш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

учинчидан, ҳалқ хунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш, хунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, истеъмолчиларга ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бозор инфратузилмасини шакллантириш;

тўртингидан, хунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини тақдимот қилишга қўмаклашиш.

Шуни таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистонда ҳунармандлар учун имтиёз ва қулайликларни кенгайтириш, шунингдек, уларнинг манзиллиги ва самарадорлигини қучайтириш кўзда тутилган. Хусусан, 2017 йилнинг 1 декабридан ҳунармандчилик субъектлари – "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлган ҳунармандлар қатъий белгиланган солиқ ва сугурта бадаллари бўйича қуидаги имтиёзларга эга бўлди:

хунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқ тўловидан тўлиқ озод этилди;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадали тўловидан озод этилди;

қишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган ҳунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадалининг 50 фоизини тўлашади (ставка – ЭКИХ (энг кам иш ҳақи)нинг камида 1 баравари).

Ҳунармандчиликнинг юқори талабга эга ва келажакда ривожланиш истиқболи бор турларини тўлиқ қамраб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан ҳунармандчилик фаолияти асосий йўналишларининг янгиланган рўйхати тасдиқланган⁷³. Бунга қўра, ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган буюм ва товарлар (иш, хизматлар) турларининг янгиланган рўйхати тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳунармандчиликни 2018-2019 йилларда ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш йиғма дастури, ҳамда шу йилларда Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг манзилли ҳамда ҳунармандчилик обьектларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлари дастури тасдиқланди (3.1-жадвал). Дастурга қўра, 2018-2019 йилларда ЎзРда ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 105449,2 млн. сўм қийматга эга жами 3015 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур дастурга биноан республика миқиёсида 8018 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

3.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 2018-2019 йилларда
ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига амалга ошириладиган
лоиҳаларнинг йиғма дастури**

млн.сўм

Худудлар номи	Лойиҳа сони	Лойиҳа қиймати	Йиллик ишлаб чиқариш куввати	Молиялаштириш манбаи		Ташкил этиладиган иш ўринлари сони, киши
				ўз маблағи	тижорат банклари кредитлари	

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сон Фармонига 1-илова

Қорақалпоғистон Республикаси	173	5 979,0	8 380,2	1 477,0	4 502,0	348
Андижон вилояти	314	12 419,5	77 952,7	3 044,5	9 375,0	1 155
Бухоро вилояти	292	6 797,2	19 586,5	841,2	5 956,0	532
Жиззах вилояти	143	3 849,5	4 947,4	688,0	3 161,5	344
Қашқадарё вилояти	203	6 741,5	12 060,2	1 315,0	5 426,5	550
Навоий вилояти	132	5 177,0	10 112,2	1 029,0	4 148,0	316
Наманган вилояти	247	5 363,5	47 231,0	2 260,5	3 103,0	611
Самарқанд вилояти	279	11 269,5	20 317,2	3 520,0	7 749,5	958
Сурхондарё вилояти	155	5 165,0	7 832,0	1 461,0	3 704,0	481
Сирдарё вилояти	121	2 907,0	9 600,9	924,0	1 983,0	264
Тошкент вилояти	224	7 028,2	21 635,6	1 506,2	5 522,0	739
Фарғона вилояти	304	12 423,5	55 444,8	4 622,5	7 801,0	603
Хоразм вилояти	185	10 984,4	18 786,7	4 663,0	6 321,4	450
Тошкент шаҳри	243	9 344,4	30 837,0	3 081,4	6 263,0	667
Республика бўйича жами	3 015	105 449,2	344 724,3	30 433,3	75 015,9	8 018

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сон Фармонига 2-илова.

Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан аҳоли бандлигига кўмаклашишнинг 2019 йил учун асосий йўналишларидан бири сифатида, ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 37,3 минг иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.

3.2-жадвалда "Хунарманд" уюшмаси аъзоларига имтиёзли микрокредитлар бериш, шунингдек хунармандчиликни ривожлантириш марказлари қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 5 йил муддатга мўлжалланган жами 50 млн. АҚШ доллари миқдорида, жумладан "Микрокредитбанк" АТБ, "Халқ банк" АТБ ва "Агробанк" АТБ учун 2 йил имтиёзли давр билан 2,5 фоизли йиллик ставка бўйича кредит линияси очиш тўғрисидаги таклифи белгиланган.

3.2-жадвал

Хунармандчилик фаолияти субъектларига келгусида имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан республика тижорат банкларини молиялаштириш чизмаси

Боскич	Субъектлар	Чора-тадбирлар
1-боскич	Тижорат банклари	Жами 50 млн. АҚШ долл. миқдорда кредит линияларини очиш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (ҮРРЖ) ижро этувчи дирекциясига киритиш.
2-боскич	ҮРРЖ	Тижорат банкларига кредит линияларини очиш масаласини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси белгиланган тартибда Бошқарув кенгашига кўриб чиқиш учун киритиш.
3-боскич	ЎРРЖ, тижорат банклари	Ўзбекистон Республикаси Бошқарув кенгаши томонидан қарор қабул қилингач, тижорат банкларига кредит линияларини очиш тўғрисида битимлар тузиш.
4-боскич	ЎРРЖ	Тижорат банкларига ўз буюртмалари асосида жами 50 млн. АҚШ долл. миқдорда кредит маблағларни ажратиш
5-боскич	Тижорат банклари	ЎРРЖ қарз маблағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки орқали конвертация қилиш.
6-боскич	Тижорат банклари	Хунармандчилик фаолияти субъектларига ўз буюртмалари асосида имтиёзли кредитлар ажратиш.
7-боскич	Тижорат банклари	Тижорат банклари томонидан конвертация қилинган маблағларнинг қолган қисмини Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкда талаб этиб олинадиган мақсадли депозитга миллий валютада жойлаштириш ва кейинчалик хунармандчилик субъектларига имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун депозитдан келгусида талаб этилган маблағлар қисмини чақиритиб олиш имкониятини яратиш.

Манба: ЎзР Президентининг 2017 йил 17-ноябрдаги ПФ-5242-сон Фармонига илова

Шу билан бирга, банд бўлмаган аҳолига, айниқса ёшларга "Усташогирд" усулида такомиллаштирилган ўқув дастурлари бўйича хунармандчилик сир-асрорларини ўқитиш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 2018-2019 йилларда 1 млрд. сўм миқдорида маблағлар ажратишни таъминланиши белгиланган.

Ўзбекистоннинг 2018-2019 йилларда 23 та шаҳар ва туманларида Хунармандчиликни ривожлантириш марказларини яратиш назарда тутилган Ушбу марказлар тарихий-анъанавий архитектура услубида қурилиб, улар худудида туристларни кенг жалб қилиш учун "тарихий шарқ бозори" услубидаги савдо расталари, халқ ижоди усталари томоша кўрсатадиган махсус жойлар, карвонсаройлар ва бошқа объектлар жойлаштирилади. Мухими, бу марказларда хунармандлар, асрлар давомида уларнинг аждодлари каби бир жойда яшаб меҳнат қиласи, яъни қурилаётган биноларнинг биринчи

қаватида уларнинг устахона ва савдо дўконлари жойлашади, иккинчи қаватда улар учун замонавий тураг жойлар ташкил этилади. Бунда ҳунармандчилик марказларини ушбу қулайликларнинг барча қисмларини, ҳам тарихий, ҳам замонавий унсурларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳар бир нутқларида республикамизнинг сайёхлик жозибадорлигини ошириш, хорижий мамлакатлардан туристларни жалб қилиш ва инвестициялар оқимини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Жумладан, туристик-сайёхлик соҳасини ривожлантириш орқали жаҳонга танилиш, барқарор иқтисодий ўсиш ва ахоли даромадлари ўсишига эришиш, мамлакатда тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожланишига эришиш мумкин. Бунда ҳунармандчилик марказларини юқорида келтирилган қулайликнинг барча қисмларини, ҳам тарихий ҳам замонавий унсурларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Республикамиздаги ҳунармандларни бир жойга жамлаш, ҳуқуқий ва маънавий қўллаб-куватлаш мақсадида “Ҳунарманд” уюшмаси ташкил этилгани барчамизга аён. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5242-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3393-сонли “Ҳунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган. Қарорга мувофиқ “Ҳунарманд” уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишлари ва вазифалари белгиланди, уюшманинг янгилangan ташкилий тузилмаси, ижро аппарати тузилмаси, шунингдек, уюшманинг худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди⁷⁴.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3393-сонли “Ҳунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмасининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хунармандчиликнинг талаб юқори бўлган турлари бўйича касб-хунар таълими йўналишларини очиш, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилаётган касб-хунар коллежларида ўқитувчи ва касбий таълим устаси сифатида "Хунарманд" уюшмасига аъзо хунармандларни кенг жалб қилиш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилиши белгиланди⁷⁵.

Қарор билан хунармандчилик касбларини аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида оммалаштириш, хунармандчилик маҳсулотларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва медиа-ресурсларини кенг қўллаган ҳолда ички ва ташқи бозорларда кенг танитишга қаратилган чоралар ҳам қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 ноябрь 2017 йилдаги ПФ-5242-сонли Фармонида хунармандчиликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида тегишли ташкилотларга хунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда миллий хунармандчилик маҳсулотларини тақдимот қилишга қўмаклашиш каби вазифалар юклатилган эди. Фармон ва Қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Давлат Божхона қўмитасининг 2018 йил 2 майдаги 3004-сонли “Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун хунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқилишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ишлаб чиқилди.

Низомда белгиланишича хунарманд хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17-ноябрдаги ПФ-5242-сон Фармонига 7-илова.

мўлжалланган қиймати 5 000 (беш минг) АҚШ долларигача бўлган ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт контракти тузмасдан ҳамда божхона юк декларациясини расмийлаштирмасдан олиб чиқиши мумкин. “Хунарманд” уюшмаси ҳунармандга улар томонидан ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотларини хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш учун олиб чиқиши ва мазкур тадбирларда қатнашишида ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, шунингдек, зарурий хужжатларни расмийлаштиришда ҳамда вужудга келадиган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда “Хунарманд” уюшмасининг хорижий мамлакатлардаги ҳунармандчилик йўналишида фаолият олиб борувчи ташкилотлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, ҳунармандчилик субъектларининг хорижга амалий ташрифларини ташкил этиш, республика ва хорижда ҳунармандчилик билан боғлиқ анжуман, савдо-кўргазма ва ярмаркаларни ўтказишда кўмаклашади. Шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қонун хужжатларига мувофиқ ҳунармандга хорижга чиқиш ва кириш масаласида ўз ваколати доирасида амалий ёрдам кўрсатилиши таъминланади⁷⁶.

2018-2019 йилларда ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича кўргазмалар, фестиваллар ва халқаро конференциялар ўтказиши 24 та шундаги 23 таси юртимиз Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйлаб, 1 таси эса халқаро кўргазма ҳисобланади. Ўзбекистон ҳунармандлари иштирокида халқаро амалий санъат кўргазмаларини АҚШ, Франция, Швеция, Германия, Венгрия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Малайзия, Россия, Қозоғистон, Украина, Озарбайжон, Қирғизистон,

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Давлат Божхона қўмитасининг 2018 йил 2 майдаги 3004-сонли “Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун ҳунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқилишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ти Қарори

Тожикистон, Туркманистон ва бошқа давлатларда (махсус режага мувофиқ) ташкил этиш режалаштирилган. Кўргазмаларга масъул ижрочилар, булар - Маданият вазирлиги, "Хунарманд" уюшмаси, Ўзбекистон бадиий академияси ҳисобланади.

Шаҳар шароитида хунармандчилик нисбатан кенг тарқалган, дея олмаймиз. 2018-йил ҳисобот доирасида ўтказилган сўровнома Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман "Хувайдо" МФЙда ўтказилиб, унда жами 82 та оила 506 та аҳоли қатнашди. Сўровнома натижаларининг асосий мақсади, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига оид қарашлари муҳокамаси эди. Маълум бўлдики, 82 та оиласдан 5 тасида тикувчилик, 2 та ёғочни қайта ишлаш, 1 тадан косибчилик, ўймакорлик ва сандиқсозлик каби хунармандчиликнинг етакчи фаолият турлари билан шуғулланувчилар бор экан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қўйидагича хulosса қилиш мумкин:

1. Ўзбекистонда хунармандчилик билан шуғулланувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича аввалги йилларда амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан, хунармандчилик хусусий тадбиркорлик ривожланишининг кучли, мустақил ва оммавий йўналишига айлана олмади.

2. Хунармандларга молиявий ва хомашё ресурслари ажратиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш, шу жумладан экспорт қилиш учун шароит яратишга ёрдам бериш ишлари самарадорлиги етарли даражада эмаслиги қонунчилик ҳужжатларини тубдан такомиллаштириш ва кенг оммага етказиш заруриятини келтириб чиқарган.

3. Ўзбекистон хунармандларини ягона бир мақсадга йўналтириш, ҳуқуқий ва маънавий қўллаб-қувватлаш орқали барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли даромадларини оширишга эришиш, мамлакатда тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожланишига эришиш мумкин.

4. Хунармандчилик касбларини аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида оммалаштириш, хунармандчилик маҳсулотларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва медиа-ресурсларини кенг қўллаган

холда ички ва ташқи бозорларда кенг танитишга қаратилған чораларни амалга ошириш ушбу соҳага хорижий инвесторларни жалб этишни фаоллаштиради.

5. Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари янги ҳунармандчилик субъектларини ташкил этишни рағбатлантириш, улар фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш, ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати билан шуғулланувчи фуқаролар ва оиласларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш, айниқса, чекка туманларда оиласлар турмуш даражаси ва сифатини ошириш ишларини янада юқори даражага кўтаради.

4-боб. МАҲАЛЛА ҲУДУДИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Маҳалла ҳудудида оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш омиллари ва йўналишлари

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни, шунингдек, халқ ҳунармандчилигини қўллаб-қувватлаш, кўмаклашиш ва ривожлантиришда Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунининг (2013 йил) 17-моддасига мувофиқ Маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) ёки Қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) да тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи юридик шахс мақомига эга бўлмаган Маслаҳат марказлари ташкил этиш мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Маҳалла фуқаролар йиғини таркибида ташкил этилган Маслаҳат марказлари маҳалла ҳудудида тадбиркорлик, шунингдек, оила тадбиркорлиги ривожига ўз ҳиссасини қўшиб, маҳалла аҳолисини бандликка, оила тадбиркорлигини ташкил этишига, ўқитишга кредитлар олишига кўмаклашмоқда. Шу билан бирга маҳалла ҳудудида оила тадбиркорлигининг асосий салоҳиятини ташкил этувчи – аҳоли ва меҳнат ресурслари жойлашган. Шуларни ҳисобга олиб, биз лойиҳа тадқиқотимизда оила тадбиркорлигининг меҳнат ресурслари, уларнинг иш билан бандлик даражаси, оиланинг ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) қўшаётган ҳиссаси ҳамда оила тадбиркорлигига тўсиқ бўлаётган омилларни ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳар “Хувайдо” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида оилалар кесимида анкета сўровномалари ўтказдик. “Хувайдо” МФЙ ҳудудида ўтказилган сўровнома саволлари ушбу ҳисботга илова қилинган.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани “Хувайдо” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) 1962 йили ташкил этилган. МФЙ раиси Асадов Илхомхўжа Нишонович. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жами 423 та хонадон, 635 та оила, 3062 та аҳоли истиқомат қиласди. Истиқомат қилувчи аҳолининг 1580 тасини эркаклар, 1482 тасини аёллар ташкил этади. Шу жумладан, вояга етмаганлар ва ёшлар (30 ёшгача) 730 та, нафақаҳўрлар сони 425 та эканлиги аниқланди. “Хувайдо” МФЙда хусусий тадбиркорлик билан банд бўлган аҳоли сони 47 та, оилавий корхонаси мавжуд оилалар сони 4 та. 2016-2017 ўқув йилида колледж ва лицей битирувчилари 49 нафар.

Сўровнома ўтказиш учун анкета саволлари аввалдан хонадонларга тарқатилди. “Хувайдо” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги хонадонларда

Оила тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ўтказилган сўровномада жами 82 нафар оила қатнашди ва 506 та оила аъзоларининг тадбиркорлиги ҳақида маълумот тўпланди. “Хувайдо” МФЙдаги ҳар бир оила ўртача 6,5 кишидан иборат эканлиги аниқланди. Шунингдек, сўровнома натижаларида аҳолининг сони, иш жойи ва маълумоти қўрсаткичлари аниқланди, жамланди ва таҳлил этилди (4.1-жадвал).

4.1-жадвал маълумотларига кўра, 506 нафар аҳолидан 267 нафари ёки 52,7% меҳнатга лаёқатли ҳисобланади. Ишлайдиганлар сони 195 нафар. Бу қўрсаткич жамига нисбатан (506 нафарга) 38,5%ни, меҳнатга лаёқатли аҳолига нисбатан 73%ни ташкил этади. Бу қўрсаткичлардаги фарқлар эрта ёшдаги нафақаҳўрлар, уч ёшгача бола тарбиясидаги аёллар, вақтинча ишсизлар, уй бекалари ва бошқа тоифадаги оила аъзолари ҳисобига бўлиши мумкин. Шунингдек, жамига нисбатан 74 нафар (14,6%) мактабда ўқийдиган, 83 нафар (16,4%) нафақадаги, 22 нафар (4,3%) коллеж ва лицейда ўқийдиган, 13 нафар (2,6%) олий ўкув юртидан ўқийдиган ҳамда 43 нафар (8,5%) мактабгача таълим муассасасида тарбиялананаётган оила аъзолари ҳисобланди.

Ишлайдиган аҳолининг катта қисми (30% ёки 58 нафари) давлат ва нодавлат корхоналарида, хусусан “Акфа”, “Артел” корхоналарида фаолият юритади. 47 нафар аҳоли хусусий тадбиркорлик билан, 37 нафар аҳоли ўқитувчилик ва тиббий соҳада фаолият юритиши маълум бўлди. Тиббий соҳада фаолият юритувчилар гуруҳига шифокорлар, ҳамширалар ва

4.1-жадвал

Хувайдо МФЙнинг сўровнома ўтказилган оиласаларнинг таркибий қўрсаткичлари

№	Махалла кўчалари	Оила аъзолари сони	Мехнатга лаёвагтилар сони	Оила аъзолари таркиби (киши)							Ишлайдиганлар (киши)					Оила аъзолари маълумоти (киши)		
				Ишлайдиганлар сони	Мактабда ўқийди	Нафакада	Линейда ёки коллежда ўқийди	Олий ўкув юритида ўқийди	Мактабгача таълим муассасида	Уй хўжалигига	Бонка корхонада	Хусусий тадбиркор	Ўқитувчи ёки шифокор (хамшира)	Бонка касб этаси	Олий маълумотли	Линеӣ, коллеж маълумотли	Ўрга маълумотли	Тўлиқсиз ўрга маълумотли
1.	Хиромий кўчаси	152	81	58	15	24	6	3	15	8	21	12	11	16	46	40	16	
2.	Хиромий 1-тор кўчаси	39	19	15	3	5	3	1	5		2	6	6	5	10	10	2	
3.	Хиромий 2-тор кўчаси	47	18	13	10	10	2		6	2	2	4	4	3	11	10	5	2
4.	Хувайдо кўчаси	108	67	45	14	21	2	4	8	7	11	4	7	16	30	35	15	
5.	Хувайдо 2-тор кўчаси	19	6	5	4	4	1	1	2		2	2		2	8	2	3	
6.	Махтумқули кўчаси	63	33	27	10	10	5	3	3	5	3	10	3	4	13	25	13	
7.	Бедил кўчаси	40	27	23	5	4	2	2	2	1	9	5	6	3	11	13	5	
8.	Бошқа кўчалар	38	16	9	13	5	1		2	1	3	4		1	6	10	5	
	Жами	506	267	195	74	83	22	13	43	24	53	47	37	50	135	145	64	2

Манба: анкета сўровнома маълумотлари асосида тайёрланган.

фармацевтлар киритилди. Шу билан бирга 24 нафар аҳоли уй хўжалигида меҳнат қиласи. Булар асосан аёллар, қисман эркаклар бўлиб, буюртмага кўра озиқ-овқат, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш, касаначиликнинг тикувчилик, пойафзал тикиш, дўппи тикиш турлари билан шуғулланишади. Эркаклар боғбонлик хизматлари кўрсатишади. Қолган 50 нафар, яъни ишлайдиганларнинг нисбатан 25,6% аҳоли бошқа соҳаларда фаолият юритади (монтёрлик, хайдовчилик, ошпазлик, тарбиячилик ва ҳоказо).

Оилаларга уларнинг бугунги қунда жамиятнинг бир бўгини сифатидаги ўрнига баҳо беришда оила аъзоларининг таркиби, меҳнатта лаёқатлилик кўрсаткичи, фаолият йўналишлари билан бир қаторда уларнинг маълумотини аниқлаш ва таҳлил этиш ўта муҳим ҳисобланади.

Биз сўровнома ўтказган хонадонлардаги жами аҳолидан 346 нафари ёки 68,4% 18 ёшдан юқори, 31,6% 18 ёшгача таркибланиши аниқланди (4.1-жадвал). 346 нафар аҳолидан 135 нафари (39%) олий, 145 нафари (41,9%) ўрта маҳсус, 64 нафари (18,5%) ўрта, 2 нафари (0,6%) тугалланмаган ўрта маълумотга эга эканлиги аниқланди. Олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга аҳоли жами сўровнома ўтказилган аҳолига нисбатан 55,3%ни, 18 ёшдан юқори аҳолининг 80,9%ни ташкил этиши ижобий ҳолдир. Сабаби бундай хонадонларда ҳам маънавий, ҳам иқтисодий турмуш даражаси юқори бўлади. Бундай инсонлар фикрлаш доираси кенг, интилевчан ва албатта бугунгидек бозор иқтисодиёти шароитида мослашувчанлиги билан, тадбиркорликка бўлган юқори ҳоҳиш ва ташаббуси билан ажралиб туради.

Иzlанишларимиз натижасида маълум бўлди, ўрта ва тугалланмаган ўрта маълумотли аҳолининг 85 фоизга яқини нафақа ёшидаги инсонлардир. Аммо уларда ҳам бугунги қунда жамиятда юз бераётган ўзгаришларга ҳисса қўшиш, ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, оила фарзанди ва набиралари билан биргаликда тадбиркорликка қўл уруш иштиёқи баландлигини кузатиш мумкин. Булардан бирлари ёғоч ўймакорлиги, бирлари сандиқчилик, боғбонлик ёки қўйчилик борасида ўз ишининг усталаридир.

Хувайдо МФЙ худудидаги Хиромий, Хувайдо, Бедил, Маҳтумқули ва бошқа сўровнома ўtkазилган кўчаларида аксарият хонадонлар жойлашган уйларнинг ер майдони 3,5-4,0 сотих атрофида. Жуда кам саноқли хонадонларда 6,0-7,0 сотихлilari ҳам учрайди. 3,5-4,0 сотихли уйларнинг 0,5-1,0 сотихигагина мевали дараҳтлар ёки бир йиллик ўсимликлар экилган. Айrim хонадонларда булар ҳам учрамайди. Буни бир уйда бир нечта оила истиқомат қилиши ва яшаш учун хоналар кўплиги билан изоҳлаш мумкин.

Оила даромадлари тўғрисидаги сўровимиз оиланинг ўртача бир ойлик жами жамланган даромадлари бўлиб, 1 000 000 сўмгача, 5 000 000 сўмгача ва 5 000 000 сўмдан ортиқ каби гурухларга бўлинади. 54,0% ёки 45 нафар оила 5 000 000 сўмгача, 5% (4 нафар) 1 000 000 сўмгача, 41% (34 нафар) оила 5 000 000 сўмдан ортиқ ўртача ойлик даромадга эга эканлиги маълум бўлди (4.2-жадвал).

Юқоридаги даромад кўрсаткичлари аҳоли катта қисмининг турмуш даражаси яхшилигини, бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжларни қондиришда қисман енгилликларни билдиради. Бироқ 5%, яъни 4 нафар оиланинг бугунги кунда бир ойда ўртача 1 000 000 сўмгача даромадга эга эканлиги қониқарли кўрсаткич ҳисобланмайди. Бу оилаларда рационал озиқ-овқатлар, кийим-кечак, майший тўловлар, bemорлар ёки нафақаҳўрлар бўлса дори-дармон воситалари билан қай даражада таъминланаётгани юқоридаги даромад кўрсаткичларидан маълум. Буларни бартараф этишда бу оилаларни, улардаги ёшу қарини керакли ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашда маҳалла, ҳокимият органларининг вазифаси ва масъуллиги бекиёсdir. Асосан ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланган маҳаллаларга ана шундай оилаларни ўзига тўқ оилалар билан бириктириш, ҳамкорликда тадбиркорликка йўналтириш, маънавий маслаҳат ва моддий кўмак (кичик кредитлар) бериш каби вазифаларни юклаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Аҳолидан оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлишга тўсқинлик қилувчи омиллар сўралганда (4.2-жадвал), 82 оиладан 173 та фикр-мулоҳаза

4.2-жадвал

Хувайдо МФЙ сўровнома ўтказилган хонадонларининг оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ кўрсаткичлари

№	Махалла кўчалари	Томорка ер майдони, (ўртача) сотих		Оиланинг ўртача ойлик даромади, сўм		Сизнингча оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлашга нима тўсқинлик қиласди?								Оилавий тадбиркорликни бошламоқчи бўлсангиз маблағни қаердан оласиз?			
		Жами	Шунданд экилади	1 000 000 гача	5 000 000 гача	5 000 000 дан юкори	Оила тадбиркорлигининг юкори хатарлилиги	Тартиб қойдаларни яхши билмаслик	Маблағ этинимовчилиги	Ишни нимадан бошлашни билмаслиги.	Пуҳта ишланган бизнес ғоя ва резга йўқлилиги	Ҳокимият ёки махалладан анниқ ўйланмалаштирилган кредит олишининг митъасоблиги	Банкдан кредит олиши учун гаров манбаси	Уйдаги жамғармадан	Танишлар ва кариндошлардан елан	Банкдан кредит	
1.	Хиромий кўчаси	5,0	0,5	-	7	6	2	10	14	7	7	2	10	4	9	7	12
2.	Хиромий 1-тор кўчаси	4,5	0,3	-	5	3	1	1	2	1	5	1	1		1		6
3.	Хиромий 2-тор кўчаси	4,0	0,36	-	5	4	2	1	3		2		4		2	3	6
4.	Хувайдо кўчаси	5,0	1,0	1	10	5	1	5	13	8	7		4	4	6	2	11
5.	Хувайдо 2-тор кўчаси	5,0	0,5	-	2	4			2				1		1	1	
6.	Махтумкули кўчаси	6,0	1,0	1	7	3	3	2	6	3	4		2	1	3	1	6
7.	Бедил кўчаси	6,0	1,5	-	4	5		2	4	2	3		2	4	1		5
8.	Бошқа кўчалар	5,5	2,0	2	5	4	1	1	3	1	2	1		2	3	1	2
	Жами	-	-	4	45	34	10	22	47	22	30	3	24	15	26	15	49

Манба: анкета сўровнома маълумотлари асосида тайёрланган.

билдирилди. Шулардан катта қисми, 47 таси (27,2%) маблағ етишмовчилигини ва 30 таси (17,3%) пухта ишланган бизнес режа ва ғоя йўқлигини баён этди. 24 таси банқдан кредит олишнинг мураккаблигини эътироф этди, 22 та оила ишни нимадан бошлишни ва тартиб қоидаларни билмасликларини маълум қилишди. 15 та оила кредит олишда гаров манбаси йўқлигини, 10 таси оила тадбиркорлигининг юқори хатарлилигини, 3 таси эса маҳалла ва ҳокимиятдан таклиф сифатида йўлланма йўқлигини кўрсатган.

Албатта ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша даромади ва харажати, шунингдек, жамғармаси ҳам бўлади. Изланишлар натижасида, тадбиркорлик фаолиятини, хусусан оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлишда энг катта тўсқинлик маблағ етишмовчилиги эканлиги маълум бўлди. Шундай экан, тадбиркорлик фаолиятини бошлишга қизиқиш билдирганларни банк кредитлари ёки бошқа манбадан маблағ билан таъминлаш зарур. Айнан кичик суммаларда, паст фоизлик, ўрта муддатли, асосийси тадбиркорлик фаолиятини бошлиш бўсағасида турган оддий бир оила аъзосини ташвишга солмайдиган, хужжатбозлик билан овора қилмайдиган кредитнинг янги тури ҳамда гурухларини яратиш керак. Оилавий тадбиркорлик фаолияти билан асосан уй бекалари, қисман оила бошлиқлари ҳам шуғулланишга ҳоши билдиromoқдалар. Кредитнинг янги йўналишларини яратишда албатта бундай ҳолатлар ҳисобга олиниши лозим.

Пухта ишланган бизнес режа йўқлиги, тартиб қоидаларни ва ишни нимадан бошлишни билмаслик аҳолининг тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги онги ва билимлари ҳали тўлиқ шаклланмаганлигини, атроф-муҳитда ҳам керакли маълумотлар, йўлланмалар аҳолининг эҳтиёжларини қондирадиган даражада мавжуд эмаслигидан далолат беради. Албатта, бунинг учун тадбиркорлик фаолиятининг рентабеллиги, уни ташкил этиш, юритиш бўйича йўриқномаларни маҳаллаларда сұхбатлар асносида, оммавий ахборот воситалари, рўзномаларда етарлича оддий халққа тушунарли сўзлар билан ёритиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, бехатар фаолият турининг ўзи йўқ. Бирор бир маррага ёхуд мақсадга эришишда ҳам айнан таваккалчилик қилиш лозим. Сўровнома ўтказилган ҳудудда 17,3% аҳоли тадбиркорликнинг юқори хатарли эканлигини билдирган, демак тадбиркорларга хатарни олдини олиш, уларни бартараф қилиш ёки таъсирини пасайтириш усуллари тўғрисида малакали маслаҳатлар бериш бўйича ўқув курслари ташкил этиш лозим.

Оилавий тадбиркорликни бошламоқчи бўлсангиз маблағни қаердан оласиз деган саволга оилалар вакилларидан 90 та жавоб бўлди. Уларнинг асосий қисми (49 таси ёки 54,4% банқдан кредит, 26 таси (28,9%) уйдаги жамғармадан, 15 таси (16,7%) қариндош ва танишлардан қарз олиш мумкинлигини таъкидлаган (4.2-жадвал). Банқдан кредит олиб тадбиркорликни бошлаш мақсадида бўлганлар 50 фоиздан кўплиги, аҳолида оила тадбиркорлигига қизиқишининг ва банкларга бўлган ишончнинг ортиб бораётганидан далолат беради.

Шулардан келиб чиқиб, оила аъзоларидан оилавий тадбиркорликка банк кредити зарур бўлганда уни тез ва осон олишлари учун қандай чоралар кўришни маслаҳат берасиз, деган саволга 82 нафар хонадон аъзоларидан 75 таси жавоб берган. Уларнинг 7 таси кредит бўйича муаммо йўқлигини ёки ҳали кредит олишни ўйлаб кўрмаганлигини маълум қилган ва саволни жавобсиз қолдирган (4.3-жадвал).

Кредит олиш бўйича берилган саволга 75 нафар оила 18 хилдаги таклиф ва маслаҳатларида кредит олишдаги қийинчилик ва камчиликларни келтиришди ҳамда бу муаммоларни бартараф этиш кредит олишнинг соддалаштирилиши ва аҳолининг кредитга ишончини ортишига олиб келишини баён этишди.

Ушбу масала бўйича 27 та оила (24,3%) кредит олишда ҳужжатларни, қоғозбозликни камайтириш керак, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрларига кўра, банкларда кредит олишда аҳолидан жуда кўплаб маълумотлар, ҳужжатлар талаб қилиниши, югар-югуруларнинг кўплиги мижозларни толдиради ва кредит олишгача етиб бормай, фикрларидан қайтаради.

4.3-жадвал

Хувайдо МФЙнинг сўровнома ўтказилган хонадонларининг оила тадбиркорлиги учун кредит олиш билан боғлиқ саволга жавоблари

№	Маҳалла кўчалари	Сизнинг фикрингизча оиласидаги тадбиркорликка банк кредити зарур бўлган вактда тез олиш учун қандай чоралар кўриши маслаҳат берасиз?																	
		Хужжатларни ёки котобозликни камайтириш керак	Кредит фоизини камайтириш	Фоизсиз кредит берилсин	Бошланнишидан то уч йил муддатгача банк кредит фоизини олмасин	Кредит беруучи алоҳида банк филиали ёки ташкилот очилсин	Гаровсиз берсин	Бизнес режжани кўриб чикини тезлаштириш	Кредитни кайтариш рискини камайтириш ва мулталини Ѽзиш	Накд накд холда беринш	Гаровнинг 70% мискорига тег кредит беринши кайта кўриб чиккиш	Банк кредитни шерикчилек асосида берсин	Накд пул ва пул кўчириш фоизини тенглаштириш	Гаров бўлгач исталган суммада кредит берсин	Уйдан аёлларга хам кредит берилсин	Ихтиёрий гаров бўлсин	Кредитни биринчи тўловсиз берсин	Муаммолар йўқ	Бюрократизм ва коррупцияни ўйкотиш
1.	Хиромий кўчаси	10	5	5	2	2	4	1	3	2	1	1	1	1	1	1	1		
2.	Хиромий 1-тор кўчаси	2	2		1		1												
3.	Хиромий 2-тор кўчаси	4	3	1					1	3									
4.	Хувайдо кўчаси	4		5	2		2	1		3					1	1	2		
5.	Хувайдо 2-тор кўчаси			1															
6.	Махтумқули кўчаси	3	1	2		1	1		1	2		1			1		1		
7.	Бедил кўчаси	2	3	1			2			1					1				
8.	Бошка кўчалар	1	1		1			1	1								2		
	Жами	27	15	15	6	3	10	2	6	12	1	2	1	1	1	3	1	2	3

Манба: анкета сўровнома маълумотлари асосида тайёрланган.

15 та сўровнома иштирокчиси (13,5%) кредитнинг фоиз ставкаси камроқ бўлиши ёки умуман фоизсиз кредит беришлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Буни улар тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб олсалар, маълум муддатдан сўнг давлат бюджетига солиқ тўловлари тўлаб, ишчиларни иш билан таъминлаб, жамиятга фойда келтиришлари билан изоҳлайдилар.

Сўровнома иштирокчиларидан 12 таси (10,8%) кредитни кўчириш йўли орқали эмас, накд ҳолда беришларини сўраганлар. Аҳоли бунда кўчирма пулга ўзига керакли хом ашё, меҳнат воситалари тополмай қийналганини баён этган. 10 та оила кредит гаровсиз берилишини, 6 тадан оила банк уч йил муддатгача кредит фоизини олмаслигини ва кредитни қайтарилиш рискини камайтириш, муддатини чўзиши кўриб чиқишни таклиф этганлар.

Оилаларнинг 3 таси кредит берувчи алоҳида банк ёки фонд очилишини, бу борада бюрократия, коррупция йўқотилишини ҳамда кредит олмоқчи бўлган жисмоний шахслар гаровни ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлишлари кераклигини таъкидлаган. Мисол тариқасида ихтиёрий гаров бўйича таклифни изоҳласак. Бир оила фарзандининг тўй харажатлари учун банкдан кредит сўраган ва гаровга икки хонали уйини таклиф этган. Бироқ банк ходимлари гаровга автомашина ёки тилла буюм олишлари мумкинлигини билдиришган. Натижада кредит ололмаган оила 2 хонали уйини сотган ва кредит олишга бўлган ишончини йўқотган.

2 тадан таклиф киритган оилалар банк бизнес режани кўриб чиқишни тезлаштирилишини, кредитни шерикчилик асосда беришни йўлга қўйишни сўраганлар.

Оилалар тадбиркорлик кредити учун гаровнинг 70% миқдорига teng кредит берилишини қайта кўриб чиқишни, гаров бўлгач исталган суммада кредит берилиши, уй бекалари учун ҳам алоҳида кредит тури ажратилиши ва кредитни биринчи тўловсиз берилиши каби таклифларни киритганлар. Яна 1 нафар оила кредитнинг накд ва кўчирма пул фоизларини тенглаштириш керак, деган таклифни билдирган. Бу хонадон соҳиблари Хитой билан алоқада қандил савдоси билан шугулланишади. Айтишларича, банклар томонидан

21 000 АҚШ долларигача бўлган сумма 21%га кредитга нақд ҳолда берилар экан. Шунингдек худди шу сумманинг кўчирма пул шакли кредит фоизи нисбатан паст фоизли экан. Шулардан келиб чиқиб нақд пул суммаси фоизини ҳам пасайтириш, тадбиркоримиз фикрича, унинг тадбиркорлик фаолияти ва товар нархини белгилашида муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, оилавий тадбиркорлик оилаларнинг турмуш фаровонлигини ва ҳаёт даражасини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Оилавий тадбиркорлик оилалар бюджетига қўшимча даромад олиб келиши билан бирга, жамиятда ишчи ўринларининг яратилиши, тадбиркорлик орқали янгидан янги ишлаб чиқариш ва фаолият турларининг яратилишига ўз ҳиссасини қўшади. Оилавий тадбиркорлик уйдаги аёллар ва нафақахўрларнинг иш лаёқатини ошириб, жамият учун керакли инсон эканликларини билдириб рағбатлантиради.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, республикамида оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга кўплаб имтиёзлар ва уларнинг ҳукуқий ҳимояси белгиланган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Конун 2012 йилда қабул қилинишига, фаолиятнинг кўплаб ижобий томонлари мавжудлигига қарамай аҳоли ўртасида тадбиркорликнинг оилавий тури билан шуғулланувчилар нисбатан кам. Шуларни ҳисобга олганда, мазкур сўровномада аҳолидан оилавий тадбиркорликни бошлашда давлат органлари, ҳокимият ва маҳалладан уларга қандай ёрдамлар кераклиги ҳақида савол берилди (4.4-жадвал). Саволларга тўрт вариантда жавоб тайёрланди. 82 хонадондан 133 та жавоб қайтди. Жами жавобларнинг энг катта қисми 36% (50 таси) имтиёзли кредитлар олишда ёрдам кераклигини таъкидлаган. Шунингдек, 27,8% (37 таси) маслаҳат маркази хизматларидан таклифлар, 27,1% (36 таси) солиқ имтиёзлари бўйича ҳамда 7,5% (10 таси) хорижий истеъмолчилар билан алоқа ўрнатувчи ташкилотлар

4.4-жадвал

Хувайдо МФЙнинг сўровнома ўтказилган хонадонларининг оиласвий тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда касаначиликни ривожлантириш йўналишлари

№	Маҳалла кўчалари	Давлат органлари, хокимият ва маҳалладан сизга қандай ёрдамлар керак				Йирик корхона билан оиласнинг касаначилик шаклида тадбиркорликни ташкил этишга ҳохишингиз борми?																					
		Имтиёзли кредитлар олишда	Солик имтиёзлари бўйича	Маслаҳат марказлари хизматларидан	Хорижий истеъмолчилар билан злока ўринатувчи	Ҳа	Йўқ	Ҳохишингиз бўлса қандай ишлаб чиқариш тури билан шуғулланингиз мумкин?																			
						Богбончичлик	Тикувчилик	Ҳайдовчилик	Қандолатчилик	Онпазллик	Курилиш соҳасида	Қадоқлаш	Нашриёт	Бухгалтерлик	Компьютер - техник	Ферма	Ярим тайёр озиқ-овқат тозёйланиш	Автомобиль эҳтиёт қисмларини йигини,	Паррандачлик	Видео хизматлари	Интернет магазин	Савдо	Тиббий хизмат	Чинни маҳсулотлари	Санитария ишлари	Ўймакорлик,	
1.	Хиромий кўчаси	14	14	13	4	20	5	2	6	1	4	3	1	3	1	2	1	1	1	1	1	1	1	1			
2.	Хиромий 1-тор кўчаси	3	1	3	2	3	4		2				1	1													
3.	Хиромий 2-тор кўчаси	5	4	3	1	5	3		2		1	1															
4.	Хувайдо кўчаси	12	3	8	1	13	5		4	2		2					1	1					1	2	1		
5.	Хувайдо 2-тор кўчаси		1	1		2			2		1													1	1		
6.	Махтумкули кўчаси	7	7	3		6	4		4				2	1	1												
7.	Бедил кўчаси	5	3	4	1	4	2		1	1	1						1	2	2			1			1		
8.	Бошқа кўчалари	4	3	2	1	5	1		4			1															
Жами		50	36	37	10	58	24	2	25	4	4	5	6	5	1	5	4	3	1	2	2	1	2	1	3	1	1

Манба: анкета сўровнома маълумотлари асосида тайёрланган.

кўмаги зарурлигини билдиришган. Шу ерда айтиб ўтиш жоизки, имтиёзли кредит, маслаҳат маркази хизматлари ва солиқ имтиёzlари зарурлигини билдирган кишилар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш бўсағасида турганлар бўлса, ўз яратган маҳсулотларни экспорт қилишга эҳтиёжи баланд тадбиркорлар хорижий истеъмолчилар билан алоқа ўрнатувчи ташкилотлар кўмаги зарурлигинии баён этишган.

Сўровнома ўтказилган хонадонлардаги аксарият аҳоли банк кредитлари тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди. Ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бериладиган микрокредитлар, коллеж ва лицей битиравчиларига бериладиган имтиёзли кредитлар ва бошқа кредит турларидан кўпчилик аҳоли бехабар экан. Шундай экан, улар учун жамиятда мавжуд тадбиркорликка кредитлар, уларнинг турлари, бериладиган имтиёзлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар тўғрисида хабардор қилишнинг йўллари ва воситаларини яратиш лозим.

Сўровномада оиланинг йирик корхона билан касаначилик шаклида тадбиркорликни ташкил этишга ҳоҳиши бор ёки йўқлиги, агарда ҳоҳиши бўлса, қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат тури билан шуғулланиши аниқланди (4.4-жадвал). Касаначилик билан шуғулланишга 82 кишидан 58 нафари (70,7%) “ҳа”, қолган 24 нафари (29,3%) “йўқ” деб жавоб берган. Розилик билдирганлар жинси, касб-хунари ва ўзига яқин бўлган фаолият соҳасидан келиб чиқиб, 21 йўналишда йирик корхона билан касаначилик алоқаларини ўрнатишлари мумкинлигини маълум қилганлар. Шунингдек, 6 та овоз курилиш соҳасида; 5 тадан овоз ошпазлик, қадоқлаш, бухгалтерлик хизматлари йўналишларига; 4 тадан овоз ҳайдовчилик, қандолатчилик, компьютер ва техник хизматлар кўрсатиш соҳаларига тўғри келди. 1 тадан 3 тагача бўлган жавоблар йўналишида ферма ишларини юритиш, тиббий хизмат кўрсатиш, автомобиль эҳтиёт қисмларини йиғиш ва вулканизация, паррандачилик, интернет-магазин, боғбончилик, нашриёт, яrim тайёр озиқ-овқатлар тайёрлаш, видео хизматлари, савдо (барча йўналишларида), санитария ишлари, ўймакорлик-мебелсозлик ҳамда чинни маҳсулотлари

ишлаб чиқариш соҳалари кўрсатилган. Бу барча жавоблар оила аъзоларининг меҳнатга лаёқатли ва нафақа ёшидагиларининг таклифлари бўлиб, улар орасида колледж-лицея битириувчилари ҳам бор.

24 нафар рад жавобини қайтарган хонадон аъзолари касаначилик билан шуғуллана олмасликларига доимий ва узлуксиз иш билан бандликлари, ортиқча вақтлари йўқлигини рўкач қилишди.

Сўровнома ўтказиши асносида биз оиласларнинг бирор аъзоси илгари ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганми йўқми, ёхуд шуғулланмоқчи бўлса якка тадбиркорликнинг қайси тури уларга қулайлигини аниқладик (4.5-жадвал).

Сўровномалар натижасида, 82 нафар оиласдан 53 нафари (64,6%) ўзи ёки оила аъзолари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлигини тасдиқласа, 29 нафари (35,4%) рад жавобини берди. Тадбиркорлик фаолиятининг қайси тури уларга қулай эканлиги сўралганда 32 турдаги жавобларга эга бўлдик. Бу жавоб эгалари ўзлари шуғулланаётган тадбиркорлик турини кўрсатишган ёки фаолиятини йўлга кўйиш истагида бўлган йўналишларни келтиришган. Иштирокчиларнинг 30 таси “савдо” деб белгилашган. Бунда биз савдо соҳасини кенг қамровга олиб, чакана, китоблар савдоси, автомобиль, косметика, интернет-магазин, майший техника, озиқ-овқат, қурилиш ва бошқа соҳаларни жамладик. Овоз эгаларининг кўпчилиги тадбиркорлик фаолияти билан бандлиги, ўз фаолият турини кенгайтирмоқчи эканлиги ёки ҳали фаолиятни бошламаганларнинг ҳам маълум бир бизнес ғояси борлиги ижобий ҳол ҳисобланади.

Шунингдек, сўровномада 6 та оила ўз жавобларида паррандачилик билан шуғулланмоқчи эканликларини, бу соҳага қизиқишлиари баландлигини билдиримоқдалар. Паррандачилик бу – фақат товуқ гўшти ва тухум етиштириш эмас, балки ҳозирги кунда урф бўлаётган бедана, ўрдак, каптар ва канарейка каби кушларни кўпайтиришдир. Ҳатто тадбиркорларимиз орасида тұякуш боқиб, унинг тухумини сотувга чиқараётганлар ҳам бор.

4.5-жадвал

Хувайдо МФЙни ҳудудидаги оиласаларда якка тадбиркорлик билан бандлар таркиби

№	Махалла күчалари	Якка тадбиркорлик турлари билан шугулланғанмисиз?																																	
		Хә		Йүк		Якка тадбиркорликнинг қайси тури сизга қулагай?																													
		Боғбончилик	Хайдовишилик	Тиккучилик	Кандолатчилик	Ошпазлик	Санитария индустрия	Кандидат дәржини очардам	Малярлик индустрия	Хамшириликтік-массаж	Савдо (чакана, китоблар, автомобилі, косметика, хизматты архитекторлық хизметтерінің очиши)	Парранданилек	Компьютер маслахаты ва хизметшалану	Наширият	Бухгалтерлик фирмасы очиши	Тиккучилик цехи очиши	Ферма (корамол) за күй	Ёгерниң кайта иштеші	Авто тальимдаш устахонасы	Кафе очардым	Сарташкона	Бинолар ижарасы	Хүсусий М.Т.М. очардым	Иссикхона	Ишлаб чыкашы	Тиббий клиника	Үйкитувчилик ёки ўкүв курслари								
1.	Хиромий күчаси	18	7	2	2	2	2	2	4	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1							
2.	Хиромий 1-тор күчаси	3	4							1	2	1	1																						
3.	Хиромий 2-тор күчаси	5	3		1			1			4						1																		
4.	Хувайдо күчаси	9	9	1		2	1				3	1					2	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1								
5.	Хувайдо 2-тор күчаси	1	1								2											1	1	1											
6.	Махтумқули күчаси	6	4		1		1				5		2																						
7.	Бедил күчаси	6			1						3		3				1	1	1	1	1	1	1	1	1	1									
8.	Бошқа күчалари	5	1			1					3							1		1															
	Жами	53	29	3	2	5	4	7	2	2	1	2	30	3	6	3	1	2	5	4	2	2	2	4	2	1	2	3	3	4	1	2	1	1	2

Манба: анкета сўровнома маълумотлари асосида тайёрланган.

Сўровномада иштирок этган 7 та оила ошпазлик, 5 таси тикувчилик ёки тикувчилик цехини очиш иштиёқида эканликларини маълум қилишди. 4 та оила қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш, қўй ва қорамол фермаси ташкил этиш, сартарошхона, уйда ўқитувчилик қилиш ёки ўқув тайёрлов курслари очиш истагида бўлганларга тўғри келди. Кўпчилик оилалар боғбончилик, ҳайдовчилик, санитария ишларини бажариш, қандолат дўкони очиш, малярлик ишлари, ҳамширалик-массаж, қурилиш хизматларини кўрсатувчи (архитектура, дизайн) фирмаси ташкил этиш, техник ва компьютер хизматлари, нашриёт, бухгалтерия ишлари, ёғочни қайта ишлаш, автомобиль таъмиглаш устахонаси юргизиш, бинолар, ер ва уй-жой ижараси, хусусий мактабгача таълим муассасаси ёки мусиқа мактаби очиш, иссиқхона ташкил этиш, ишлаб чиқариш (тугма, қоп, кимёвий моддалар) ва чинни маҳсулотлари цехини кенгайтириш, аудиторлик фирмаси ташкил этиш, хусусий психологик консультация маркази очиш, ўймакорлик ва сандикчилик каби йўналишларда оилавий тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш истаги борлигини билдириди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, сўровнома иштирокчилари ўз касбий, ақлий ва жисмоний лаёқат ҳамда кўнимкамларидан келиб чиқиб жавоб бердилар.

4.2. Маҳалла худудида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кластер механизмини ривожлантириш

Мамлакатимизда қисқа давр ичида оилавий тадбиркорликни тартибга солиш ва унинг ривожланишини рағбатлантириш тизими шаклланди. Тизимнинг асосини оилалар ва уларнинг аъзоларига даромад келтирувчи ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишда эркин фаолият юритиш ва уни қўллаб-куватлаш ҳамда ҳимоялаш хукуқини берувчи қонунчилик ҳужжатлари ташкил этади. Ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини амалиётга киритилиши билан республикада кенг миқёсида оилавий тадбиркорликнинг турли шакллари фаолият юрита бошлади. Хукумат томонидан қўрилган

таъсирчан чоралар туфайли ушбу соҳада аҳоли бандлиги ошди ва оила тадбиркорлигининг иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссаси ошиб бормоқда.

Шу билан бир вақтда, биз амалга оширган тадқиқотлар кўрсатишича (4.1-параграфга қаранг), оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун оилалар салоҳияти унга тўлиқ жалб этилмагани аниқланди. Оилалардаги меҳнат ресурслари, билимга эга мутахассислар, турли соҳаларда вақтинчалик бандлик ва шу каби бошқа оила активлари ҳали якка тадбиркорлик, уй меҳнати ёки оилавий корхоналар ташкил этишда тўлиқ фойдаланилмаяпти. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнда қабул қилинганд ““Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у оилавий тадбиркорлик салоҳиятини иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга жалб этишда янги босқични бошлаб берди.

Мазкур қарорда белгилаб берилган ўта долзарб, шу билан бир қаторда юқори ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этиш янгича ёндашувларни талаб қиласди. Шундай ёндашувлардан бири маҳалла ҳудудида оила тадбиркорлигини ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишда кластер механизмини жорий этиш ҳисобланади.

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурининг асосий йўналишларининг 5-қисмида “қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айrim турларини этиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини кластерлар ташкил этиш” вазифаси белгиланган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида ушбу механизмни кенг жорий этиш бўйича қатор Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда

бошқа қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган ва улар амалиётга жорий этилмоқда⁷⁷.

Иқтисодиёт тармоқлари ҳамда алоҳида худудларда ишлаб чиқариш кооперациясига асосланган кластерли ёндашув иқтисодий самарали усул эканлиги тажрибада ўз исботини топган. Кластерли ривожланиш назариясининг асосчиси М.Портер ҳисобланади.

М.Портернинг фикрича, кластерлар давлат иқтисодиёти учун ички бозорни ривожлантириш нуқталари ҳисобланади, тобора қўп кластерларнинг ташкил этилиши натижасида мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлиги ошади⁷⁸. Таъкидлаш лозимки, ташкил этишининг кластер шакли инновациянинг янги шаклини – “умумий инновацион маҳсулотни” яратишга хизмат қилади. Кластер иштирокчилари ўртасида барқарор алоқаларнинг ўрнатилиши ихтиrolарнинг инновацияга ўтишига, кейинги босқичда эса инновацияларнинг рақобат устунликлариiga айланишига ёрдам беради, инновацияга йўналтирилганлик – кластернинг энг муҳим фарқли белгиси ҳисобланади.

Ўзбекистонда кластер назарияси бўйича олиб борилган тадқиқотларда⁷⁹ кластер иштирокчилари бир худуд доирасида тўпланувчи кластер корхоналаридан ташкил этилишига эътибор қаратишган. Ушбу муаллифлар тадқиқотларда саноат корхоналари ҳамда агрокластерларни шакллантириш ва улар фаолиятини ташкил қилиш бўйича таклифлар асослаб берилган. Шу билан бир қаторда, хорижий давлатларда ҳам худуд иқтисодиёти

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017 йил 15 сентябрь, ПҚ-3279.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ёшлар тадбиркорлик кластерини ташкил этишига доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. 16.10.2017 й., № 834.; Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. О дополнительных мерах по организации деятельности хлопково-текстильных производств и кластеров. 31.03.2018 г. №253.

⁷⁸ Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. - С.37.

⁷⁹ Қодиров А., Ахмедиева А., Убайдуллаев Д. Кластер механизми. Agroiqtisodiyot, №1, 2017.-Б.38-44.; Носирходжаева Д.С. Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках. Диссертационная работа на соискание ученной степени д.э.н. – Е.: ИЭ АН РУз, 2011, -С.26.; Захидов Г.Э. Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиши ва бошқариш самарадорлиги. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. РУз БМА, 2017.-24 б.

тармоқларида турли мақсадларга йўналтирилган кластерлар ташкил қилиниб ишга туширилган.

Ҳозирги қунда Россия Федерациясида 177 та кластер мавжуд бўлиб, уларнинг 27 таси агросаноат, 4 та озиқ-овқат соҳасида ташкил қилинган⁸⁰.

Шу билан бирга ривожланган гарб давлатлар (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Япония, АҚШ ва бошқалар) тажрибаси шундан далолат берадики, миңтақавий ҳамда миңтақалараро кластерларни фаол ташкил этиш ва халқаро ўзаро муносабатларни ривожлантириш бизнес ва академик (университет) муҳити ўртасидаги кооперацияси йўли билан амалга оширилмоқда⁸¹. Хусусан, Францияда кластерлар локал (кичик) саноат гурухлари, университет ва тадқиқот институтлари ўртасида шерикчилик асосида ташкил этилмоқда. Кластер моделлари, шунингдек, ривожланаётган давлатларда, масалан, Ҳиндистон ва Бразилияда ҳам муваффақиятли қўлланилиб, уларда 400 дан зиёд кластерлар фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу изоҳланган илмий асослар ҳамда амалий тажрибалар оилавий тадбиркорлик кластерларини ташкил этиш ва улар фаолиятини кластер механизми орқали юритиш мумкин эканлигини кўрсатади.

Маҳаллада кластер механизмини жорий этишга қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

1. Маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик орқали даромад топиш, иш билан банд бўлиш истагида бўлган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш.

Маҳалла аҳолисини оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ турли даражадаги муаммоларни мавжудлиги.

3. Маҳалла аҳолисини оилавий тадбиркорликка фаол даъват этувчи ва қўллаб-қувватловчи бошқариш тузилмаси ва механизми деярли ишламаслиги.

⁸⁰ М.П. Козлов. Региональные агропромышленные кластеры: методические аспекты формирования и развития в условиях инновационной экономики.// Экономика и социум, №2(21), 2016г.-С.18-26.; Козлов М.П. Кластерный подход как механизм активизации инновационного развития субъектов агропромышленного производства//. Экономика, труд, управление в сельском хозяйстве. М., 2015, № 1(22), с.24-28.

⁸¹ Щетинина И.В. Перспективы развития агропромышленных кластеров в России// Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. М., 2015, №3, с.51-55.

4. Маҳалла йигини таркибидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича Маслаҳат марказига Вазирлар Маҳкамасининг 15.02.2017 йилдаги “Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117-сонли қарори билан юклатилган вазифаларни амалда ижросини таъминлаш зарурлиги.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори билан ишбилиармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оиласларга бириктириш – кичик кластер ташкил этиш вазифаси белгилаб қўйилганлиги.

Оилавий тадбиркорлик кластери алоҳида ҳудудда (туман, шаҳар) жойлашган маҳалла фуқаролар йигини (МФЙ) ёки қишлоқ фуқаролар йигини (ҚФЙ) негизида ташкил этилади. Маҳаллада яшовчи оиласлар (ёки қишлоқ фуқаролар йигинида яшовчилар), улар гуруҳлари кластерда якка тадбиркорлик, уй меҳнати ёки оилавий корхона фаолиятини юритувчи шахслар сифатида асосий бўғин бўлиб иштирок этади. Маҳалла таркибига киравчи тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат маркази (жамоатчилик тузилмаси) кластерга киравчи барча томонлар ишларини мувофиқлаштирувчи ва ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) кооперациясини ташкил қилиш ҳамда якка тадбиркорларга кўмак бериш ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш вазифаларини бажаради⁸².

Шуларни ҳисобга олиб маҳалла фуқаролар йигини қошида юридик шахс мақомига эга бўлган тижорат ташкилотлари тузиш мумкин. Бу ташкилотлар юридик шахс мақомига эга бўлган кластер ичida кооперация асосида ёки якка ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи (хизматлар кўрсатувчи) оилавий корхоналарни ташкил этиш, якка тадбиркорлар ва хунармандларни бирлаштириш имкониятини яратади.

⁸² Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 15.02.2018. №117.

Маҳалла маслаҳат маркази оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва шуғулланмоқчи бўлган оилаларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини танлаш, баҳолаш ҳамда уни амалга ошириш вазифаларини бажаришга ёрдамлашади. Ушбу йўналишларда оилавий тадбиркорларга ахборот-консалтинг хизматлари кўрсатувчи марказ ташкил этиш зарур ҳисобланади. Бундай Марказ МФЙ қошида ташкил этилади ва Маҳалла Маслаҳат маркази билан ҳамкорликда иш юритади.

Кластер ташкил этишдан мақсад – “Хувайдо” маҳалла ҳудудида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва оила аъзоларини ўзини – ўзи иш билан банд қилиш салоҳиятини ошириш.


Кластер иштирокчилар:

1. Маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг таркибидаги Маслаҳат маркази.
2. Маҳалла оилалари:
 - оилавий корхоналар;
 - якка тадбиркорлар;
 - қасаначилар (уй меҳнати);
 - ҳунармандлар.
3. Ахборот – консалтинг маркази (янгидан ташкил этилади).
4. Давлат ва нодавлат ташкилотлар (шартнома асосида).

Шуларни ҳисобга олганда оилавий тадбиркорлик кластери таркибига маҳалла ҳудудига кирувчи оилалар, якка тадбиркорлар, оилавий корхоналар, шунингдек, уларга кўмак берувчи, қўллаб-куватловчи тузилмалар кириши мумкин (4.1-расм).

Маҳаллада оилавий тадбиркорлик фаолияти кластерининг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланиши мумкин:

- маҳаллада оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва уни юритиш иштиёқида бўлганлар рўйхатини тузиш ҳамда истиқболда маҳаллада ушбу фаолият турларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;



4.1-расм. Мақалла оилавий тадбиркорлик кластерининг ташкилий тузилиши

Манба: муаллиф изланишлари натижасида тузилган.

- мақалла ёки туман ҳудудидан оилавий корхоналарга ер ажратиб бериш ва улардан мақсадли фойдаланиш, янги иш жойларини барпо этиш жараёнларини таҳлил қилиб бериш;

- маҳалла ҳудудида оилавий корхоналар очиш, якка тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик фаолиятини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни асослаш, самарадорлигини баҳолаш ва уларга кредит маблағлари олишда амалий ёрдам бериш;

- шаҳар, туман ҳокимликлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, шунингдек, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий ишчи гурӯҳлар билан ўзаро алоқада бўлиш ҳамда юзага келган муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш ва бошқалар.

Кластер фаолиятини бошқариш харажатларини унга кирувчи оилавий тадбиркорлик субъектлари ажратмалари (кластер уставида кўрсатилган ҳажмда), хайрия пуллари, хорижий ҳамкорлар маблағлари ва бошқалар ҳисобидан қоплаш мумкин.

Маҳалла кичик кластерининг иқтисодий самарадорлиги қуидагиларда намоён бўлади:

- аҳолини оилавий тадбиркорликка жалб этишни кенгайтириш;
- янги иш ўринларини яратиш;
- оила аъзолари бандлигини таъминлаш;
- оиласар даромадини кўпайтиришга амалий ёрдам кўрсатиш.

4.3. Маҳалла ҳудудида оилавий тадбиркорлик кичик кластерини ташкил этиш учун ишлаб чиқариш кооперацияси шаклларини асослаш

Ҳар қандай соҳадаги кластернинг асосини, кластер таркибига кирувчи иштирокчиларнинг маълум бир ўзаро боғлиқлиги ташкил этилади. Манфаатдор томонларнинг ишлаб чиқариш жараёни ўзаро боғлиқлиқда ташкил этилиши уларнинг ҳар бирига маълум иқтисодий самара ёки фойда келтириши лозим. Ушбу ташкилий талаблар ҳаракатдаги кластерга янги кўшиладиган иштирокчи учун ҳам, умуман биринчи марта ташкил қилинмоқчи бўлган кластерга кирмоқчи бўлган иштирокчи учун ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олиб ушбу тадқиқот доирасида маҳалла худудида оила тадбиркорлиги кичик кластерларни ташкил этишининг асоси ҳисобланган оилавий корхона ёки бошқа шаклдаги тадбиркорларнинг ўзаро ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш бўйича кластерга бирлашишида кооперация гурухлари таркибини ва уларни амалга ошириш йўлларини асослаш талаб этилади. Бунда дастлаб маҳалла худудида яшовчи оилалар сони ҳамда у ердаги аҳолининг иш билан бандлик ҳолатини баҳолаш зарур ҳисобланади.

Биз тадқиқот ўтказган “Хувайдо” МФЙдаги оилалар (82 та), уларда яшовчи аъзолар сони бўйича 5 та гурухга ажратилди (4.6-жадвал). Оилаларнинг 45%да 5-6 киши, 28% оиласида 7-8, фақат 6% оиласида 9-10 ва 5%га яқин оиласида 11 ва ундан кўп киши яшайди. Ўртacha битта оиласида 6,5 киши яшайди.

4.6-жадвал

**Шайхонтохур тумани “Хувайдо” МФЙнинг
анкета сўровлари ўтказилган оилалар ва улар аъзолари сони бўйича
гурухлари**

№	Кўчалар номи	Сўровнома ўтказилган оилалар сони	Оила аъзо лари сони	Ўртacha бир оиласида, киши	Оила аъзоларининг сони бўйича оилалар гурухлари (%)				
					2-4	5-6	7-8	9-10	11 ва ундан ортиқ
1.	Хиромий кўчаси	25	152	6,1	20,0	32,0	44,0	-	4,0
2.	Хиромий 1-тор кўчаси	7	39	5,6	14,5	28,5	-	28,5	-
3.	Хиромий 2-тор кўчаси	8	47	5,9	-	87,5	12,5	-	-
4.	Хувайдо кўчаси	18	108	6,0	11,1	61,2	16,7	5,5	5,5
5.	Хувайдо 2-тор кўчаси	2	19	9,5	-	-	50,1	49,9	-
6.	Махтумқули кўчаси	10	63	6,3	20,0	40,0	30,0	-	10,0
7.	Бедил кўчаси	6	40	6,7	16,7	33,3	33,3	-	16,7
8.	Бошқа кўчалар	6	38	6,3	-	50,0	50,0	-	-
Жами		82	506	6,5	15,8	45,2	28,0	6,1	4,9

Манба: сўровнома натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Ушбу гурухларга кирган оилаларнинг 42 тасида 253 та оила аъзоларининг 70 таси (ёки 27,7%) меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, меҳнатга лаёқатлилар, шундан давлат корхона ва ташкилотларида 38 киши (ёки 15%), 29 таси хусусий корхонада (11,5%), 4 таси (1,4%) оилавий корхона эгаси, 16 киши (6,3%) ўз уй хўжалигига ишлайди (4.7-жадвал).

Ушбу гурухларга киравчи аҳолининг 13,4% (ёки 34 таси) ишламайди. Улардан 14 таси (5,5%) бола тарбиясида, талаба ёки ногиронлар ҳисобланади.

Мехнатга лаёқатли ёшдан катталар 43 кишини (ёки умумий оила аъзолари сонининг 16,6%ни) ташкил қилади. Ушбу тоифага киравчи оила аъзоларидан 6 киши ёки 2,3% ҳозирги даврда ишламаётганлардир. Оила гурухларидаги аъзоларнинг 25 фоизидан кўпи ёки 64 таси ҳозирги кунда оиласвий тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борлар ҳисобланади (4.7-жадвал).

Ушбу рақамларга қараганда “Хувайдо” МФЙда жами аҳолининг 25 фоизи оиласвий тадбиркорликнинг касаначилик, якка тадбиркорлик ёки оиласвий корхона ташкил этиш йўналишлари билан шуғулланиши мумкин.

Ана шу тоифага киравчи маҳалла аҳолисини кичик кластер иштирокчилари сифатида жалб этиш учун қуйидаги ташкилий ишлар амалга оширилиши лозим:

- тадбиркорлик соҳасида ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга бўлган тадбиркорларни маҳалладаги янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган ёки бошламоқчи бўлган оиласарга бириктириш;
- янги ишлаб чиқаришни бошламоқчи бўлган оиласарга кооперация асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли шаклларини тавсия этиш ва уни кичик кластер доирасида амалга оширишга киришиш.

4.7-жадвал

“Хувайдо” МФЙ оила аъзолари иш билан банд ҳамда ишламаётганлар таркиби

№	Оила аъзолари сони гурухи	Оилалар сони	Оила аъзолари сони	Мехнатга лаёқатли ёшдан кичиклар	Мехнатга лаёқатли ёшдаги лар	ишламаётганлар	шундан							Оилавий тадбиркорлик билан шугулла ниш истаги борлар	Мехнатга лаёқатли ёшдан катталар		
							Давлат корхоналари да	Хусусий корхонада	Якка тадбиркор	Касанича ва хунарманд	Оилавий корхонада	Уй хўжалигида ишламаётган	ишламаётганлар	шундан, бола тарбияси билан банд аёллар, талабалар ва			
1.	2-4	7	21	3	12	11	4	3				4	1	1	12	6	1
2.	% хисобида	16,7	8,3	4,2	8,6	10,5	(36,4)	(27,3)	-	-	-	(36,3)	8,3	8,3	18,8	13,9	16,6
3.	5-6	19	105	33	60	45	12	15	9		2	7	15	6	27	12	1
4.	% хисобида	45,2	41,5	47,2	43,2	42,8	(26,7)	(33,3)	(20)		(4,5)	(15,5)	25,0	1,0	42,2	23,9	16,7
5.	7-8	13	95	24	50	36	17	8	6	1	2	2	14	5	18	20	2
6.	% хисобида	30,9	37,5	34,4	36,0	34,3	(47,2)	(22,2)	(16,6)	(2,8)	(5,6)	(5,6)	28	10,0	28,1	46,5	33,8
7.	9-10	1	9	1	6	5	3	2					1	1		2	1
8.	% хисобида	2,4	3,5	1,4	4,3	4,8	(60)	(40)	-	-	-	-	16,7	16,7	-	4,6	16,7
9.	11 ва ундан ортиқ	2	23	9	11	8	2	1	2	1		2	3	1	7	3	1
10.	% хисобида	4,8	3,2	12,8	7,9	7,6	(25)	(12,5)	(25)	(12,5)	-	-	27,2	9,1	10,9	7,1	16,7
11.	Жами	42	253	70	139	105	38	29	17	2	4	16	34	14	64	43	6
12.	% хисобида	100	100	100	100	100	-	-	-	-	-	-	-	-	100	100	100
13.	Жами, %	-	100	27,7	54,9	41,5	15,0	11,5	6,7	0,7	1,4	6,3	13,4	5,5	25,3	16,6	2,3

Манба: сўровнома натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун биз лойиҳа тадқиқотимиз доирасида ишбилармонларни янги иш бошламоқчи бўлган оилаларга бириктириш ва маҳалла кичик кластерини ташкил этиш ва ишга тушириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар босқичларини ишлаб чиқдик.

Ишлар бир-бири билан боғлиқ 7 та босқичда амалга оширилади (4.2-расм). Уларнинг биринчи учта босқичида туман ҳокимиятининг маҳалла худудида оилавий тадбиркорликнинг кичик кластерини ташкил этиш тўғрисида буйругини чиқариш ва уни бажаришнинг “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишлар бажарилади.

Ишларнинг 4-босқичи кичик кластер иштирокчиларига ахборот консалтинг хизмати кўрсатувчи Марказ ташкил қилиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш ишларини ўз ичига олади. Ишнинг 5-босқичида маҳалла тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш комиссияси, Маслаҳат маркази ҳамда “Ахборот-консалтинг маркази” биргаликда кичик кластер фаолиятини ишга тушириш билан боғлиқ бўлган ишлар (7 та банддан иборат) амалга оширилади.

Кейинги 6-босқичда МФЙ раиси кластери иштирокчилари, туман ҳокимлиги билан биргаликда кооперация негизида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган оилавий корхоналар тузиш иштиёқида бўлган оилаларга улар аризасига кўра ер ажратиб бериш ёки рад этиш масалалари бўйича ишлар бажарилади.

Охирги 7-босқичда кластер иштирокчилари фаолият кўрсатиши юзасидан мониторинг олиб бориш ва ҳокимиятга ахборот тақдим этиш вазифалари белгиланган.

Маҳаллада кичик кластер ташкил этишнинг биз ишлаб чиқсан тадбирларига, уларни бажариш муддатларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш мумкин. Бундай ўзгаришлар туман ҳокимининг маҳаллада кичик кластерни ташкил қилиш юзасидан чиқарган буйруғида кўзда тутилган тадбирлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.



V
босқич

“Хувайдо” МФЙ тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича комиссия маслаҳат маркази “Ахборот – консалтинг маркази”

1. Маҳаллада жойлашган оилаларни кўчалар бўйича сони, уларда яшовчилар, шундан меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар сонини аниқлаш
2. Маҳаллада оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги бўлган оилалар (фуқаролар) хисобини олиш. Ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллада янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган ёки бошламоқчи бўлган оилаларга бириктириш.
3. Маҳалла худудида мавжуд бўлган фойдаланилмаётган ер майдони, бино ва бошқа оилавий тадбиркорликка жалб этиш мумкин бўлган ресурслар ҳажми бўйича маълумотлар тайёрлаш ва кластерга ер майдони ажратиш
4. Маҳаллада кооперация асосида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва уни кластер худудидаги ер майдонига жойлаштириш бўйича аризалар олиш
5. Маҳаллада якка тадбиркорлик билан банд бўлган ва оилавий корхонаси бор фуқароларнинг рўйхатини тузиш
6. Маҳаллада йирик корхоналарни ҳамда касаначилик (уй меҳнати) билан бандларнинг рўйхатини тузиш
7. Ҳар бир оила ва фуқаронинг ғояси ва таклифини ўрганиш, уларни амалга ошириш салоҳиятини аниқлаш, бизнес ғоясини рўёбга чиқишини қўллаб – қувватлаш ва кўмаклашиш йўлларини ишлаб чиқиш.

Кластер фаолияти-ни бошла-
ган давридан кейин 1 ой мобайнинда

Доимо

VI босқич	<p>Шайхонтохур тумани ҳокимияти “Хувайдо” МФЙ билан келишган холда</p>	<p>1. “Хувайдо” МФЙ кооперация асосида ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш истаги бўлган фуқароларнинг маҳалла кластери ҳудудидаги ер майдонга жойлаштириш тўғрисида тақдим этган аризаларини кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш</p> <p>2. Кластерда ишлаб чиқариш кооперацияси фаолиятини ташкил этиш ва юритиш тўрисида битим ҳамда ер майдони ижараси бўйича оилавий тадбиркорлик субъектлари билан шартнома тузиш</p> <p>3. Агар кластерда ер майдонига оилавий тадбиркорлик субъектини жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас деб эътироф этилса, унда ариза берувчига ёзма равишида асосланган жавоб бериш</p>	<p>1 ой мобайнида</p>
VII босқич	<p>Оилавий тадбиркорлик субъектлар</p> <p>“Хувайдо” МФЙ Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш комиссияси, Маслаҳат маркази қошидаги “Ахборот – консалтинг маркази”</p>	<p>1. Кластерда янгидан ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишни бошлаш</p> <p>2. “Хувайдо” МФЙ кластер иштирокчилари фаолияти эҳтиёжларига мувофиқ мухандислик – коммуникация тармоқлари билан таъминланганлигининг мониторингини олиб бориш</p> <p>3. “Хувайдо” МФЙ ҳудудида кластер фаолиятини ташкил этиш ва юритиш натижалари ҳақида Шайхонтохур тумани ҳокимиятига ахборот тақдим этиш.</p>	<p>Битим ёки шартнома тузилгандан кейин 3 ойдан кечик масдан</p> <p>хар чорақда</p> <p>хар чорақда</p>

4.2-расм. Шайхонтохур тумани “Хувайдо” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) ҳудудида оилавий тадбиркорлик кичик кластерини ташкил этиш босқичларида бажариладиган чора-тадбирлар

Манба: тадқиқотлар натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Лойиха тадқиқотининг аввалги қисмларида оилавий тадбиркорлик салоҳиятини белгиловчи асосий омиллардан бири сифатида оиланинг демографик ҳолати (таркиби) муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган эди. Сўровнома натижаларига кўра, “Хувайдо” маҳалласининг 42 та оиласида 64 та турли ёшдаги аҳоли оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган (4.7-жадвал). Ушбу кўрсаткич 42 та оиласида яшовчи аҳолининг 25%дан кўпрогини ташкил этади. Шу билан бирга қўшимча сифатида “Хувайдо” маҳалласининг Хиромий кўчасида яшовчи 16 та оиланинг ёш таркиби бўйича демографик ҳолати ўрганилди. Уларда меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, меҳнатга лаёқатли ёшга етмаганлар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катта аъзолар сони нисбати мос равишда 54:30:13 га teng ёки меҳнатга лаёқатли ёшдагилар қарийб 56%, меҳнатга лаёқатлилик ёшига етмаганлар 31%ни, меҳнатга лаёқатлилик ёшидан катталар 13%ни ташкил этади (4.8-жадвал). Ушбу нисбатлар 4.7-жадвалда келтирилган 42 та оила маълумотларини (меҳнатга лаёқатлилар (54,9%), меҳнатга лаёқатли ёшидан кичиклар (27,7%) ва меҳнатга лаёқатли ёшидан катталар (16,6%)) 16 та оила бўйича ҳисобланган нисбатлар билан таққослагандага улар деярли бир-бирига мос келади.

Шундан келиб чикиб, ушбу ёш нисбатларини, 55% (меҳнатга лаёқатли):30% (ёшлар):15% (меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар) маҳалла худудида яшовчи аҳолини ёши бўйича меҳнат ресурсини аниқлашга асос қилиб олиш мумкин. Шуларни ҳисобга олганда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борларнинг сони жами ишлаётган ва ишламаётганлар ҳисобидан ҳар 10 нафар оиласида 24-25 кишини ёки 4-5 ва ундан кўп киши яшовчи битта оиласида ўртача 2,4-2,5 кишини ташкил этиши мумкин.

Ушбу рақамлардан фойдаланиб ҳисоблагандага, “Хувайдо” МФЙ худудида яшовчи аҳолининг 150-160 нафари (635 та оиласидан) янгидан оилавий тадбиркорлар қаторига кирувчилар деб баҳолаш мумкин.

4.8-жадвал

“Хувайдо” МФЙ ҳудудидаги Хиромий кўча аҳолисининг ёши бўйича таркиби


Жами аҳоли	4	12	3	5	7	5	7	7	5	6	6	6	3	8	6	7	97
Шу жумладан ёшлари, ёш																	
0-4	1	2			2			1		1		2		1	1	2	13
5-9		2			1			2	1	1				1	1		9
10-14				1	1		1		1	1	1	1					8
15-19			1						1							1	3
20-24		1		2			1				2						6
25-29	1	2			2						1			2		2	10
30-34		1			1	1		1	1	2		1		1	2		11
35-39		1			1			1				1		1	1		6
40-44			1	1			1		1								4
45-49		1		1			1				1						4
50-54		1								1	1	1	1		1	1	6
55-59	2					1		1					1	1	1	1	8
60-64						1	1	1						1			4
65-69			1				1										2
70 ёш ва катталар		1			1		1										3

Манба: сўровнома натижалари асосида тузилган.

Юқорида таъкидланганидек, кичик кластерга киравчилар (иштирокчилар) кооперация асосида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни ташкил этишлари талаб этилади ва бу кластер тизимида самарали усул ҳисобланади. Аммо бу маҳалла ҳудудида (кластер доирасида) ҳунарманд, якка ўзи ишлаб чиқарувчи ва шу каби тадбиркорлар бўлмайди, дегани эмас.

Шуларни ҳисобга олиб, биз ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этишнинг айрим шакллари чизмасини ишлаб чиқдик. Ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш қандай шаклда бўлиши оила тадбиркорлиги билан шуғулланиш истагида бўлган оила ва унинг аъзоларининг бизнес гоясига боғлик бўлади. Маълумки, ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқаришга якка бир кишининг имконияти етарли бўлмайди. Шу боис якка ишлаб чиқарувчи оила аъзолари билан асосий ишларни ўзаро бўлишиб оладилар. Агар кичик савдо дўконида эр сотувчи ва таъминотчи бўлса, хотин бухгалтерия ҳисобини олиб борувчи бўлиши мумкин.


Башарти технологик жиҳатдан тадбиркор мураккаб маҳсулот турини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишни режалаштирган бўлса, унда асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 2-3 хил ярим тайёр маҳсулот талаб этилса, уларни бошқа корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бундай корхона бошқа тадбиркорларга ҳам ўз маҳсулотини етказиб бериш мумкинлигини ҳисобга олиб, унга шу оиласининг бошқа аъзолари ёки қариндошлари кооперация иштирокчиси (корхона раҳбари) бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш шаклининг шартли чизмаси куйида келтирилган (A) (4.3-расм).



4.3-расм.

Амалиётдан маълумки оилавий тадбиркорликнинг якка тадбиркорлик шакли (ЯТ) ҳокимият патенти (Б), касаначилик (хунармандчилик) (К(Х)) эса йирик корхона билан шартнома асосида амалга оширилади. Ҳар икки ҳолда ҳам ушбу фаолият шакллари ишлаб чиқариш кооперацияси (савдо-сотиқдаги якка тадбиркорликни ҳисобга олмаганда) асосида амал қилиши мумкин.

Гап шундаки, якка тадбиркор ўз фаолиятини фақат тайёр маҳсулотларни унча катта бўлмаган ҳажмда тайёрлаб, кейин уни бозорга чиқариш яхши самара бермаслигини, ундан келадиган фойда (даромад) пастлиги, ушбу тадбиркорлик шаклининг жозибадорлигини анча пасайтируди. Шуни ҳисобга олганда якка тадбиркорликда ҳам ўзаро ишлаб чиқариш кооперациясини кенгроқ қўллаш ва шу орқали кичик кластер таркибида фаолият юритиш мумкин. Шу йўл билан якка тадбиркор зарурӣ капитални жамғаришига яхши имконият пайдо бўлади ва бу тадбиркорга оилавий корхонани ташкил қилиш ва кейинчалик кооперациялашган ишлаб чиқаришга тўлиқ ўтишга йўл очиб беради. Ушбу йўналишларда оилавий тадбиркорликни ташкил этиш шаклларининг чизмаси қўйида келтирилган (Б) (4.4-расм):



4.4-расм.

Юқоридаги фикрлар ва таклифни амалга ошириш юзасидан қўйидагиларни хulosса сифатида келтириш мумкин.

1. Оилавий бизнес корхоналарини ўзаро кооперация алоқаларининг муҳим жиҳатларидан бири – бу оилавий тадбиркорлик шакллари, турлари ва бошқа белгиларига қараб тавсифлаш (гуруҳларга бўлиш) ҳисобланади. Бу кооперацияга асосланган ўзаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, кооперациянинг янгича йўлларини топишга кенг имкониятлар беради.

2. Ўзаро алоқадор оилавий бизнеснинг аниқ бир фаолият соҳасига тегишлилиги бўйича оилавий корхоналар ишлаб чиқариш - хўжалик юритиш тузилмалари (турли корхоналар); бошқарув ва тартибга солиш тузилмалари (солик органлари, маҳаллий ҳокимиятлар ва шу кабилар); молия-кредит тузилмалари (банклар, кредит ташкилотлари) билан ўзаро алоқаларини кўриб чиқиш мумкин.

3. Оилавий тадбиркорлик корхоналарининг ўзаро алоқа шаклларининг миқёслари ва ўлчамлари бўйича кичик корхоналар ёки йирик корхоналар билан ёки катталиги ўзи билан баробар кичик тузилмалар билан ўзаро алоқа қилишлари мумкин.

4. Оилавий тадбиркорлик ўзаро алоқаларининг келиб чиқиши яқинлик (узвийлик) даражаси бўйича кичик корхоналар, йирик ишлаб чиқариш тузилмаси негизида ёки бошқа кичик корхона томонидан ташкил этилиши мумкин. Бу ерда турдош объектлар (масалан, шўъба ёки она корхоналар) ҳақида сўз бормоқда. Бунда корхоналарнинг ўзакли ўзаро алоқалари, одатда нихоят даражадаги яқинлиги (айниқса янги оилавий корхонанинг пайдо бўлишининг дастлабки босқичларида) билан тавсифланади.

5. Кластер иштирокчиларнинг сони ва улар орасидаги алоқаларнинг кўплиги бўйича оилавий корхона битта ишлаб чиқариш тузилмаси билан оддий икки томонлама алоқа қилиши мумкин ҳамда турлича катталиқдаги кўплаб объектлар билан алоқаларнинг мураккаб тизими доирасида бўлиши мумкин.

6. Кластер иштирокчилари ўзаро алоқаларининг барқарорлик даражаси бўйича оилавий тадбиркорлик корхоналарининг бошқа ишлаб чиқариш тузилмалари билан барқарор ўзаро алоқалари иқтисодий ўзаро фаолиятининг янги шаклини юзага келтиради. Бу ҳаракат янги ўзаро алоқани ривожланишига йўналтирилган бўлади.

Кооперацияга асосланган оилавий корхоналар ўзаро алоқаларининг кўриб чиқилган таснифлари ичидан энг кенг тарқалган варианtlари кичик оилавий ва йирик корхоналарнинг ўзаро иқтисодий алоқалари ҳисобланади.

**5-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА
МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ**

5.1. Давлат-хусусий шериклик концепцияси ва унинг шакллари

Бугунги кунда жаҳонда иқтисодиётнинг турли тармоқларида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича салмоқли тажрибалар тўпланган. ДХШнинг кўплаб лойиҳалари ишлаб чиқариш инфратузилмасида, инновацион ва ҳарбий соҳада қўлланилиб келинмоқда. Босқичма-боскич давлат-хусусий шерикчилиги ижтимоий соҳага, хусусан, давлат ва аоҳида ҳудудларда хизматлар соҳасига кириб бормоқда. Ҳамиша ҳам барча шерикчилик битимлари муваффакиятли амалга ошмайди, бироқ дунёда ДХШ сони мунтазам ортиб бормоқда. Шуларни ҳисобга олганда, ДХШнинг концептуал асосларини билиш Ўзбекистонда ДХШни янада кенгайтириш ва оилани қўллаб-кувватлаш ва мустаҳкамлашга унинг механизмларини жорий этиш зарур ҳисобланади.

Давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) ривожланиши давлат билан бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигининг қўлламири ва шаклларига таъсир кўрсатувчи бир неча асосий омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, давлат-хусусий шерикчилиги давлат билан бизнес муносабатларини ривожлантириш имконини берувчи аралаш (давлат ва хусусий мулк) иқтисодиёт механизмларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, ДХШ давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари мулкида бўлган тармоқлар ва соҳаларда такрор ишлаб чиқариш жараёнларига хусусий сектор ресурсларини жалб қилиш, шунингдек бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун тадбиркорлик ташаббусидан фойдаланиш имконини беради.

Учинчидан, давлат ва бизнес субъектлари саъй-ҳаракатлари ва ресурсларининг муайян лойиҳалар доирасида бирлаштирилиши уларнинг қўшимча рақобат устунликларини шакллантиради. Бизнес давлат институтларига қараганда қарорлар қабул қилишнинг тезкорлиги, янгиликлар киритишга қодирлиги, рақобатбардошликни таъминлаш учун техник ва технологик яхшилашларни излашга интилиши билан ажралиб туради. Ҳукумат эса, ўз навбатида, барқарор норматив-хуқуқий базани яратиш,

фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ташкилий тадбирларни ўтказиш, шунингдек молиявий-иқтисодий воситалар: субсидиялар, кафолатлар, рағбатлантирувчи солиқ солиш ва қўллаб-куватлашнинг бошқа турларини қўллаш йўли билан ДХШ лойиҳаларининг янада муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда давлат-хусусий шерикликнинг ривожланишини, қўлламларининг ўсишини ва шаклларининг диверсификация қилинишини прогноз қилиш мумкин. Бироқ, ҳар бир алоҳида мамлакатда ушбу жараён динамикаси давлатнинг сиёсатига, унинг иқтисодий ва ижтимоий уйғунликни излашда бизнес билан ҳамкорлик қилишга интилишига, фуқаролик жамиятининг тутган йўлига боғлиқ.

Давлат-хусусий шериклик таърифи

Давлат-хусусий шериклиги жаҳон амалиётида икки хил маънода тушунилади. Биринчидан, миллий, халқаро, миңтақавий, шаҳар, муниципал иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш воситаси сифатида кенг фойдаланиладиган давлат ва бизнес муносабатлари тизими сифатида. Иккинчидан, давлат органлари ва хусусий компаниялар томонидан давлат ва муниципал (худудий) мулк обьектларида биргаликда амалга ошириладиган муайян лойиҳалар сифатида талқин этилади.

Чет элда қабул қилинган ва мазкур ишда асос қилиб олинган ДХШ таърифида давлат биринчи ўринда туради, чунки айнан у аксарият ДХШ лойиҳаларининг ташаббускори, уларнинг асосий иштирокчиси ҳисобланади. Бундан ташқари, давлат ДХШда асосий ролни ўйнайди, чунки бизнес билан шериклик давлат ва муниципал (худудий) мулкка нисбатан тузилади.

Шуларни ҳисобга олганда, ДХШ предмети бўлиб давлат ва муниципал (худудий) мулк ҳамда давлат, муниципал ҳокимият органлари ва бюджет сектори ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар ташкил қиласди.

ДХШда давлат ва хусусий компания ҳеч қачон тенг бўлмайди, чунки хусусий секторнинг инвестор, менежер ёки оператор сифатидаги роли

қанчалик катта бўлмасин, ДХШ лойиҳаларидаги асосий мулкчилик муносабатлари ўзгармайди.

Хорижий давлатларда ДХШнинг қўплаб турли таърифлари мавжуд. Улар ичида энг умумийсини Жаҳон банки берган⁸³: «ДХШ – бу оммавий ва хусусий тарафлар ўртасида инфратузилмавий хизматларни ишлаб чиқариш ва кўрсатиш борасида қўшимча инвестицияларни жалб қилиш мақсадида тузиладиган битим ва бюджетдан молиялашнинг самарадорлигини ошириш воситаси».

АҚШда ДХШ «давлат ва хусусий компания ўртасида шартнома шаклида тузилган, хусусий компанияга келишилган шаклда давлат мулкида иштирок этиш ва анъанавий тарзда давлат ҳокимиятининг жавобгарлиги соҳасига кирувчи функцияларни бажариш имконини берувчи битим. Бундай битим, одатда, тегишли ҳукумат агентлигининг хусусий компания билан давлат мулки обьектини реконструкция қилиш, қуриш ва/ёки ундан фойдаланиш, уни бошқариш ва ҳ.к. учун тузилган шартномаси мавжуд бўлишини назарда тутади. Ушбу обьектга нисбатан асосий ҳукуқлар ўзгармайди ва давлат ҳатто обьект хусусий компанияга топширилганидан кейин ҳам унинг мулкдори бўлиб қолади»⁸⁴.

ЕИнинг алоҳида мамлакатларида давлат-хусусий шерикликнинг ўз таърифлари мавжуд. ДХШ анча кенг тарқалган Буюк Британияда хўжалик юритишнинг ушбу шакли «ҳукуматнинг замонавий, юқори сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш ва мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш борасидаги стратегиясининг асосий элементи» сифатида таърифланади. «Давлат-хусусий шериклик “хусусий молиявий ташаббус”дан тортиб то қўшма корхоналар ва концессиялар, аутсорсинг, тижорат фаолиятини амалга оширувчи давлатга қарашли корхоналардаги акцияларнинг бир қисмини сотишгacha бизнес-тузилмалар ва шериклик шаклларининг кенг доирасига

⁸³ Delmon J. Private Sector Investment in Infrastructure: Project Finance, PPP Projects and Risk. The World Bank and Kluwer Law International. 2009. P. 7.

⁸⁴ Report to Congress on Public-Private Partnerships. US Department of Transportation. 2004. P. 10.

эга»⁸⁵.

Ирландияда ДХШ дейилганда «муайян лойиҳани амалга ошириш ёки аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш мақсадида давлат ва хусусий секторларнинг ҳамкорлиги, бунда хизматлар кўрсатиш мажбурияти давлат сектори зиммасига юклатилади»⁸⁶. Мазкур таърифда таъкидланишича, ДХШ «турли шаклларга эга бўлиши мумкин, лекин ҳар бир муваффақиятли лойиҳанинг асосида хусусий секторнинг тажрибасини жалб қилиш ва таваккалчиликни уни самарали уddyалашга қодир бўлган тарафга нисбатан қайта тақсимлаш ҳисобидан лойиҳанинг умумий самарадорлигини ошириш мумкин деган концепция ётади»⁸⁷.

Хусусий компаниялар ДХШнинг янада аникроқ таърифига эга бўлишлари керак. Жаҳоннинг энг йирик консалтинг компанияларидан бири ҳисобланган Deloitte компаниясининг таъкидлашича, ДХШ «хукумат агентлиги билан хусусий компания ўртасида тузилган, хусусий компанияга ижтимоий хизматлар кўрсатишда ўз иштирокини ошириш имконини берувчи шартномавий битим»ни ўзида намоён этади⁸⁸.

Россияда сўнгти йилларда чоп этилган адабиётларда ДХШнинг турли талқинлари келтирилган, масалан: «Давлат-хусусий шериклик – бу давлат бошқаруви мақсадларига эришишга йўналтирилган иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш доирасида давлат ва бизнеснинг манфаатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг тенг хуқуқлилигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмиdir»⁸⁹.

Давлат-хусусий шериклик жамоавий ва хусусий ҳукуқ туташган

⁸⁵ Green Paper on services of general interest. COM(2003) 270. 21.05.2003. European Parliament Resolution on the Green Paper on Services of General Interest. 14.01.2004 (T5-0018/2004).

⁸⁶ Под общественными властями обычно подразумеваются федеральные (национальные), региональные и местные органы власти.

⁸⁷ Green Paper on Public-Private Partnerships and Community Law on Public Contracts and Concessions. Brussels. 30.04.2004. P. 3.

⁸⁸ Public Private Partnerships – the Government's Approach. London. The Stationery Office. 2000. P. 6.

⁸⁹ Семинар «Государственно-частные партнерства – новая форма взаимодействия государственного и частного секторов в финансировании инфраструктурных и социальных проектов». Москва. Посольство Великобритании. 2003. -С. 27.

жойдаги ижтимоий муносабатлар йиғиндисини ўзида намоён этади ва хуқуқнинг турли тармоклари томонидан тартибга солинади.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, ДХШга қуйидагича таъриф бериш мумкин: давлат-хусусий шериклик давлат билан хусусий сектор ўртасидаги давлат ва муниципал мулк обьектлари, шунингдек иқтисодий фаолият турларининг кенг доирасида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва муниципал органлар, муассасалар ва корхоналар томонидан бажариладиган ва кўрсатиладиган хизматлар борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг юридик жиҳатдан тасдиқланган шаклини ўзида намоён этади.

Давлат билан хусусий секторнинг ҳар бир ана шундай қўшма лойиҳаси муваққат лойиҳа ҳисобланади, чунки, одатда, муайян муддатга ва муайян вазифани ҳал этиш учун тузилади.

ДХШни ташкил этиш ва амалга оширишнинг асосий шартлари

Халқаро амалиёт таҳлили ҳозирги иқтисодий муносабатлар тизимида ДХШнинг ривожланишидаги муваффақиятларни белгилаб берувчи бир қатор шарт-шароитларни ажратиш имконини беради.

Энг асосий шарт – давлат-хусусий шериклидаги ижтимоий ва хусусий манфаатлар ўртасидаги зиддиятларнинг бартараф этилиши. Яна бир зарурий шарт – ДХШнинг институционал мухитини яратиш. Ва, ниҳоят, яна бир муҳим шарт – бу ДХШ дастурлари ва лойиҳаларини ташкил этишда давлатнинг етакчи роли сақланиши ва шу билан бир вақтнинг ўзида ҳокимият томонидан ушбу шериклиқда давлат ва муниципал активларни хусусийлаштиришга хос бўлган устунликлардан фойдаланиш.

Давлат билан тадбиркорлик сектори ўртасидаги узвий алоқалар хуқуқий давлат ва бозорга хос бошқарув тизимининг моҳиятидан келиб чиқади. Шу аснода давлат (унинг турли субъектлари тимослида) ва бизнеснинг иттифоқида ижтимоий ва хусусий манфаатлар, ижтимоий неъматларни таъминлаш ва фойда олиш ўртасида зиддият пайдо бўлиши муқаррар. Ушбу

зиддият қандай ҳал этилади, шерикликлар мамлакат, худудлар ва шаҳардаги ижтимоий-иктисодий муносабатларга қандай таъсир кўрсатади, жамият анъанавий тарзда давлатнинг жавобгарлиги соҳасига тааллуқли бўлган ишлаб чиқаришлар ва хизматлар алоҳида турларининг хусусий секторга ўтказилиши натижасида қанақа ижтимоий-иктисодий оқибатларни кутаяпти, – буларнинг барчаси фуқаролик жамиятининг ДХШни тушуниб етиш даражасига, давлатнинг кучига, давлат аппаратининг фаолиятини назорат қилиш жамоат институтларининг ривожланганлигига, ДХШ ўзаро ҳамкорлигининг шаффофлигига боғлик.

Ҳатто ДХШ муносабатларининг кучли институционал базасига эга бўлган ривожланган мамлакатларда ҳам ДХШ баъзан кўпроқ хусусий манфаатни амалга ошириш учун қўлланилади. Манфаатлар мувозанатининг бундай ўзгариши натижасида рақобат шартларининг бузилиши юз беради, давлат билан хусусий сектор ўртасидаги шериклик тушунчасининг ўзига нисбатан ишончсизлик ортади. Амалиётда ушбу ҳодисалар кўпинча коррупция фактлари билан боғлик бўлиб, уларга қарши туриш – ДХШни шакллантиришдаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Давлат томонидан мулк ҳукуқларини таъминлаш, эркин рақобат ва барча иктисодий субъектларнинг ижтимоий неъматлардан тенг фойдаланиши учун имкониятлар яратиш ҳамда айрим ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш функцияларининг бажарилиши иктисодиётга давлат аралашувининг институционал асоси бўлиб хизмат қиласи. Айни пайтда алоҳида субъектларнинг хўжалик фаолияти фойдаси эмас, балки қандайдир интеграл шаклда ифодалangan жамият асосий мезон бўлиши керак.

Бошқача айтганда, ДХШга давлатнинг аралашуви, биринчи галда, бозорнинг, хусусан, монополияда, айрим ижтимоий зарур фаолият турларининг кам фойда кўришида, тузилмавий номутаносиблик ва ҳоказоларда ўз ифодасини топадиган муваффақиятсизликларини бартараф этишга йўналтирилган бўлиши лозим. Бозор механизмининг ушбу камчиликлари иктисодиётнинг ҳолати кўп жиҳатдан уларга боғлик бўлган

ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида, шунингдек давлатнинг роли анъанавий тарзда кучли бўлган ва шундай бўлиб қолаётган ижтимоий соҳада энг яққол тарзда намоён бўлади.

ДХШнинг вужудга келиши ва ривожланишида кўп нарса давлат олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун тегишли институционал муҳитнинг мавжудлиги, ижтимоий-сиёсий кучларнинг жой-жойига қўйилиши ва у ёки бу сиёсий қарашларнинг устунлик қилиши билан белгиланади. Бунда гап нафақат муҳим даражадаги хукумат қарорининг намоён бўлиши, балки жамоатчилик фикрини ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасида хусусийлаштириш механизмларидан фойдаланишга тайёрлаш йўли билан жамиятнинг куйи қатламларида тўғри фикр ҳосил лозим.

ДХШ режаларини муваффақиятли амалга оширишнинг зарурий шартлари бўлиб қуидаги институционал омиллар ҳисобланади: тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиши, хусусий секторнинг давлат ва муниципал мулк обьектларидаги фаолияти шаффоғлигини таъминлаш, аниқ тавсиялар ва йўриқномаларни ишлаб чиқиши, давлатнинг эълон қилган вазифалари ва ДХШ тамоилларига қатъий амал қилиши, умумий вазиятнинг барқарорлиги.

Бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамиятининг етарлича такомиллашмаган институционал муҳитига эга мамлакатларда ташқи омиллар, шу жумладан илғор мамлакатлар муваффақияти билан боғлиқ, баъзан тегишли институционал, ҳуқуқий ва молиявий асосни тайёрламаган ҳолда ДХШнинг хорижий моделларидан нусха қўчиришга ундовчи руҳий босим алоҳида роль ўйнайди. Бундай сиёsat кутилганга қараганда мутлақо қарама-қарши натижаларга олиб келиши ва узоқ йиллар ДХШ тўғрисида салбий фикрлар мавжуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан хукумат ва жамият томонидан ДХШнинг хусусийлаштириш жараёнларидағи ўрни, роли ва аҳамиятининг тўғри тушунилиши алоҳида аҳамият касб этади. Давлат-хусусий шерикликни

хусусийлаштиришнинг алоҳида шакли сифатида талқин этиш мумкин⁹⁰.

Айрим мутахассислар шерикликларни ташкил этиш жараёнини шунчаки хусусийлаштириш деб аташади. Масалан, «Давлат ва хусусий секторнинг шериклиги: жамиятнинг фаровонлигини молиялаш» Америка фундаментал тадқиқотида айтилишича, «хусусийлаштириш, яъни хусусий компанияларнинг давлат корхоналарини молиялаш, лойиҳалаштириш, қуриш, уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланишдаги иштирокини сезиларли даражада ошириш имконини берувчи турли битимларни тузиш» инфратузилма харажатларини молиялашнинг муқобил манбаларидан бирига айланиши мумкин⁹¹.

Бошқа бир нуқтаи назарга кўра, ДХШ – бу умуман хусусийлаштириш эмас. Буюк Британия ҳукумати томонидан ДХШга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган Partnerships UK компанияси бошлиғи М.Б.Джеррарднинг ёзишича: «Шерикликлар давлат мулкига ҳам айлантирилмаган, хусусийлаштирилмаган активлар ва хизматлар ҳисобланиб, хўжаликнинг давлат ва хусусий секторлари чегарасида ташкил этилади ва фаолият кўрсатади. Шу тариқа, сиёсий жиҳатдан олиб қаралганда улар ҳукуматнинг аҳолига айрим ижтимоий хизматлар қўрсатишига ёрдам берувчи учинчи йўлни ўзида намоён этади»⁹².

Агар хусусийлаштириш давлатнинг иқтисодиётдан, унинг алоҳида соҳалари ва ишлаб чиқаришлардан кетишини англатса, шерикликларнинг ташкил этилиши давлат ва ҳудудий мулк обьектларига нисбатан иқтисодий, ташкилий, бошқарув функциялари бир қисмининг бизнесга ўтказилишига олиб келади. Лекин обьектларнинг ўзи давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари мулкида ўзгармасдан қолади. Шу нуқтаи назардан, ДХШ бу хусусийлаштириш эмас.

⁹⁰ Партнерства – это полуприватизационные формы ведения хозяйства (semi-privatization).; Public/Private Partnerships: Financing a Common Wealth / ed. by B. Weiss. Washington, 1985. P. 67.

⁹¹ Public/Private Partnerships: Financing a Common Wealth / ed. by B. Weiss. Washington, 1985. P.

⁹² Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations? // Finance & Development. 2001. Vol. 38. No. 3.

Давлатнинг хусусий сектор билан шериклик муносабатлари тизими аралаш иқтисодиётнинг намоён бўлиши ҳолатларидан бири ҳисобланади. ДХШда давлат ўзига тегишли мулкни бошқаришни ўз ташкилий тажрибаси, билимлари, ноу-хауни киритиб, инвестицияларни амалга оширувчи, шунингдек тадбиркорлик фаолияти таваккалчиликларини камайтирувчи хусусий секторга юклаган ҳолда ўзига хос бўлмаган хўжалик функцияларидан воз кечади. Мазкур ҳолатда жамият учун иқтисодий самара бу – янада сифатлироқ товарлар ишлаб чиқарилиши ва паст харажатлар билан хизмат кўрсатишнинг юқори даражасига эришиш ҳисобланади.

Давлат-хусусий шерикчилигининг асосий тамоиллари

Давлат ва хусусий сектор шериклигининг шакллари кўрсатиладиган хизматлар ва ишлаб чиқариладиган товарлар турлари, қўлланиладиган усуллар ва ҳуқуқий режим бўйича фарқ қиласди. Лекин улар жамият манфаатларини қондиришга йўналтирилган бир қатор умумий тамоилларга бўйсунади. Ушбу давлат-хусусий шерикликлар хўжалик юритиш тизими сифатида фақат фойда олишга йўналтирилган хусусий тижорат ташкилотларининг фаолиятидан тубдан фарқ қиласди.

ДХШнинг асосий тамоиллари қуйидагилардан иборат:

- Тарафлар манфаатларининг тенглиги ва ҳаракатларни танлаш эркинлиги.
- ДХШ шартномасининг барқарорлиги ва бир вақтнинг ўзида уни ўзгартириш ва мослаштириш имконияти.
- Шартнома шартларининг бажарилиши учун жавобгарлик.
- Рақобатчилик.
- Шаффоффлик ва тескари алоқа.
- Давлатнинг хусусий шерикнинг жавобгарлиги соҳасига аралашмаслиги.
- Рағбатлантириш ва кафолатлар.
- Қайтарилиш.

➤ Хорижий компанияларга нисбатан тенг хуқуқли муносабат.

Давлат-хусусий шериклик шакллари

Хорижий адабиётларда давлат ва бизнес шерикликларининг турли таснифлари мавжуд. Хусусий капитал иштирокидаги шериклик шаклини танлаш ҳукумат/муниципалитет ёки мулкни бошқарувчи ва буюртмани жойлаштиришда буюртмачи сифатида иштирок этувчи орган томонидан олдинга қўйилган мақсадларга ҳамда давлат томонидан бизнесга топшириладиган мулк ҳуқуқларининг ҳажмига боғлиқ. Муайян лойиҳаларда ДХШнинг шаклини белгилаб берувчи асосий омиллар қўйидагилардан иборат:

- миллий қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятлари;
- инвестиция таваккалчиликларини тақсимлаш схемалари;
- шериклик учун зарур бўлган шартномавий муносабатларни ташкил этиш тажрибаси;
- лойиҳа ёки фаолият турининг қайси тармоқقا мансублиги;
- объект хизматлари учун тўловчи(лар)ни ва у(лар) учун танланган шаклнинг оқибатлари.

ДХШ лойиҳаларини таркиблаш борасидаги катта ишни Жаҳон банки (World Bank) амалга ошироқда. Ушбу фаолиятнинг асосида ДХШ шаклларининг қўйидаги таснифи ётади⁹³.

1. Бошқарув шартномалари ва ижара шартномалари (Management and lease contracts): хусусий компания бошқаришга ёки ижара шартларида давлатга тегишли мулкни (хизмат турини) муайян вақтга олади. Инвестицияларни давлат амалга оширади. Бошқарув шартномасида давлат хусусий шерикнинг хизматлари ҳақини тўлайди ва операция таваккалчиликларига қўл уради. Ижара шартномасида давлат ижарачидан ижара ҳақини олади, операция таваккалчилиги эса хусусий компания чекига тушади.

⁹³ Источник: http://ppi.worldbank.org/resources/ppi_glossary.aspx

2. Концессия (Concession): хукумат хусусий компанияга қайтариш шарти билан түлов эвазига шартнома бўйича мавжуд обьектга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳукуқини тақдим этади. Объект (кўчмас мулк) учун мулк ҳукуқи давлат секторига тегишли, айни пайтда хусусий сектор уни кенгайтириш ва концессия битими билан белгиланган даврда амалга оширилган барча такомиллаштиришлар учун ўз ҳукуқини сақлаб қолади. Хусусий компания операция ва инвестиция таваккалчиликларига қўл уради.

Концессияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- реконструкция қилиш – бошқариш – топшириш (Rehabilitate-Operate-Transfer, ROT);
- реконструкция қилиш – ижара – топшириш (Rehabilitate-Lease-Transfer, RLT);
- кенгайтириш – бошқариш – топшириш (Build-Rehabilitate-Operate-Transfer, BROT).

3. Янги қурилишни назарда тутувчи лойиҳалар (Greenfieldprojects): хусусий компания шартномада кўрсатилган муддат мобайнида янги ишлаб чиқариш қувватларини қуради ва улардан фойдаланади. Бундай шартномаларнинг қуйидаги турлари ажратилади:

- қуриш – ижарага олиш – эгалик қилиш (Build-Lease-Own, BLO);
- қуриш – эгалик қилиш – бошқариш – топшириш (Build-Operate-Transfer, BOT);
- қуриш – эгалик қилиш – бошқариш (Build-Own-Operate, BOO).

4. Активларни қисман хусусийлаштириш (Divestiture): хусусий компания давлат/муниципал мулкда бўлган корхона акциялари пакетининг бир қисмини сотиб олади. Корхонани бошқариш хусусий компанияга ўтиши ёки давлатда қолиши мумкин.

Хорижий давлатларда, шу жумладан Россия Федерациясида ДХШнинг қуйидаги асосий шакллари қўлланилади:

- 1) хусусий секторнинг инвестициявий мажбуриятларини ўзида мужассам этган давлат шартномалари;

- 2) давлат мулкини ижарага олиш;
- 3) капиталда иштироқ этиш;
- 4) концессиялар (концессия битимлари);
- 5) маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимлар;
- 6) турли хил ишларни ва мулк муносабатларини ўзида мужассам этувчи шартномалар.

5.2. Оиланинг ижтимоий-иқтисодий функциялари ва тадбиркорлик фаолияти

Оила ер юзидаги энг қадимий ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Оила – жамиятнинг бошлангич бўғини ҳам ҳисобланади. Шу билан бир вақтда оила бутун жамиятнинг ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаради ва жамиятда яратилган барча маҳсулотларнинг пировард натижада истеъмолчиси ҳам шу оила ҳисобланади ва оила бутун жамиятни биологик, ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ҳаётийлигини таъминлайди.

Илмий адабиётларда “оила” тушунчасига турлича таърифлар берилган. “Оила” тушунчасининг таърифларида асосий эътибор унинг ўзига хос мақсади ва функцияларига қаратилган. Масалан, қариндошлар грухси сифатида В.В.Радаев оиласига қуйидагича таъриф берган⁹⁴: “Оила – бирга яшовчи яқин қариндошлар грухси ёки никоҳ ва қариндошлик муносабатлари билан боғланган инсонларнинг фарзандлар тарбиясини ва бошқа ижтимоий аҳамиятли функцияларнинг бажарилишини таъминловчи грухси”. Винтер М. ва Моррис У. тадқиқотида⁹⁵: “Оила – бир уйда яшаши ва умумий бюджетга эга бўлиши шарт бўлмаган, оила-қариндошлик алоқаларининг умумийлиги билан бирлашадиган грух” эканлиги эътироф этилади. Бизнинг фикримизча, “Оила

⁹⁴ Радаев В.В. Человек в домашнем хозяйстве // Социологические исследования. – М. – 1997, №4. – С. 64-72.

⁹⁵ Winter M., Morris E. Family Resource & Family Business: Coming Together // Theory and Research, working paper. Ames: Iowa State University, Iowa Agriculture and Home Economics Experiment Station, 1996. P.2

– инсонларнинг, одатда, қариндошлиқ алоқалари ва турмушнинг умунийлиги асосида онгли равишда ташкил этилган кичик гурухи бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти оила аъзосининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун амалга оширилади.

Ушбу таърифларда оиланинг қариндошчилик, никоҳ ҳамда ижтимоий функцияларини таъминлаш каби белгилари асос сифатида иштирок этади. Шуларга асосланиб, оиланинг мақсади ва функцияларини тавсифлаш мумкин.

Оиланинг асосий мақсади – инсонни дунёга келтириш, инсон капиталини асрар учун моддий асос яратиш.

Оиланинг асосий функциялари – ижтимоий, иқтисодий, молиявий, истеъмол, жамғариш, тақсимот.

Ижтимоий функцияси – оилани ҳимоялаш; фарзанд қўриш; болани соғлигини ҳимоялаш; болани ватанпарварлик руҳида тарбиялаш; болага билим бериш; болани ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш.

Иқтисодий функцияси – ишлаб чиқариш; иқтисодий ноишлаб чиқариш; якка тадбиркорлик; ҳунармандчилик; оилавий корхонада ишлаш; бошқа корхона ва ташкилотларда ишлаш.

Молиявий функциялари – оила бюджетини шакллантириш; даромад ва харажатларни тақсимлаш; оила жамғармасини шакллантириш; жамғармани тақсимлаш ш.ж. инвестициялашга.

Истеъмол функцияси – озиқ-овқат маҳсулотлари; ноозиқ-овқат ҳамда қимматли буюмлар ва товарлар.

Оиланинг ушбу функцияларини ҳисобга олганда уларни социологлар, демографлар, статистиклар, психологлар, иқтисодчилар ва бошқа фан вакиллари ўрганадилар. Биз ушбу тадқиқот доирасида оилани қўллаб-куватлаш ва мустаҳкамлаш зарурияти нуқтаи назаридан унинг ижтимоий-иқтисодий функциялари бўйича амалга ошириладиган вазифаларига эътибор қаратамиз.

Оила уй хўжалигининг негизини ташкил этади (5.1-расм). Оила ва унинг моддий асосини мустаҳкамлаш институционал ташкилот сифатида уй

хўжалиги бажарадиган функцияларни билиш, ривожланишини қўллаб-кувватлаш ва уни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича қарорлар қабул қилиш ўта муҳим хисобланади.



5.1-расм. Оила уй хўжалигининг негизини ташкил этади

Манба: муаллиф томонидан тузилган

Умуман олганда уй хўжалигининг асосий вазифаси – кутилмаган ҳолатлар юзага келишидан қатъи назар ўз оила аъзоларига фаровонликнинг кафолатланган даражасини таъминлашдан иборат. Уй хўжалигининг ҳимоя вазифаси ўзаро ёрдам ва оила аъзоларини моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлашга асосланади.

Иккинчи томондан, уй хўжалиги шундай тарзда ташкил этилиши мумкинки, яъни у ўз хусусиятига қўра аъзоларининг мулкий ва бошқа хуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган ёллаш тўғрисидаги шартномага яқин келади. Бундай ҳолатда биргаликда хўжалик юритиш тўғрисида қарор қабул қилиш фаровонликнинг маълум даражасига рози бўлишни эмас, балки уни қўпайтиришга интилишни акс эттиради.

Оила фаолиятининг асосий функциясини инсон капиталини қайта ишлаб чиқариш, реализация қилиш ва сақлаш сифатида белгилаш лозим. Инсон капитали, ўз навбатида, инсоннинг билимлари, амалий қўнималари ва меҳнат саъй-харакатлари йиғиндиси сифатида тушунилади. Оиланинг инсон

капиталини асраш бўйича вазифаларини қуидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин (5.2-расм):



5.2-расм. Инсон капиталини асраш ва ривожлантиришда оила функциялари ва вазифалари

Манба: муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган.

1. Оила фаолиятида инсон капиталини тиклаш ва сақлаш. Ушбу функцияларни бажаришда иккита асосий вазифа ҳал этилади. Биринчиси, оила бюджетини шакллантириш ва ундан фойдаланиш. Иккинчиси, уй хўжалигини юритиш. Бу вазифалар оила харажатларини қоплаш ва инсон капиталини шакллантириб бориш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

2. Оилада инсон капиталини ишлаб чиқариш (шакллантириш), яъни бола туғилиши, уни тарбиялаш, вояга етказиш ва ижтимоий функцияларини бажариш хисобланади. Булар ўз навбатида инсон капиталини амалда турли йўналишларда ишлатиш функцияси билан чамбарчас боғлиқдир.

3. Оилада инсон капиталидан фойдаланиш, амалда иккита функцияни ўз ичига олади. Биринчиси, оила бизнесини ҳамда қишлоқда дехқон хўжалигини юритиш (ишлаб чиқариш) ва иккинчиси, оила аъзоларининг бозор муносабатларида якка тартибда ёки корпоратив шаклда иштирок этиш функциялари.

Оиланинг ушбу функцияларини ҳаётда амалга ошириш, бир томондан оила аъзолари ҳамда унинг бошлиғига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан давлатнинг оила ва уй хўжаликларини тартибга солиш, уларни қўллаб – кувватлаш тизимиға ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда оила фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган қонун хужжатлари қабул қилинган. Уларда оиланинг уй хўжалигида ишлаб чиқариш функциялари ва оила бюджетини шакллантириш билан боғлиқ бўлган муҳим институционал нормалар ва механизмлар мавжуд. “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги ва “Оила тадбиркорлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунлари шулар жумласига киради. Ушбу қонунлар негизида уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш ҳамда оила бизнеси амалга оширилади.

Оила тадбиркорлиги (бизнеси) ҳамда дехқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини ҳамда уларни молиявий ва инвестициялаш функцияларини фаоллаштироқда. Уй хўжалиги функцияларини тўлақонли бажарилиши жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Шу боис оиланинг мустаҳкамлиги ва ривожланиши кўп жиҳатдан уй хўжаликлари ривожланганлик ҳолати билан тавсифланади.

Оила аъзолари томонидан иқтисодий фаолиятнинг амалга оширилиши жараёнида ишлаб чиқариш ва иқтисодий ноишлаб чиқариш фаолиятини бажаради.

Оиланинг ишлаб чиқариш фаолиятига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- дехқон хўжалигини юритиш. Бунда барча турдаги ер участкаларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланилади.

Етиширилган маҳсулотни ўзи истеъмол қилиши ҳам, бозорда сотиши ҳам мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида ва иқтисодий инқироз шароитида дехқон хўжалиги аҳоли турмушини тўкин бўлишидаги аҳамияти янада ортди ҳамда оила даромадларининг муҳим манбаига айланди.

Дехқон хўжалигига етишириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпайиши нафақат маҳаллий аҳолини мева ва сабзавотлар билан таъминлаш, балки уларни бошқа минтақалар бозорларида сотиш имконини ҳам кенгайтирди. Бу қишлоқ жойлари учун четдан пул маблағлари тушумининг муҳим манбаига ҳам айланди.

- якка тартибдаги уй меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти. У билан асосан уй шароитида йирик корхоналар билан кооперация (касаначилик) негизида аҳоли учун кундалик эҳтиёж молларини ишлаб чиқариш ва турли ишлар бажарилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти жараёнида қуйидаги ишлар бажарилади:

- кийим-кечак тикиш, пойабзал тайёрлаш;
- хонадонларни таъмирлашда, дала ҳовлиларини қуришда фойдаланиладиган материалларни тайёрлаш ва сотиш;
- ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш;
- маҳаллий доимий ва мавсумий ҳунармандчилик;
- озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш;
- ошхона маҳсулотлари тайёрлаш;
- оиласий корхоналар (дўконлар, қаҳвахоналар, устахоналар ва х.к.)ни ташкил этиш ва сақлаб туриш.
- оиласий тадбиркорлик. Бу уй шароитида ёки алоҳида кичик корхоналарда ҳамда ҳунармандчилик орқали тайёр ва яrim тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш; улар билан савдо – сотик қилиш; тўпланиб қолган кераксиз майда мулкларни сотиш; четдан олиб келинган товар ва маҳсулотлар билан савдо қилиш каби фаолият турларини ўз ичига олади.

Оиланинг иқтисодий ноишлаб чиқариш фаолияти жумласига куйидагилар киради:

- турар жой майдони, дала ҳовлилари, узок муддатли фойдаланиладиган буюмлар, автомобиллар, гаражлар, саройлар ва бошқа мулкларни ижарага бериш;
- қимматли қоғозларни харид қилиш ва улардан фойдаланиш, банкдаги омонатлар билан операцияларни амалга ошириш.


Шу билан бирга бозор муносабатлари ва рақобатни шакллантириш учун оилалар муайян ҳажмдаги молиявий ва мулкий салоҳиятга эга бўлиши лозим. Бу:

- кўчмас мулк (ер участкаси, квартира, бошқа бинолар);
- капитал активлар (ускуналар, асбоб-анжомлар, иш ҳайвони);
- молиявий активлар (пул, қимматли қоғозлар ва б.);
- мол-мулк (узок муддат фойдаланиладиган товарлар).

Оиланинг молиявий маблағлари (пули) куйидаги манбалардан келиб тушадиган маблағлар ҳисобига шаклланади (5.3-расм):

- ўз маблағлари, яъни оиланинг ҳар бир аъзоси томонидан ишлаб топилган маблағлар – иш ҳақи, деҳқон хўжалигидан келадиган даромад, тижорат фаолиятидан кўриладиган фойда;
- кредит ташкилотларидан олинган кредит шаклида бозорга сафарбар этилган маблағлар, дивиденdlар, фоизлар;
- қайта тақсимлаш тартибида келиб тушган маблағлар – пенсиялар, нафақалар, бюджетлардан ва бюджетдан ташқари фонdlардан олинган ссудалар.

Оиланинг маблағи тижорат корхоналари, фермер хўжаликлари, турли ташкилотлар, ижтимоий соҳа ва истеъмол бозори субъектлари билан ҳам юзага келади (5.3-расм). Улардан товар ва хизматларни қўлга киритиб, оила уларга пул шаклида олинган турли неъматлар қийматини қайтаради. Шу билан бирга юридик шахслар оилаларни кредит ресурслари, фойда, дивиденdlар, фоизлар, ижара тўлови билан ҳам таъминлашлари мумкин.



- 1-трансфертлар;
 2-солиқ ва бошқа тўловлар;
 3-пул даромади (иш ҳақи ва б.);
 4-ишчи кучи, маҳсулот, хомашё;
 5-маҳсулот ва хизматлар;
 6-мутахассислар;
 7-хизматлар;
 8-ишчи кучи;
 9-ресурслар ва хизматлар;
 10-тўловлар;
 11-жамғарма пули;
 12-кредит

5.3-расм. Уй хўжаликларининг бошқа иқтисодиёт субъектлари билан ўзаро алоқалари

Манба: муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган

Оилалар қуидаги муносабатларнинг таркибий қисмлари сифатида иштирок этади:

- солиқ тизими (солиқ тўловчи сифатида уй хўжаликлири бошқа иқтисодиёт субъектлари бюджетлари даромадларининг асосий қисмини шакллантиради, бироқ, ривожланган хорижий мамлакатлардан фарқли ўлароқ, давлат ғазнасини шакллантириш бўйича асосий солиқ юки юридик шахсларнинг зиммасига тушади);

– молиявий бозор (омонатчилар сифатида уй хўжаликлари ўз даромадларининг бир қисмини инвестиция қилади ва бу билан молиявий тизимнинг бошқа бўғинларида молиявий ресурсларни ошириш имкониятига таъсир кўрсатади).

Оилада доимий фаоллик, ҳаракатлар ташаббуси, турли босимларга қаршилик кўрсата олиш, ютуқлар ва таваккалчиликка интилиш хусусиятларига эга бўлган шахс оила бошлиғи бўлади.

Оила бошлиқлари қуидаги функцияларни бажариши керак:

- оиланинг хавфсизлигини таъминлаш;
- оилавий мақсадларга эришиш учун оила аъзоларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш;
- оилавий ҳаётнинг истиқболларини белгилаш;
- оилани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- оила бюджетини шакллантириш ва тақсимлаш;
- оилани келажакка ишонтириш.

5.3. Оилани қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш муаммолари

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб оилани қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш муаммоларига эътиборнинг ортганилиги қузатилмоқда. Бу ҳол, авваламбор, оиланинг миллий иқтисодиёт ривожланишига қўшаётган ҳиссаси ошаётгани билан боғлиқдир.

Оила, статистик бирлик ҳисобланган уй хўжалигининг асосини ташкил этади ва унинг иқтисодий функциясини бажаради. Оила бутун жамиятнинг ишчи кучларини такror ишлаб чиқаради ва мамлакатда яратилган барча товар-маҳсулотларнинг пировард натижада истеъмолчиси ҳам шу оила ҳисобланади, шунингдек, оила бутун жамиятни биологик, ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ҳаётийлигини таъминлайди.

Оила ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, молиявий ва бошқа функцияларни бажариб, давлат ва жамият ривожига катта таъсир кўрсатади. У меҳнат

ресурсларини шакллантиришнинг манбаси ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, оила ривожига шарт-шароитлар яратиш, уни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иктисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар жараёнида оилани ва унинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими шаклланган. Уларга мувофиқ оилаларга кўшимча ер участкалари ажратиш, кам таъминланган оилаларга чорва моллари бериш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда кам таъминланган ва ёш оилаларга уй-жойлар бериш йўлга қўйилган. Натижада мамлакат бўйича оилалар ва уй хўжаликлари сони ҳамда даромадлари кескин қўпайди, айниқса уларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланиши жадаллашди. Шуларга қарамай, оила ва уй хўжаликларининг ривожланиши, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолияти, уларнинг бозор муносабатларида иштирок этиш қўламлари мамлакатни модернизациялаш, барқарор иктисодий ўсишини таъминлаш талабларидан ортда қолмоқда. Ҳозиргача оилаларининг ижтимоий-иктисодий функциялари ҳамда ривожланиш қонуниятлари тўғрисида тизимлаштирилган билимлар этишмаслиги, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи, қўллаб-қувватловчи ҳамда рағбатлантирувчи расмий ва норасмий институтлар етарли даражада ривожланмаганлиги кутилган натижаларга тўлиқ эришишга тўсиқ бўлаётган сабаблардан саналади.

Мамлакатимизда 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”⁹⁶, 2013 йил эса “Обод турмуш йили”, унинг мантиқий давоми сифатида 2014 йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши, шунингдек, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурларининг изчиллик билан амалга оширилиши халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган

⁹⁶ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Халқ сўзи. 2012 йил, январь.

кенг кўламли чора-тадбирлар натижавийлигини янги поғонага кўтаришда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Шу нуқтаи назардан, оила мустаҳкамлигига, унинг ободлиги ва фаровонлигига бевосита таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш, улар ўзгариши тенденцияларини баҳолаш, оилалар ривожланишини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз ҳудудларини янада ривожлантиришга оилаларнинг мавжуд салоҳиятини жалб этиш йўлларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олганда оилаларни янада ривожланиш, уларни ижтимоий-иктисодий, интеллектуал, жамғариш ва инвестициялаш салоҳиятини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг янги истиқболларини очиб беришга йўналтириш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистонда оилани ижтимоий ҳамда иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва уни мустаҳкамлаш юзасидан қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган. Бундай ҳужжатлар қаторида ЎзРининг “Оила кодекси” асосий ўрин тутади. Ушбу Кодекс оилани мустаҳкамлашдан иборат қоидалар ҳамда оилавий муносабатларни тартибга солишнинг институционал – ҳуқуқий нормаларини ўз ичига олади. Бундай нормалар ЎзРининг Конституцияси ҳамда Фуқаролик Кодексининг тегишли моддаларига асосланган. Шу билан бир вақтда оилани моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси XIV-бобининг 1 параграфи («Аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар»), Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунининг 27-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Конунининг 18-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли «2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш

борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги ПФ-1657-сонли «Болали оиласарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли «Кам таъминланган оиласарга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, «Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом⁹⁷ ва бошқа қонунчилик ҳужатларида белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оиласи қўллаб-қувватлашда маҳалланинг роли бекиёс ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳада қатор қонунчилик ҳужжатлари ичida, “Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи тўғрисида”ги қонун алоҳида аҳамиятга эга. Конунда белгилаб қўйилган қоидалар нафақат фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш вазифаларини бажаради, балки у оиласада тинчлик ва осойишталикни сақлаш муаммоларини ечишга ҳам катта ҳисса қўшади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2019 й. ПФ-5700 сонли “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқесини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони маҳалланинг оиласи қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда таъсирини янада оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишни назарда тутади. Ушбу Президент Фармони шунингдек, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчилик асосларини тубдан такомиллаштиришни кўзда тутади.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янада фаоллаштиришда ЎзР ВМнинг “Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 15.02.2018 й. 117-сонли қарори салмоқли вазифаларни белгилаб берди. Унга кўра маҳалла фуқаролар йигини (МФЙ)да оиласи янада мустаҳкамлаш йўналишида оила

⁹⁷ <http://axbor.sorbon.ru/cr/uzbekiston-respublikasining-oila-ko/>

тадбиркорлиги, аъзоларини иш билан бандлигига қўмак бериш вазифаларини амалга ошириш йўллари бўйича аниқ топшириқлар берилган.

Оилани мустаҳкамлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27-июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3808-сонли қарори оилани қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашда мавжуд муаммоларни ечишга тизимли ёндашув сифатида янги босқични бошлаб берди. Қарор билан қабул қилинган концепция оилани ривожлантириш, унинг дунёда мавжуд бўлган замонавий моделига ўтишни таъминловчи восита ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқот ҳамда амалий тадбирларни амалга ошириш учун “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил этилиши ва унинг вилоят ҳамда туманларда бўлинмаларининг фаолият олиб бориши давлатнинг оила ва халқимиз келажагига энг юқори эътибор қаратилаётганлигини исботи ҳисобланади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда оилани қўллаб-қувватлаш ва уни мустаҳкамлашнинг институционал-хуқуқий базаси яратилган ва улар изчил амалиётга жорий этилмоқда ҳамда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Шу билан бир вақтда, оила тадбиркорлигини, унинг иқтисодий фаолиятининг асоси сифатида оила тадбиркорлигининг таркибий қисмлари бўлган якка тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик йўналишларининг статистика базасини такомиллаштириш, улар ҳақида доимий статистик маълумотлар чоп этиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон хукумати томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида оила ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маълум ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакат аҳолиси сони 2018 йилда 32656,7 минг кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2014 йилга солиштирганда 7,1 фоизга кўп. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сони шу йилда мос равища жамига нисбатан 50,6 ва 49,4 фоизни ташкил этган. Бу аҳолининг қишлоқ жойларидан

шаҳарларга ички миграциясининг фаоллашиш тенденциясини кўрсатади. Ушбу ўзгариш аҳоли бандлиги, тадбиркорлик фаолияти ҳамда оила даромадларининг ошишини таъминлайди. Оилани иқтисодий мустаҳкамлашда бу муҳим омиллардан бири саналади.

Ўзбекистонда 9 мингта маҳаллада 18000 мингдан ортиқ оила мавжуд. Битта оила уй хўжалигида республика бўйича ўртача 5,1 киши, шундан шаҳарда 4,9 ва қишлоқда 5,4 киши мавжуд⁹⁸. Республикаизда 4 киши яшовчи оилалар жами оилаларнинг қарийб 20 фоизини, 5 та ва ундан кўп киши яшовчи оилалар 70,4 фоизни ташкил қиласди. Ушбу ҳолатлар мамлакатимизда оила тадбиркорлигини ривожлантириш салоҳияти анча юқори даражада эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда (2017 й.) иқтисодий фаол аҳоли 14357,3 минг кишини, шундан иш билан бандлар сони 13520,3 минг кишини (ёки 94,2%ни) ташкил қиласди. Ушбу кўрсаткичлар 2014 йилга солиштирганда мос равища 6,3 ва 5,5 фоизга кўпдир. Иқтисодиётда бандларнинг 54,2 фоизи эркаклар ва 45,8 фоизи аёллардир. Иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан бандлар ўртасидаги фарқ қарийб 840 минг кишини (ёки 5,8% ни) ташкил этади. Бу мамлакатимизда бандликни таъминлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенг амалга жорий қилиш лозим эканлигини кўрсатади.

Статистик маълумотларга кўра, аҳолининг умумий даромади 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 116%га, 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 112,0%га; 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 114,9%га; 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 120,6%га teng бўлган, яъни оила даромадлари доимий ўсиб бориш тенденциясига эга. Шу билан бир вақтда аҳолининг умумий даромадида кичик тадбиркорликдан олаётган қисми 2017 йилда 55,7 фоизни ташкил қилган, бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 2,1 фоизга кўп ҳисобланади.

Ушбу ҳолатлар оилавий тадбиркорликни мамлакатимиз миқёсида янада ривожлантириш учун маълум даражада молиявий имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Мамлакатимизда аҳоли жон бошига 2013 йилда 3361,5

⁹⁸ Семья в Узбекистане, 2013-2017. Госкомстат Республики Узбекистан. Т.: 2018,-157 с.

минг сўм, 2017 йилда 5649,6 минг сўм умумий даромад тўғри келган. Ушбу кўрсаткич шу даврда 2288,3 минг сўмга ёки 68,1 фоизга ошган.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2017 йилда 5186 та мактабгача таълим муассасалари, 9718 та умумий ўрта таълим мактаблари ва 300 га яқин болалар ва ёшларни маҳсус ўқитиш бўйича таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда ўқиши ва шу билан боғлиқ ишлар ҳаммаси давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Шу билан бир вақтда мамлакатимизда 1576 та ўрта маҳсус касб-таълим ҳамда 72 та олий таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Ушбу таълим муассасалари оиласалар фарзандларига мактабгача ўрта маҳсус ва олий таълим бериш билан бирга, аҳолини ушбу соҳада бандлигини ҳам таъминлайди.

2017 йилда мамлакатимизда қарийб 3,5 млн. (умумий аҳолининг 10,6 фоизи) турли тоифадаги нафақа олувчилик мавжуд бўлиб, улар сони шу йилда 2013 йилга солиштирганда 5 фоизга ошган. Ушбу ўсиш ошиб бориши тенденциясига эга ва бу аҳоли ёшининг катталашиб бораётганлигини кўрсатади. Нафакадаги аҳолининг 112,4 мингтаси (2017й.) иш билан банд бўлган, бу жами нафақа олувчиларнинг 3,2 фоизини ташкил қилади. Умуман олганда ишловчи нафақадаги фуқароларнинг сони ўсиб бориши қонуниятига эга. 2017 йилда ишловчи нафақа олувчилик сони 2013 йилда қарийб 11 фоизга ёки 11,1 минг кишига ошган, ёки шу даврда ишловчи нафақа олувчилик ҳар иили 2,2 минг кишига ошиб борган. Ушбу рақамлар кўрсатадики, истиқболда нафақа олувчилик ҳам, уларнинг ишлаётганларининг сони ҳам ўсиб бориши хусусиятига эга эканлигини эътироф этиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, республикада болалар интернатларида қарийб 25 минг, ногиронлиги бўлган 101,2 минг нафар болалар мавжуд. Улар болалар уйи ҳамда интернатларда тарбияланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олганда нафақадаги фуқароларни ҳамда интернатларда тарбиялананаётган болаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишни янада қучайтириш ҳамда ушбу соҳада

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, оиланинг ислоҳотларнинг ҳозирги босқичдаги ижтимоий-иктисодий ҳолати ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлари замонавий оилани шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган. Шу билан бир вақтда, тадқиқотлар таҳлили қўрсатишича, оилани мустаҳкамлаш қатор муаммоларни ечиш билан боғлиқ ҳисобланади.

Россиялик тадқиқотчи Т.А.Гурко ва бошқалар⁹⁹ Ғарбда саноат тараққиётидан кейинги давр жамиятларида оила институтини ривожланишини таҳлил қилган. Ғарбий мамлакатлар олимларининг тадқиқотлари асосида ушбу муаллиф қўйидаги фикрларни келтирган:

1. Оилада бола туғилишини кечиктириш ва натижада уни камайишини тўхташиш, аввалом бор эркин “айбсиз” ажралишларни чеклаш зарур, бунинг учун никоҳни қўллаб-қувватлаш маданиятни шакллантириш ҳамда одамларни (эр-хотинни) ўз устига мажбуриятлар олишини рағбатлантириш керак.

2. Никоҳ олди таълими ҳамда никоҳ маслаҳатлари дастурларини давлат томонидан (ёки корпоратив) молиялаштиришга ўтказиш лозим.

3. Мактаб ўқиши дастурларига низоларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда никоҳнинг қадр-қиммати ҳақида дарслар киритиш.

4. Болаларнинг турли оилалар таркибида (отасиз, онасиз ёки ота-онасиз) муваффақиятли ривожланишига кўпроқ камбағаллик, ишсизлик, кам молиялаштириладиган мактаб ва давлат хизматлари йўл қўядиган хатолар салбий таъсир қўрсатади.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан социологик тадқиқотлар натижалари бўйича чоп этилган монографияда Ўзбекистонда оила моделлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда оилаларда никоҳнинг бекор қилиниши (ажралиши) сабаб ва оқибатлари ҳамда уларни

⁹⁹ Гурко Т.А. Институт семьи в постиндустриальных обществах. 2012., Bengson, V.L., Biblarz, Y.J., Roberts, R.E. How families still matter. A longitudinal study of youth in two generations. New York: Cambridge University Press. 2002.

олдини олиш чоралари асосланган¹⁰⁰. Монографияда Ўзбекистонда замонавий оила моделига ўтиш билан боғлиқ муаммолар Сирдарё, Самарқанд, Наманган вилоятларида анкета сўровлари ўтказиш негизида ўрганилган.

Замонавий оилани шакллантириш меъзонлари асосан 5 гурухга бўлинган. Уларнинг тўрттаси ижтимоий ва биттаси иқтисодий мезон ҳисобланади. Ушбу мезонлар бўйича вилоятларда олиб борилган тадқиқотлар оилани барбод бўлишига асосий салбий таъсир қўрсатувчи сабабларни (омилларни) миқдорий баҳолаш имконини берган. Ушбу жараёнга салбий таъсир этувчи омил сифатида моддий қийинчиликлар (иктисодий) Сирдарёда 8; Наманганда 2; Самарқандда 3 фоиз эканлиги кўрсатилган. Ижтимоий ва психологик омиллар вилоятлар бўйича қўйидагicha:

Самарқанд вилоятида: ижтимоий омиллар – 22%; психологик омиллар – 50%.

Наманган вилоятида: ижтимоий омиллар – 24%; психологик омиллар – 52%.

Сирдарё вилоятида: ижтимоий омиллар – 37%; психологик омиллар – 37%.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий ҳамда психологик омилларнинг келиб чиқиши кўп ҳолатларда иқтисодий омилларга ҳам боғлиқ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, оилани қўллаб-қувватлаш, уни мустаҳкам оиласа айлантириш оила аъзоларини иш билан бандлигини, улар даромадлари ошиб боришини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Шуларни ҳисобга олганда Ўзбекистон Президентининг 7 март 2019 йилдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4231-сонли қарори худудларда аҳоли бандлигини ҳамда уларни даромад топишига, оила тадбиркорлигини ривожланишига муҳим замин яратади. Қарорда белгиланган чораларни амалга ошириш давлат-хусусий

¹⁰⁰ Тошмуҳаммедова Д.Ғ., Каримова Д.М., Мавлянов Б.А. Современная семья в Узбекистане. «Оила» илмий-тадқиқот маркази. – Т.: 2019, -73 б. www.oilamarkazi.uz

шериклик доирасида кластер тизими лойиҳаларини шакллантиришга ҳам имконият очиб берди.

Хулоса ва таклифлар:

1. Ўзбекистонда оилани ва унинг аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик базаси яратилган. Қонунчилик нормаларини амалга жорий этиш ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳалар тизими ташкилотлари ҳамда махсус институтлар хизматлари орқали бажарилади. Аммо, қонунчиликда “оилани қўллаб-қувватлаш” деган тушунчанинг аниқ таърифи мавжуд эмас. Ушбу тушунчага оиланинг ўзига тегишли функция ва уларга кирувчи вазифаларни ҳисобга олиб тўлиқ хуқуқий таъриф бериш зарур. Бу давлат, нодавлат ҳамда турли бошқа институтлар томонидан оилага ва унинг аъзоларига (айниқса, ногирон, етим ва ота-онаси қарамоғида бўлмаган болаларга) қўрсатилаётган хизматлар таъсирчанлиги ҳамда сифатини ошириш, уларни назорат қилиш имкониятини кенгайтирган бўлар эди.

2. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида оилани қўллаб-қувватлашга ва уни мустаҳкамлашга давлат эътибори юқори даражага кўтарилди. Оилада улар аъзолари сонининг пасайиши (режали иқтисодиёт даврига нисбатан) тўхтатилди ва бу қўрсаткич ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу мамлакатда аҳоли ўсиши, иқтисодий фаол ва иш билан бандларнинг қўпайиши ва уларнинг катта қисми ёш авлод вакиллари эканлиги билан исботланади. Ушбу ҳолатлар оилаларни мустаҳкамлашнинг асосий фундаментал омили бўлиб ҳисобланади.

3. Оилаларни хусусий тадбиркорликка фаол жалб этиш стратегияси, улар даромадлари ошишини таъминлайди. Бу оилаларни фаровон турмуш кечиришига маълум туртки беради. Оилалар, шу жумладан қишлоқ оилалари ҳам янги уй-жойларга эга бўлишмоқда. Шаҳарлар ҳамда қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли ҳаётининг мазмун-моҳияти, унинг сифати яхшиланиб бораётганлигини қўрсатади. Ушбу ҳолатлар оилалар фаровонлиги ошаётганлигини қўрсатиб турсада, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаракатлар стратегиясининг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича

қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Хусусан, аҳолининг истеъмол харажатлари умумий даромадининг ўртacha 78 фоизини, 20-22 фоизи эса жамғармани ташкил этади. Ушбу нисбат оиласларни асосий капиталга инвестициялар киритиш имкониятларини чеклайди. Шуни ҳисобга олганда аҳолини меҳнат ҳамда тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларини кўпайишига имкон берувчи механизmlарни жорий этишни фаоллаштиришни талаб этади.

4. Оила фарзандларини таълим тизими хизматлари билан таъминлаш даражаси кейинги йилларда ошиб бориш хусусиятига эга. Бу болаларга таълим бериш, уларни тарбия қилиш ва дам олиш муассасаларининг ҳамда болалар сонларининг ошиб бориши билан кузатилмоқда. Ушбу соҳадаги хизматлар (олий ва ўрта махсус таълим ҳамда мавсумий дам олишдан бошқа) давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу ҳолатлар, айниқса, болаларни мактабгача тарбия, мактабда ўқитиш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга хизмат кўрсатишнинг айrim йўналишларини (сигментларини) хорижий тажрибалардан ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилган ишларни ҳисобга олиб, оилани ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ДХШ шакли тизимиغا ўtkазиш лозим ҳисобланади. Бу ички ҳамда хорижий инвестицияларни ушбу соҳага жалб этиш имкониятларии кенгайтиради.

5. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда ҳисобга ишлаётган нафақа оловчилар кўпайиб бориш тенденциясига эга. Шу билан бир вақтда нафақа оловчилар сони ошиб бормоқда. Ушбу ҳолатларда нафақа оловчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлигини ҳимоя қилиш юзасидан “Қарияларни қўллаб-қувватлаш маркази” ДХШ доирасида нодавлат ташкилотини ташкил қилиш мақсадга мувофик ҳисобланади.

Ушбу баён этилган таклифларни амалда ижросини таъминлаш ижтимоий соҳада тадбиркорликни такомиллаштириш ва ривожлантиришга йўл очиб беради.

Хулоса ва таклифлар

1. Оилавий бизнес – дунё мамлакатлари иқтисодиётига узоқ муддатли ижобий таъсир кучига эга. Ҳозирги кунда барча мамлакатларда оилавий корхоналар иқтисодий ривожланишнинг қудратли манбаси сифатида ялпиички маҳсулот ҳамда аҳоли бандлигининг ярмидан ошигини таъминлаб келмоқда.

2. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хорижий мамлакатларда оилавий бизнес шартли равишда 2 гурӯхга бўлинади. Биринчisi – оила аъзолари ва яқин қариндошлари меҳнат қиласиган, кўпи билан ходимлари сони 10 нафар бўлган фирмалардир. Бундай фирмалар дунёning барча мамлакатларида оилавий корхоналарни катта қисмини ташкил этади ва улар йириклишиб катта компанияларга айланади. Оилавий бизнеснинг иккинчи гурӯхи – бир неча

марта мерос қилиб қолдирилган дунёга машхур ва бой тарихга эга оилавий коорпорациялар ва холдинглар ҳисобланади.

3. Ўзбекистонда ҳозирги кунда оилавий бизнеснинг ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Оила институтини мустаҳкамлаш ушбу соҳани барқарор ривожлантириш ва унинг салоҳиятини янада ошириш, оилалар фаровонлигини ва хотиржамлигини таъминлаш учун мавжуд иқтисодий ва институционал – ҳукуқий нормаларни такомиллаштириш зарур ҳисобланади.

4. Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурида белгиланган вазифалар оилавий бизнесни янада ривожлантиришда айнан маҳаллалар худудига асосий эътиборни қаратишни тақозо этади. Бу маҳалла ҳудудида якка тадбиркорлик, хунармандчилик ва оилавий бизнесни турли шаклларини – уй меҳнати ҳамда кооперация асосида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, маҳалла аҳолисини иш билан банд қилишга кенг йўл очиб беради.

5. Сўровнаома ўтказилган “Хувайдо” маҳалласида меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 80 фоизи турли соҳаларда ишлайди. 20-25 фоизи доимий иш билан банд эмас. Оила тадбиркорлиги билан банд бўлганлар ишлайдиганларнинг 34 фоизини ташкил этади. Ушбу ҳолатлар маҳаллада оила тадбиркорлигини ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаётган меҳнат ресурслари ва бошқа имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Шуларни инобатга олганда, маҳаллани оилавий тадбиркорлик Маркази сифатида қарашибозимдир.

6. Маҳаллада ойига юқори даромад олувчи оилалар кўпчиликни ташкил қиласди. Бундай ҳолат аҳолининг катта қисмини хусусий тадбиркорлик, айнан ўз хусусий мулкидан фойдаланиб даромад топишга, оила негизида тадбиркорлик фаолиятини бошлашга розилигини кўрсатмоқда. Аммо ўз ишини бошламоқчи бўлганлар олдида бирмунча муаммовий масалалар борлиги эътироф этилмоқда. Улар ичидан пухта ўйланган ғоя ва режа йўқлиги; банкдан кредит олишнинг қийинлиги; маблағ етишмаслиги; тартиб-коидаларни тез ўзгариши каби тўсиқлар мавжудлиги кўрсатди.

7. Оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган оилаларнинг 55 фоизи банк кредити, 29 фоизи ўзларининг, 16 фоизи танишлари ва қариндошлари маблағи ҳисобига иш бошлаш ўзларига маъқуллигини эътироф этганлар. Бундай ҳолат банк тизимида кредит бериш механизмларини такомиллаштириш ёки оилавий тадбиркорлик фондларини ташкил этиш масаласини ечиш зарур эканлигини кўрсатади.

8. Анкета сўровлари оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ёрдам олишдан манфаатдор эканликларини кўрсатмоқда. Шу билан бир вақтда ушбу йўналишда маҳалладаги Маслаҳат марказлари ҳамда хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатувчи ташкилотлар кўмагини кучайтириш зарур ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, хорижий тажрибаларни ҳисобга олиб мамлакат худудларида хусусий мулкчилик ва оилавий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-кувватловчи ҳамда амалий кўмак берувчи тадқиқот марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

9. Кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда айнан оила тадбиркорлигини ташкил этиш соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаатларини ҳимояловчи, кўмак берувчи ва оилавий корхоналарнинг фаолият кўрсатиши борасида тажриба алмашиш учун мунозара майдонларини ташкил этувчи маҳсус бирлашмалар фаолият юритади. Бу аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишни кенгайтириш, оилавий иш анъаналарини ривожлантириш ва оила тадбиркорлари сулоласини шакллантириш имконини беради. Бу билан оилавий тадбиркорлик нафақат жамиятда барқарор ижтимоий-иктисодий вазиятни таъминлайди, балки келажакка йўналтирилган ижобий ишбилармонлик муҳитини шакллантиради.

10. Оилавий тадбиркорликнинг уйда ишлаб чиқариш (касаначилик) ва хунармандчилик шакли асосий фаолият тури бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу фаолият йирик корхоналар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг шакли сифатида белгилаб қўйилган. Аммо унинг бошқа шакллари қонунчилик меъёрлари билан эътироф этилмаган. Шуларни ҳисобга

олиб “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ти ЎзР Қонунига ҳунармандчилик ва якка тадбиркорликни тартибга солиш юзасидан хуқуқий-институционал нормаларни такомиллаштириш зарур.

11. Оилаларнинг тадбиркорлик фаоллигини янада кенг қўллаб-куватлаш учун қуийдаги тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

а) Оилавий тадбиркорлик фаолиятини биринчи марта бошлаётган фуқароларга бизнес ғоясини рўёбга чиқариш учун “йўл харитаси”ни тузиш, кичик молиявий кўмак олиш учун бизнес-режа сифатида ишлаб чиқариш, сотиш, хом ашёга талаб, харажатлар ва шу кабилар балансини ҳисоблаш учун консалтинг хизматлари ташкилотларини тузиш лозим.

б) Қишлоқ хўжалигида ҳамда қишлоқ хўжалиги бўлмаган ишлаб чиқариш, хизматлар қўрсатиш йўналишларида оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошловчи фуқароларга ер беришни олдиндан аниқлаш заҳиралари ҳақидаги маҳсус ахборотларни матбуотда тарқатиб бориш тизимини жорий қилиш лозим.

12. Оилавий корхонани имтиёзли кредитлаш келгусида ҳам давлат томонидан оила бизнесини қўллаб-куватлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолиши керак. Айниқса бу эндиғина иш бошлаган кичик оилавий корхона учун зарур ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон қонунчилигига оилавий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш ва суғурта қилиш механизмлари такомиллаштирилиши лозим.

13. Оилавий корхона фаолиятига янги солиқ тизими ижобий таъсир этади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2 млрд. сўм товар айланмасига эга 8 нафар ходими бор корхона ҳозирги амалдаги ставкаларда 107,9 млн. сўм солиқ тўласа, янги солиқ тизими бўйича 67,9 млн. сўм солиқ тўлайди ва бунда 43,3 млн. сўм маблағ оилавий корхона ихтиёрида қолади.

14. Оила тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш ва уни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш оилада давлат-хусусий шериклик

механизмини жорий этиш билан боғлиқ ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб, хорижий мамлакатларда эътироф этилганидек, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларида амалга ошириш бўйича мавжуд тажрибалари, хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки ёхуд алоҳида функцияларини хусусий сектор вакилига инвестиция киритиш ҳисобига фойдаланишга (бошқаришга) юридик жиҳатдан тасдиқланган шартнома асосида бериш оила тадбиркорлигини ривожлантиришнинг самарали йўлларидан бири ҳисобланади.

15. Давлат-хусусий шерикликнинг асосий тамоиллари ва қонунчилик ҳамда иқтисодиёт тармоғи ёки соҳанинг ўзига хос хусусиятлари, риск (таваккалчилик) даражаси давлат билан хусусий шерик ўртасида бошқарув шартномаси, ижара шартномаси, концессия, капиталда ҳамда маҳсулот тақсимотида иштирок қилиш шаклларидан бири бўйича битимлар тузиш орқали шерикликни амалга ошириш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Lex.uz, 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонуни. Lex.uz, 2017 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”. Lex.uz, 2017 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Оиласи тадбиркорлик тўғрисида. ЎзР қонун хужжатлари тўплами, 2012 йил 26 апрель, ЎРҚ-327-сон. 17-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 02.05.2012 й.даги № ЎРҚ-328-сонли Қонуни (янги таҳрири).

6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни 2013 йил 22 апрель. №ЎРҚ—350. (Янги таҳрир 11.09.2019 й.)

7. “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎзРнинг Қонуни, №ЎРҚ-537, 10 май 2019 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. “Хар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида. <http://andijon.uz/news/>

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг. “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17.11.2017 йилдаги ПФ-5242-сонли Фармони. <http://uza.uz/oz/documents>.

10. Ўзбекистон Президентининг 7 март 2019 йилдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4231-сонли қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 ЎР Қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2019 й. ПФ-5700 сонли “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқесини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27-июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3808-сонли қарори

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780 сонли Фармони

15. “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎзР Президентининг ПҚ-3931-сонли қарори, 05.09.2018 й.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни ривожлантириш борасида давлат-хусусий шерикликни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси. <https://regulation.gov.uz/oz/dokument/1110>

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

17. “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎзР ВМнинг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарори. ЎзР ҚХТ, 2009 й. 30-31-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 1009-сонли ЎзР Вазирлар Маҳкамаси Қарори. 15.02.2018 й. № 117.

19. “Давлат-хусусий шерикликни ривожланиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 1009-сонли ЎзР Вазирлар Маҳкамаси Қарори. 13.12.2018 й.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва Маъruzalari

20. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган маъruzаси. “Тошкент оқшоми” газетаси, 2017 йил 16-январь, №11.

V. Махсус илмий манбалар

21. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: «IQTISOD - MOLIYA», 2008. 340 с.
22. Абдуллаева Р.Г. Ўзбекистон Республикасида ҳунармандчилик тараққиёти ва унинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти. “Иктиносидиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил.
23. Абдурахимова Ё.М., Абдурахимов М.М. Оила тадбиркорлигини ривожлантиришда ҳозирги ва янги киритилаётган солиқ аҳамияти. “Тадбиркорликни ривожлантириш, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами, ТДИУ, 30.04.2018. Б. 67-69. 0,2 б.т.
24. Ахмедов У.К. Роль фермерских хозяйств в экономике мира. “ECONOMICS” научный журнал. Издательство «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». №5 (43), октябрь 2019 г. Учредитель ООО «ОЛИМП». <http://economic-theory.com/h/arkhiv-zhurnala.html>
25. Ахмедов У.Қ. Қишлоқ жойларда уй хўжаликларнинг ривожланиши истиқболлари. Монография. –Т.: “Fan va texnologiy”, 2014, 152 б.
26. Ахмедов У.Қ. Уй хўжалиги тушунчасининг ижтимоий – иктиносидий моҳияти ва унинг оила билан узвий боғлиқлиги. Агроиктиносидиёт журнали (чоп этишга топширилган). Т.: -2019 й.
27. Беркинов Б.Б., Асқарова М.Т., Абдурахимова С. Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси: ўкув қўлланма. – Т.: 2019., 78 бет.
28. Беркинов Б.Б. Бизда қачон арzonчилик бўлади? Бекажон оиласи газетаси, 25.04.2019 й., 10 б.
29. Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента: учебное пособие / И.Т.Балабанов – 3-е изд., прераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 526 с.

30. Баранец Н.И. Социальные аспекты семейного предпринимательства: опыт социологического исследования. - Ученные записки, 2008, №4, с.18.

31. Барбашин И.В. Социальные функции семейного предпринимательства в современной России: сущность и формы семейного предпринимательства. - Корпоративная социальная ответственность в современной России: теория и практика. Аналитический вестник Совета Федерации Федерального собрания Российской Федерации, 2005, №26, с.60.

32. Беркинов Б.Б., Шакирова Г.А. Оилани қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш муаммолари. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедраси куни “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг янги босқичида инсон омили ва манфаатлари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами, ТДИУ, Меҳнат иқтисодиёти кафедраси. 20 сентябрь 2019 й. 0.2 б.т.

33. Беркинов Б.Б. Институтлар ва уларнинг ижтимоий-иктисодий тизимлар ривожланишидаги роли. “Institutional development of socio-economic and financial systems: national economy in a global environment” мавзусидаги XI Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарақанд, 2019 йил 16-17 май.

34. Беркинов Б.Б. Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари. Biznes Daily. Иқтисодий газета Биржа. № 22. 24.02. 2018 йил. 0,2 б.т.

35. Беркинов Б.Б. Оилавий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишининг институционал-ҳуқуқий нормалари ва такомиллаштириш йўналишлари. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. № 4. 2018 й. 154-160 б. 0,5 б.т.

36. Беркинов Б.Б. Оилавий тадбиркорликнинг хорижий тажрибалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологииялар”. Электрон журнал. № 4. 2018 й. (221 кВ) <http://www.iqtisodiyot.uz/son2018/4>. 20.09.2018 й. 0,45 б.т.

37. Беркинов Б.Б. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш омиллари ва ресурслари. “Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибаси” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. 9 октябрь. 2018 й. 15-18 б. 0,2 б.т.

38. Беркинов Б.Б. Ўзбекистонни ривожланиш йўналишлари ва интеллектуал ресурслари. Иқтисодиёт ва таълим журнали., 2019 й. №1. 6-10 б.

39. Беркинов Б.Б., Абдурахимова Ё.М. Маҳалла ҳудудида оиласи тадбиркорликни ривожлантириш учун кичик кластернинг ташкилий тузилмаси. Жиззах Политехника институти нашриёти. 2019 й. 0,25 б.т.

40. Беркинов Б.Б., Абдурахимова Ё.М. Маҳалла ҳудудида оиласи тадбиркорликни ривожлантириш учун кичик кластерни ташкил этиш босқичлари, 2019 йил. Бухоро давлат университети нашриёти, 0,75 б.т.

41. Беркинов Б.Б., Абдурахимова Ё.М. Оила тадбиркорлигини ривожлантиришда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар. Республика илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. Ўзбекистон Миллий университети. 18 май 2018 й. Б. 84-86. 0,15 б.т.

42. Беркинов Б.Б., Абдурахимова Ё.М. Оиласи тадбиркорликда ишлаб чиқариш кооперацияси – бозор рақобати асосий омили. “Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Тошкент, 27 ноябрь 2018 й. 222-224 б. 0,25 б.т.

43. Беркинов Б.Б., Ўрмонов Н.Т. Норма ижодкорлиги концепцияси – оила институтида инновацион салоҳият мустаҳкамланишининг методологик асоси. “Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибаси” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. 9 октябрь. 2018 й. 184-187 б.

44. Беркинов Б.Б., Шакирова Г.А., Абдурахимова Ё.М. Маҳаллада оиласи тадбиркорликни ривожлантириш учун кластер механизмини жорий этиш. “Бизнес-эксперт” журнали. № 10. 2018 й. 76-79 б. 0,5 б.т.

45. Большая советская энциклопедия. – Т. 20. – М., 1977. С.428.
46. Большой коммерческий словарь / под ред. Т.Ф.Рябовой. – М.: Война и мир, 1996-399 с.
47. Большой экономический словарь / под. ред. А.Н.Азрилияна. – 2-е изд. доп. и прераб. – М.: Институт новой экономики, 1997. – 864 с.
48. Бороненкова С.А. Управленческий анализ / С.А.Бороненкова. – М.:Финансы и статистика, 2001. – 384 с.
49. Васильев М.П. Экономический факультет МГУ им. Ломоносова // <http://www.rusus.ru/?act=read&id=206>
50. Витковская О.И. Социально-психологический портрет предпринимателя // Сибирский психологический журнал. - 2005. - №21. - С.25.
51. Волков Д.А. Особенности организации и управления семейным предпринимательством в условиях России. Автореферат док.диссертации. – М.: РАНХ и ГС. 45 с.
52. Фозиев Ш.М. Маҳалла ва кичик оиласий бизнес. Оммабоп рисола. - Т.: ТДЮИ, 2011.-46 б.
53. Гурько Т.А. Институт семьи в постиндустриальных обществах. 2012., Bengson, V.L., Biblarz, Y.J., Roberts, R.E. How families still matter. A longitudinal study of youth in two generations. New York: Cambridge University Press. 2002.
54. Доклад Генерального Директора Международного бюро труда Труд как средство борьбы с нищетой» на 91-й сессии МОТ. - 2003г., с. 85
55. Журнал «Стандарт: Бизнес-класс». 2011, №»5, с.35.
56. Захидов Г.Э. Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. РУз БМА, 2017.- 24 б.
57. Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательства: анализ российской практики.//Российский внешнеэкономический вестник. № 9,2011. С.17-20.

58. Клепиков Ю.Н. Оценка уровня и стратегия улучшения использования экономического потенциала предприятия: автореф. дис... канд. экон. наук / Ю.Н.Клепиков – Белгород, 1999. – 23 с.
59. Козлов М.П. Кластерный подход как механизм активизации инновационного развития субъектов агропромышленного производства//. Экономика, труд, управление в сельском хозяйстве. М., 2015, № 1(22), с.24-28.
60. Козлов М.П. Региональные агропромышленные кластеры: методические аспекты формирования и развития в условиях инновационной экономики.// Экономика и социум, №2(21), 2016г.-С.18-26.
61. Краснокутская Н.С. Потенциал предприятия: формирование и оценка / Н.С. Краснокутская. - Киев: Центр учеб. лит., 2005. - 352 с.
62. Миско К.М. Ресурсный потенциал региона (теоретические и методологические аспекты исследования) / К.М.Миско. – М.: Наука, 1991. – 94 с.
63. Назарова X.М., Мамадалиева X.Х. Ўзбекистоннинг демокрафик салоҳияти. Монография. –Т.:Фан,2011.-173б.
64. Носирходжаева Д.С. Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках. Диссертационная работа на соискание ученной степени д.э.н. – Е.: ИЭ АН РУз, 2011, -С.26.
65. Ожегов С.И. Словарь русского языка: Около 53000 слов / СИ.Ожигов – 25-е изд. – М.: АЗЪ, 2001. – 763 с. Российский энциклопедический словарь: В 2 кн. Кн. 2: Н-Я./ под ред. А.М. Прохорова: - М.: Большая российская энциклопедия, 2000. – 1023 с.
66. Окорокова Л.Г. Ресурсный потенциал предприятий / Л.Г.Окорокова. – СПб.: С- ПбГТУ, 2001. – 293 с.
67. Порттер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. - С.37.
68. Постникова, М. И. Концептуальная модель межпоколенных отношений в современном российском обществе // Мир науки, культуры, образования. 2010. №2 (21). - С. 79.

69. Радаев В.В. Человек в домашнем хозяйстве // Социологические исследования. – М. – 1997, №4. – С. 64-72.
70. Разумнова И.И. Семейный и надомный бизнес: опыт США. - США.Канада: экономика, политика, культура. - 2001, №1. - С.116.
71. Резник С.Д. Управление семейной экономикой. - М. , 2005. - С. 15.
72. Рейзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 2-е изд., испр. – М: ИНФРА-М. 479 с.. 1999. https://dic.academic.ru/dic.nsf/econ_dict/11758.
73. Ресурсный потенциал экономического роста / под ред. М.А.Комаров, А.Н.Романов. – М.: Путь России, 2002, - 567 с.
74. Сайко Э.В. Проблемы поколений в современной исторической ситуации // Мир психологии. 2009. №3. - С. 169.
75. Сапоровская, М. В. Теория и практика исследования межпоколенной связи в семейном контексте // Психологические исследования: электронный научный журнал. 2010. № 1 (9). С. 4.
76. Семья в Узбекистане, 2013-2017. Госкомстат Республики Узбекистан. Т.: 2018,-157 с.
77. Тошмухаммедова Д.Ғ., Каримова Д.М., Мавлянов Б.А. Современная семья в Узбекистане. «Оила» илмий-тадқиқот маркази. – Т.: 2019, -73 б. www.oilamarkazi.uz
78. Убайдуллаева Р.А. Семья в Узбекистане. Монография. – Т.: Фан, 2012. – 185 с.
79. Шакирова Г.А. Оилавий тадбиркорлик – аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаи. “Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Тошкент, 27 ноябрь 2018 й. 183-186 б, 25 б.т.
80. Шакирова Г.А. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда оилавий меҳмонхоналар ташкил этишнинг аҳамияти. «Жаҳон иқтисодиёти глобализацияси шароитида туризм индустрияси ривожланишининг устувор

йўналишлари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман. Тошкент, ТДИУ, 10 октябрь 2019 йил.

81. Шаховалова Е.Г. Перспективы развития семейного бизнеса в России. – Ползуновский альманах. 2009, №3. - С. 30.
82. Щетинина И.В. Перспективы развития агропромышленных кластеров в России// Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. М., 2015, №3, с.51-55.
83. Энциклопедия бизнесмена, экономиста, менеджера / [под ред. Р. Дакива]. - Киев: Междунар. экон. фондация, ООО «Книгодрук», 2000. - 704 с.
84. Қодиров А., Ахмедиева А., Убайдуллаев Д. Кластер механизми. Agroiqtisodiyot, №1, 2017.-Б.38-44.
85. Berkinov B.B. Shakirova G.A. Social and institutional-legal bases for the development of craftsmanship in Uzbekistan (Ўзбекистонда ҳунармандчилик ривожланишининг ижтимоий ва институционал-ҳуқуқий асослари). 2019 у. TSEU, Iqtisodiyot nashriyoti 0,6 b.t.
86. Delmon J. Private Sector Investment in Infrastructure: Project Finance, PPP Projects and Risk. The World Bank and Kluwer Law International. 2009. P. 7.
87. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations? // Finance & Development. 2001. Vol. 38. No. 3.
88. Green Paper on Public-Private Partnerships and Community Law on Public Contracts and Concessions. Brussels. 30.04.2004. P. 3.
89. Public Private Partnerships – the Government's Approach. London. The Stationery Office. 2000. P. 6.
90. Public/Private Partnerships: Financing a Common Wealth / ed. by B. Weiss. Washington, 1985. P.
91. Report to Congress on Public-Private Partnerships. US Department of Transportation. 2004. P. 10.
92. Winter M., Morris E. Family Resource & Family Business: Coming Together // Theory and Research, working paper. Ames: Iowa State University, Iowa Agriculture and Home Economics Experiment Station, 1996. P.2

93. Why Family Business are better Equipped to go Global. // economictimes.indiatimes.com/articleshow/66860347.cms?utm_source=contentofinterest&utm_medium=text&utm_campaign=cppst.

VI. Статистик манбалар

94. Статистик тўплам. “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2011 йиллар) асосий тенденция ва қўрсаткичлари ҳамда 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари”. – Т. “Ўзбекистон”, 2013. – 3 б.

95. Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. ЎзР Давлат статистика қўмитаси. Тошкент, 2017. – 244 б.

96. Демография предприятий и организаций. <https://stat.uz/ru433-analiticheskie-materialy-ru/2053>. Госкомстат, 2017 г.

97. Основные показатели социально – экономического развития Республики Узбекистан за 2017-2018 годы. Госкомстат РУз, 2018 г.

98. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. ЎзР Давлат статистика қўмитаси. Тошкент, 2018.

VII. Интернет манбалари

99. www.tashkent.uz – Тошкент шаҳар ҳокимияти расмий сайти.

100. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

101. www.agro.uz – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти.

102. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали.

103. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

104. www.chamber.uz – Савдо-саноат палатаси расмий сайти

105. [http://uz.m.wikipedia.org>wiki>Hunarmand](http://uz.m.wikipedia.org/wiki/Hunarmand)

106. <http://www.biznes-china.ru/articles/kitaiskaya-semiiya/>

107. <http://www.freeway.otkroybizness.ru>